

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Х.Файзиев, Ў. Хусанхўжаев, М.Боқиев, А. Янгиев

ГИДРОТЕХНИКА ГА КИРИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2009

МУАЛЛИФЛАР: X.Файзиев, Ў.Хусанхўжаев, М.Боқиев, А. Янгиев Гидротехникага кириш. (Ўқув қўлланма Файзиев X., Хусанхўжаев Ў.И., Боқиев М.Р., Янгиев А. ТАҚИ. 2009й. 160 бет.)

Ўқув қўлланма “Гидротехникага кириш” фани дастури асосида ёзилган бўлиб,унда гидротехника қурилиши таълим йўналиши, сув хўжалиги ва унинг тармоқлари,тўғонлар, гидроэлектростанциялар, инженерлик мелиорацияси, сув йўллари ва портлари ва бошқа хар хил мақсадлардаги гидротехника иншоотлари уларни типлари, конструкцияси қуриш усули тўғрисида бошланғич маълумотлар келтирилган. Ўқув қўлланма “Гидротехника қурилиши” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган.

“Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар” кафедраси

чиズма 108

жадвал 5

адабиёт 7

Тошкент архитектура қурилиш институти ўқув услубий кенгаши тавсияси ҳамда олий ўқув юртлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига биноан нашр этилди.

Тақризчилар:

ТИМИ “Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияси” кафедраси мудири т.ф.н. Давронов Ф.Т.

ТАҚИ “Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти т.ф.н. Сайфиддинов С.

Масъул муҳаррир: т.ф.н. доц. Юсупов Х. И.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан турдош олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинади.

Сўз боши

«Гидротехникага кириш» фани 5580700-Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши),5580700 «Гидротехника қурилиши», йуналишидаги бакалавр тайёрлаш учун жуда мухимдир. Гидротехника тушунчаси жуда кенг бўлиб, унга дарё ва каналлардаги , океан ва денгиздаги иншоотлар, ер ости гидротехника иншоотлари, суғориш ва зах қочириш иншоотлари ва бошқалар киради.

Гидротехника бундан ташқари селга қарши қурашиш ва дарё ва денгиз қирғоқларини сув тўлқинлари таъсирида ювилишини олдини олиш масалалари билан ҳам шуғулланади

Бу фанни ўқитишдан асосий мақсад талабаларга гидротехника фани тўғрисида тушунчалар пайдо бўлишини ўргатиш, бу мутахассисликнинг хўжаликдаги роли мухимлигини тушунтиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга гидротехника қурилиши ,улардаги иншоотлар турлари ва конструкцияси тўғрисида, уларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш масалалари, бўйича умумий тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

Бўлажак бакалаврлар Ўзбекистон шароити ва бутун дунёда гидротехника йўналишини мухимлиги ва долзарблигини келажагини, гидротехника иншоотлари ва уларнинг вазифалари тўғрисида тушунчага эга бўлиши керак.

Ушбу ўқув қўлланма “Гидротехникага кириш” фани дастури асосида ёзилган бўлиб 5580700-Гидротехника қурилиши(дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши) ва 5580700-Гидротехника қурилиши бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қулланма 6-бобдан иборат бўлиб 1-бобда Гидротехника йўналиши тўғрисида умумий маълумотлар Гидротехника қурилиши йўналишини характеристикаси. Бакалавр тайёргарлигига қўйиладиган касбий малакавий талаблар,сув ресурслари, Ўзбекистондаги сув ресурслари муаммоси ва уни келажакда бартараф этиш чора –тадбирлари, сув хўжалиги ва унинг тармоқлари тўғрисида маълумотлар баён қилинган

2-бобда Гидротехника иншоотлари тўғрисида умумий маълумотлар. Тўғонлар, сув ташловчи, сув чиқарувчи иншоотлар,гидротехника туннеллари каналлар ва улардаги гидротехника иншоотлари.гидротехника иншоотлари затворлари, дарёдан сув олиш иншоотлари тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган

3-бобда Гидроэлектростанциялар, турбиналар ва уларни турлари ва шунга тегишли масалалар баён этилган

4-бобда Сув йўлари ва портлари ва ундаги иншоотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

5-бобда Инженерлик мелиорацияси тўғрисида умумий маълумотлар уни тармоғи бўлган суғориш ва зах қочириш мелиорацияси бўйича асосий тушунчалар келтирилган.

6-бобда Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва уни технологияси масалалари тўғрисида умумий маълумотлар ёритилган

1-боб Гидротехника йўналиши тўғрисида

умумий маълумотлар

1.1. Гидротехника қурилиши йўналишини характеристикаси

5580700-Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши) таълим йўналиши Ўзбекистон узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари, олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритилган.

5580700-Гидротехника қурилиши(дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши) – сув ресурсларидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва атроф мухитни сувни зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган умумий масалаларни ҳал этишга қаратилган инсон фаолиятини ўз ичига олган фан ва техника соҳасини йўналиши.

Ушбу йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг обьектлари:-турли лойиҳа, лойиҳа-изланув ва лойиҳа смета хужжатларини тузиш, гидротехника иншоотларини барпо этиш, уларни таъмирлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ.

5580700–Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши) йўналиши бўйича бакалавр фундаментал, умумкасбий ва маҳсус тайёргарлигига мувофиқ қўйидагиларни ўзлаштиради:

- *войиҳавий-конструкторлик*: гидротехника иншоотлари бўғинлари ва уларни элементларини лойиҳалаш ва конструкциялаш, юқори самарали замонавий, техник ва иқтисодий такомиллашган иншоотларни барпо этиш, тиклаш мақсадида лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш;

- ишилаб чиқарши-бошқарув*: қурилиш ва тиклаш ишларини бажаришни таъминлаш, уларни ташкил этишни бошқариш, қурилишни барча босқичларида сифат назоратини ўрнатиш;

- илмий- тадқиқот*: гидротехника иншоотларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлар ўтказишда фаол иш каби касбий фаолият турларини бажариши.

Таълим олишни давом эттириш имкониятлари.

5580700 – Гидротехника қурилиши йўналиши бўйича бакалавр қўйидаги:

5A580701 – Гидротехника иншоотлари;

5A580702 – Гидроэлектростанция бинолари ва иншоотлари;

5A580703 – Насос станциялари қурилиши;

5A580704 – Гидравлика ва инженерлик гидрологияси;

5A580705 – Селга қарши ва ростлаш иншоотлари;

5A580706 – Ички сув йўллари ва портлар;

5A580707 - Касбий фанларни ўқитиш услуби

мутахассисликлар ҳамда таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан белгиланган, турдош таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада таълимни давом эттириши мумкин

1.2 Бакалаврнинг касбий малакавий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Бакалавр:

иншоотларни лойиҳалаш соҳасида: гидротехника иншоотларини ҳамда уларнинг алоҳида элементларини лойиҳалай олиши;

технологиялар соҳасида: гидротехника иншоотлари қурилиш ва таъмираш ишлари технологияларини мукаммал билиши;

илмий соҳада: гидротехника иншоотларини ўрганиш бўйича амалий илмий-тадқиқот ишларини бажара олиши;

қурилишини ташкил этиши ва бошқарии соҳасида: қурилиш ишларини ташкил қилиш ва бошқариш, қурилишнинг барча соҳаларида сифат назоратини ўрната олиши;

иқтисодий соҳада: муҳандислик ечимини техникавий-иқтисодий таҳлил қилишни, техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашни билиши;

таълим соҳасида: узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни билиши керак;

касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўнижмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият қўрсатиш талабларига ва профессионализмга жавоб бериши керак.

1.3 Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

Таълимнинг бакалавриат муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган этalon даражаси

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;

- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

Олий таълимни бошқарии бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- Бакалавриат йўналишлари давлат таълим стандартлари;

- Магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари.

Муайян бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислиги давлат таълим стандарти қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

зарварақ (титул);

мундарижа;

бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг умумий таснифи;

бакалавр ёки магистр тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;

таълим дастури мазмуни ва компонентлари;

кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

Қўйидагилар олий таълимнинг меъёрий хужжатлари хисобланади:

Олий таълимни бошқариш буйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари;

Олий таълимни бошқариш буйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартиба солувчи норматив хужжатлар.

Бакалавриат бу-ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим. Бакалавриат олий таълимнинг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабанинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўнилмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Таълим дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларини ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Таълим дастурлари бакалавриат йуналишлари давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда якунловчи давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Магистратура бу-бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик буйича олий таълим;

Магистратура таълим дастурлари бакалавриат таълим дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда

ишлиб чиқилиши ва талабалар томонидан қуидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Таълим дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг таълим дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари буйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Таълим дастурлари магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда якунловчи давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режаси бу-Олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги буйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларнинг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив хужжат

1.4. Сув ресурслари. Ўзбекистондаги сув ресурслари муаммоси ва уни келажакда бартараф этиш чора –тадбирлари

1.4.1.Сув ресурслари ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси Евроосиё қитъасининг марказий қисми, Сирдарё ва Амударё дарёлари оралиғида жойлашган.

Республиканинг кенглиқ жойлашуви Испания, Греция ва Италия сингари Ўрта Ер денгизи давлатлари қаторига кирсада, табиий шартшароити денгизлардан жуда узоқда бўлганлиги сабабли ушбу субтропик мамлакатларнидан анча фарқ қиласди. Бундан ташқари, қуруқ ва совук ҳаво оқими тўсиқсиз кириб кела олиши, жанубдан нам ва илиқ ҳаво оқими кириб келишига баланд тоғлар қаршилик кўрсатиши, унинг иқлими субтропик кескин континентал бўлишини изоҳлади.

Республиканинг шимолий-ғарбдан жануби-шарққа қараб чўзилиб кетган худудининг катта қисмини текислик дашт-чўллар, жануби-шарқини эса тоғ олди ва тоғ зоналари ташкил этади.

Атмосфера ёғинлари минтақадаги барча дарёларнинг ягона тўйиниши манбаи ҳисобланиб, сезиларли даражада табиий ландшафт қатори ундаги қишлоқ хўжалик ишлиб чиқаришининг ҳам тавсифини белгилаб беради.

Ўзбекистон худуди бўйлаб ёғинлар тақсимланиши унинг жуғрофий жойлашганлиги, рельефнинг турлича эканлиги ва атмосфера циркуляциясининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир. Бу ерда тушадиган атмосфера ёғинларининг асосий қисми Атлантика океанидан, шунингдек Ўрта Ер денгизи ва Форс кўлтиғидан ҳаво қатлами билан олиб келинади. Орол денгизининг намлантирувчи таъсири қирғоқ атрофидаги тор йўлак

билин чегараланади ва у ҳам денгизнинг юзаси қисқарган сари камайиб бормоқда.

Текисликларнинг катта қисми, айниқса гарб томони қурғоқчили. Бир йилда бу ерда ўртача 80 мм дан 250 мм гача ёғин миқдори тушади, тоғ олди қисмида эса 100 мм дан 500 мм гача ўзгариб туради. Энг кўп атмосфера ёғинлари тоғ зонасида: Ғарбий Тянь-Шаннинг шамол йўналишидаги чўққиларида йиллик йигиндиси 2000 мм дан ошади, Зарафшон тоғ тизмасининг шамол йўналишидаги чўққиларида (масалан, Омонқўтон станциясида-960 мм/йил) кўп миқдорда кузатилади.

Ёғинлар йиллик йигиндиси вакт бўйича сезиларли ўзгариб туришини таъкидлаб ўтиш лозим.

Текисликда ёғинли кунлар миқдори бир йилда ўртача 35-60, тоғ олди ва тоғларда 70-90 кунни ташкил этади.

Ёғинларнинг энг муҳим тавсифи бўлиб, уларнинг йил давомида тақсимланиши ҳисобланади. Ўзбекистонда энг кўп атмосфера ёғинлари март-апрель ойларига, энг кам миқдори эса ёз ойларига тўғри келади. Ёзнинг қуруқ ва иссиқ бўлиши туфайли қишлоқ хўжалик экинларининг асосий қисми суғориладиган ерларда етиштирилади.

Республиканинг сув ресурслари ва улардан фойдаланиш. Ўзбекистоннинг сув ресурслари Орол денгизи ҳавзасидаги барча сув ресурслари билан узвий боғлиқ равишда қаралади. Орол денгизи ҳавзаси Евросиё марказида жойлашган бўлиб, чегараси Марказий Осиёники билан деярли устма-уст тушади.

Ҳавза Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистоннинг барча худудини, Қирғизистон Республикасининг 4 та области (Ўш, Жалолобод, Норин, Боткен), Қозогистоннинг жанубий қисми (икки области: Қизил-Ўрда ва Жанубий Қозогистон) ҳамда Афғонистон, Эроннинг шимолий қисмларини қамраб олади.

Марказий Осиёда қишлоқ аҳолисининг асосий бандлик соҳаси бўлиб **қишлоқ хўжалиги** ҳисобланади, ҳозирги пайтда ундан аҳолининг 60% га яқини ишлайди ва шунга кўра, минтақадаги мамлакатлар ривожи учун аграр сектор самарадорлиги алоҳида ўрин тутади. Марказий Осиёнинг аграр минтақа сифатида гуллаб-яшнаши қадимдан ердан фойдаланиш билан узвий боғлиқ бўлиб келган.

Умумий **154,9 млн.** га ер майдонидан 59.1 млн. га ер ишлов беришга яроқли, шундан фақат 10 млн.га ердан фойдаланилади. Ишлов бериладиган ерларнинг ярми воҳаларда жойлашган (табиийки, улар зовурлаштирилган ва унумдор ҳисобланади). Ернинг қолган ярми эса улардан фойдаланишни йўлга қўйиш учун мураккаб ва қиммат мелиоратив тадбирлар (унинг таркибида зовур ётқизиш, текислаш ишларидан ташқари тупроқ структурасини яхшилаш ҳам бор) ўтказишни талаб қиласди.

Орол денгизи ҳавзасида мавжуд сув ресурслари. ҳавзадаги сув ресурслари ер устидаги ва ер остидаги келиб чиқишига кўра табиий шунингдек антропоген келиб чиқишига эга қайтар сувлардан иборатdir. Барча сув ресурслари Сирдарё ва Амударё ҳавзаларига тегишли. Фақат

Қашқадарё, Зарафшон, Мурғоб ва Тежен дарёлари мустақил (бирор жойга қўйилмайдиган, Амударё дарёсига интиладиган) ҳавзаларни хосил қилиади.

Ер усти сув ресурслари. Гидрологик қузатувлар асосида Орол денгизи ҳавзасидаги дарёларнинг Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳавзалари билан биргаликдаги умумий ресурслари баҳолаб чиқилган. Кузатувларнинг бутун даври (1911/1914-2000 йиллар) давомида оқим йиғиндиси ўртача арифметик қиймати Орол денгизи ҳавзаси бўйича бир йилда 116483 млн. м^3 ни, шу жумладан бир йилда Амударё бўйича 79280 млн. м^3 ни ва Сирдарё 37203 млн. м^3 ни ташкил этар экан.

Сув ресурсларининг йиллик қиймати серсувилийкнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ равишда сув танқис йиллар (95% ли таъминланганлик) дан сув кўп йиллар (5% ли таъминланганлик) гача қуидагича, яъни Амударё бўйича $58,6 \text{ км}^2$ дан $109,9 \text{ км}^3$ гача, Сирдарё бўйича эса $23,6 \text{ км}^3$ дан $51,1 \text{ км}^3$ гача ўзгариб туради.

Кўйида келтирилган 1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, Орол денгизи ҳавзасидаги умумий оқимнинг 25,1% Қирғизистонда, 52% Тожикистонда, 9,6% Ўзбекистонда, 2,1% Қозоғистонда, 1,2% Туркманистонда ва 10% эса Афғонистонда ва Эронда шакланади.

Шундай қилиб, асосий дарёлар ва ирмоқларнинг ер усти сувлари (трансчегаравий ҳисобланади) бир неча мамлакатларнинг чегараларидан ўтади ва улар томонидан фойдаланилади, шу билан бир қаторда маҳаллий ирмоқларнинг катта қисми айниқса, Фаргона водийсида икки ва ундан ортиқ давлатларга хизмат қиласи, Исфара, Шоҳимардон, Сўх, Келес каби дарёлар бунга мисол бўла олади.

Ер ости сувлари. Орол денгизи ҳавзасидаги ер ости сувларининг қайта тикланувчи ресурслари, келиб чиқишига кўра икки қисмга ва сув йиғиладиган ҳудудда тоғларда ва табиий ҳолда шакланадиган ҳамда суғориладиган ҳудудларда шимилиш (фильтрация) таъсирида шакланадиган кўринишларга бўлинishi мумкин. ҳавза ҳудудида жами бўлиб ер ости сувларининг 339 та манбаси қидириб топилган ва фойдаланиш учун тасдиқланган, уларнинг умумий минтақавий заҳираси $31,17 \text{ км}^3$ деб баҳоланади ва шундан $12,7 \text{ км}^3$ Амударё ҳавзасига ва $16,4 \text{ км}^3$ эса Сирдарё ҳавзасига тўғри келади.

Қидириб топилган кўпгина ер ости сувлари ер усти оқими билан кучли гидравликавий ўзаро боғлиқликка эга, бу боғлиқлик ер ости сувлари ҳаддан ташқари олина бошласа ер усти сувларининг камайиши орқали намоён бўлади.

Ер ости заҳираларидан ушбу ҳолатни ҳисобга олиб ва ҳар бир жиҳозланган қудуқлар қувватига кўра сув олиш учун рухсат берилди.

Захиранинг тасдиқланган умумий ҳажми $13,1 \text{ км}^3$ ни ташкил этади (1.2-жадвал). Турли хил сувдан фойдаланувчилар учун ер ости сувларининг жами олинадиган микдори бир йилда $10,0 \text{ км}^3$ атрофида бўлиб, бу кўрсаткич 1990-йилларда $14,0 \text{ км}^3$ дан кўпроқни ташкил этар эди.

Келгусида ер ости сувларидан фойдаланиш фақат тасдиқланган заҳиралар чегарасида амалга оширилади.

**1.1-жадвал Орол денгизи ҳавзасида табиий дарё оқими йигиндиси
(ўртача кўп йиллик оқим, $\text{км}^3/\text{йил}$)**

| Давлат | Дарё ҳавзаси | | Орол денгизи ҳавзаси | |
|--------------------------------|--------------|---------|----------------------|------|
| | Сирдарё | Амударё | км^3 | -% |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Қозоғистон | 2,426 | - | 2,426 | 2,1 |
| Қирғизистон | 27,605 | 1.604 | 29,209 | 25,1 |
| Тожикистон | 1,005 | 59,578 | 60,583 | 52,0 |
| Туркманистон | | 1,549 | 1,549 | 1,2 |
| Ўзбекистон | 6,167 | 5,056 | 11,223 | 9,6 |
| Афғонистон ва Эрон | . | 11,593 | 11,593 | 10,0 |
| Орол денгизи бўйича жами ҳавза | 37,203 | 79,280 | 116,486 | 100 |

Ер ости сув ҳавзаларининг каттагина қисми икки давлат худудида шаклланади ва трансчегаравий ҳисобланади, яъни иккаласининг ҳам чегараларини қамраб олади (масалан: Мирзачўл, Далварзин, Кофирниғон, Фарғона ва ш.к.). Улардан сув олиш ҳажми ортиб бориши ва сув танқислиги кўпайган сари ер ости сув ҳавзаларини ростлаш, назорат қилиш, тугаб қолмаслик ва ифлосланмаслигини олдини олиш учун халқаро лицензиялаш шунингдек, келгусида меъёрида сувдан фойдаланишни таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари вужудга кела бошлайди.

Қайтар сувлар. Бу сувлар Орол денгизи ҳавзасида сувдан фойдаланиш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қиласди. Бироқ, уларнинг юқори даражада минераллашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қайтар сувлар сув объектлари ва қолаверса бутун атроф-мухитни ифлослантирувчи асосий манба бўлиб ҳам хизмат қилиш мумкин. Қайтар сувларнинг умумий ҳажмга нисбатан 95% ини суғориладиган далалардан чиқадиган коллектор-зовур сувлари, қолган қисмини эса саноат ва майший корхоналаридан келадиган оқова сувлар ташкил этади.

Минтақада суғоришнинг ва коллектор-зовур тизими қурилишининг ривожланиши туфайли қайтар сувлар ҳажмининг доимий равища ортиб бориши кузатилди ва бу кўрсатгич, айниқса, 1960-1990 йилларда жадал суръатларда ўсиб борди. 1990 йилларга келиб қайтар сувлар ҳажми у ёки бу даражада ўзгармас қийматга эга бўла бошлади ва ҳатто, суғориш ривожланиши ва зовурлар қурилиши тўхталиши, сувдан тажаб-тергаб фойдаланиш бўйича тадбирлар амалга оширила бошланганлиги сабабли бу ҳажм камая бошлади. Ўртacha 1990-1992 йилларда қайтар сувларнинг ҳажми бир йилда $28,0 \text{ км}^3$ дан $33,5 \text{ км}^3$ гача ўзгариб турди ва бу кўрсатгич Сирдарё бассейнида $13,5-15,5 \text{ км}^3$, Амударё бассейнида эса $16-19 \text{ км}^3$ ни ташкил этди (1.3-жадвал).

Оқимни сув омборлари билан ростлаш. Орол денгизи ҳавзасида ҳар бирининг фойдали сув ҳажми 10 млн. м^3 дан кўпроқ катта 60 дан ортиқ сув омборлари қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган. Сув омборларининг ҳажми тўла ҳажми $64,8 \text{ км}^3$ ни, шундан фойдали ҳажми $46,8$

км³ ни ташкил этади, шу жумладан Амударё ҳавзасида бу кўрсаткич 20,2 км³ ва Сирдарё ҳавзасида 26,6 км³ га тўғри келади.

1.2-жадвал Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларда ер ости сувлари заҳираси ва улардан фойдаланиш (йилига млн.м³)

| Давлатлар | Минтақавий захира баҳоси | Фойдаланиш учун тасдиқланган захира | 1995 йилдаги ҳакиқий олингандан сув ҳажми | Фойдаланиш мақсади | | | | | |
|----------------------------------|--------------------------|-------------------------------------|---|--------------------|--------|---------|----------|--------------------------|-----------------|
| | | | | Ичимлик сув билан | Саноат | Суғориш | Тикзорур | Тажриба учун сув чиқариш | Бошқа мақсадлар |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Қозоғистон | 1846 | 1224 | 420 | 288 | 120 | 0 | 0 | 0 | 12 |
| Қирғизистон | 862 | 670 | 407 | 43 | 56 | 308 | 0 | 0 | 0 |
| Тожикистон | 6650 | 2200 | 990 | 335 | 91 | 550 | 0 | 0 | 14 |
| Туркманистон | 3360 | 1220 | 457 | 210 | 36 | 150 | 60 | 1 | 0.15 |
| Ўзбекистон | 18455 | 7796 | 7749 | 3369 | 715 | 2156 | 1349 | 120 | 40 |
| Орол денгизи ҳавзаси бўйича жами | 31173 | 13110 | 10023 | 4245 | 1018 | 3164 | 1409 | 121 | 66 |

Орол денгизи ҳавзасида умумий қуввати 34,5 гВТ га эга 45 та гидроэлектростанция қурилган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг қуввати 50 мВТ дан 2700 мВТ гача бўлган қийматга эга. Энг йирик гидроэлектростанцияларга мисол қилиб Нурек (Тожикистондаги Вахш дарёсида қурилган қуввати 2700 мВТ) ва Токтагул (Қирғизистоннинг Норин дарёсида қурилган, қуввати 1200 мВТ) ГЭС ларини келтириш мумкин. Улар томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси Орол денгизи ҳавзасида ишлатиладиган электр энергиясининг 27,3% ини ташкил этади.

Қурилган сув омборлари туфайли оқимнинг ростланиш даражаси кафолатланган сув бориш Сирдарёда 0,94 ,Амударёда эса 0,78 га тенг бўлди.

Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларидан фойдаланиш. Марказий Осиёда сув ресурсларидан (асосан суғориш мақсадларида) фойдаланиш бир неча минг йил аввал бошланган эди. Сув ресурсларидан жадал суръатлар билан фойдаланиш, айниқса 1960 йилдан сўнг амалга оширила бошланди ва бу аҳолининг тез кўпайиши, саноатнинг кенг миқёсда ривожланиши ва биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун кўп сув талаб қилиниши билан изоҳланади. Жами бўлиб, минтақада олинадиган барча сувнинг 90% дан кўпроғи суғорма дехқончилик учун сарфланади.

1.3-жадвал Орол денгизи ҳавзасида қайтар сувларнинг шаклланиши ва сув ташлаш (ўртача 1990-1999 йиллар учун), йилига км³

| Мамлакатлар | Суғоришининг коллектор-зовур сувлари | Саноат, миший-хўжалик оқова сувлари | Жами шаклланган қайтар сувлар | Сув ташлаш ва сувни қайта ишлаш | | |
|-----------------------------|--------------------------------------|-------------------------------------|-------------------------------|---------------------------------|-------------------------|-------------------------------|
| | | | | Дарёларга | Табиий пасткам жойларга | Суғориш учун қайта фойдаланиш |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Қозогистон | 2,3 | 0,19 | 2,49 | 1,24 | 0,9 | 0,35 |
| Кирғизистон | 1,7 | 0,22 | 1,92 | 1,85 | 0 | 0,07 |
| Тожикистон (жами) | 3,5 | 0,25 | 3,75 | 3,45 | 0 | 0,3 |
| Шу жумладан Сирдарё ҳавзаси | 1,1 | 0,1 | 1,2 | 0,97 | 0 | 0,23 |
| Амударё ҳавзаси | 2,4 | 0,15 | 2,55 | 2,48 | 0 | 0,07 |
| Туркманистон | 3,8 | 0,25 | 4,05 | 0,91 | 3,1 | 0,04 |
| Ўзбекистон (жами) | 18,4 | 1,69 | 20,09 | 8,92 | 7,07 | 4,1 |
| Шу жумладан Сирдарё ҳавзаси | 7,6 | 0,89 | 8,49 | 5,55 | 0,84 | 2,1 |
| Амударё ҳавзаси | 10,8 | 0,8 | 11,6 | 3,37 | 6,23 | 2 |
| Жами ҳавза бўйича | 29,7 | 2,6 | 32,3 | 18,11 | 9,33 | 4,86 |
| Шу жумладан Сирдарё ҳавзаси | 12,7 | 1,4 | 14,1 | 9,61 | 1,74 | 2,75 |
| Шу жумладан Амударё ҳавзаси | 17 | 1,2 | 18,2 | 8,5 | 7,59 | 2,11 |

*Тик зовурлар қудуқлари чиқарадиган сувлар ҳам ҳисобга олинган.

Орол денгизи ҳавзаси бўйича жами олинадиган сув ҳажми 1960 йилда 60610 млн. м³ ни ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткич 116271 млн. м³ га teng бўлди, яъни 1,8 марта ўсди. Ушбу давр ичида худуддаги аҳоли сони эса 2,7 баробар, суғориладиган майдон 1,7 баробар, қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари 3 баробар, ялпи миллий маҳсулот қарийб 6 баробарга кўпайди.

1991 йилда Совет Иттифоқи парчаланиб (тарқалиб) кетгандан сўнг, минтақадаги сувдан фойдаланиш миқдори камая бошлади, 1995 йилдан кейин эса Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро келишилган ҳолда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш сиёсати юритила бошлагач, умумий сув олиш миқдорини камайтириш мақсадли анъанага айланди. Умумий сув

олиш 1999 йилда 1990 йилдагига нисбатан 15,4 км³ га кам бўлди ва 100871 млн. м³ ни ташкил этди (1.4-жадвал).

1.4-жадвал Орол денгизи ҳавзасида ер-сув ресурслари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

| т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 1960 | 1970 | 1980 | 1990 | 1999 |
|------------|--|----------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 1 | Аҳоли | млн.киши | 14,1 | 20,0 | 26,8 | 33,6 | 39,9 |
| 2 | Суғориладиган майдон | минг га | 4510 | 5150 | 6920 | 7600 | 7890 |
| 3 | Умумий сув олиш | 1 йилда км ³ | 60,61 | 91,56 | 116,9 4 | 116,2 7 | 100,8 7 |
| 4 | Шу жумладан суғориш учун | 1 йилда км ³ | 56,15 | 86,84 | 106,7 9 | 106,4 | 90,3 |
| 5 | 1 га суғориш майдони учун солиштирма сув олиш | 1 гектарга м ³ | 12450 | 16860 | 15430 | 14000 | 11445 |
| 6 | Аҳоли жон бошига солиштирма сув олиш | 1 йилда кишига м ³ | 4270 | 4578 | 4360 | 3460 | 2530 |
| 7 | Ялпи маҳсулот | млрд. АқШ долл. | 16,1 | 32,4 | 48,1 | 74,0 | 54,0 |

1.5. Сув хўжалиги ва унинг тармоқлари

Сув хўжалиги-қишлоқ хўжалиги, аҳоли ва саноатни сув билан таъминлаш, гидроэнергетика, сув транспорти, балиқчилик каби халқ хўжалигининг барча соҳалари эҳтиёжини қондириш мақсадида сув ресурсларидан оқилона ва комплекс тарзда фойдаланишни таъминлайди. Сув хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, дарё оқимини ростлаш ва қайта тақсимлаш, сувнинг (салбий) заарли таъсири (сув тошқини, сел келиш, тупроқ эрозияси ва ҳ.к.) га қарши кураш, дам олиш зоналарини бунёд этиш ҳам ҳисобланади.

Дарёлардаги сув оқимини ва оқиш вақтини ростлаш, дарёни ювилиб кетишдан сақлаш, ер ости сувларини ростлаш ва ундан фойдаланиш усуслари, гидротехника ишоотлари конструкцияларини назарий ҳисоблаш, лойихалаш, куриш ва ишлатиш усусларини гидротехника фани ўргатади.

Ҳозирги замон сув хўжалиги қўйидаги тармоқларни ўз ичига олади:

1.Мелиоратив гидротехника: 1) ирригация; 2) тошқин сувларнинг заарли оқибатларига қарши кураш; 3) ботқоқланишга қарши кураш ва унинг олдини олиш; 4) жарликлар пайдо бўлишга қарши кураш ва шу кабилар бўйича иш олиб борилади.

2.Сув энергиясидан фойдаланиш гидротехникаси дарё, кўл, денгиз сувлари ҳаракатидан ҳосил бўлган энергияни механик ва электр энергиясига айлантириш билан шуғулланади.

3.Санитария гидротехникасида аҳолини ва ишлаб чиқариш корхоналарини сув билан таъминлаш; канализация; даволаш мақсадида шифобахш сувлардан фойдаланишини йўлга қўйиш кабилар бўйича ишлар амалга оширилади.

4. Сув транспорти гидротехникасининг вазифаси қўйидагилардан иборат: 1) сув ҳавзаларида кемалар юриши ва ёғоч оқизиш учун шарт-шароит яратиш; 2) кемалар юрадиган каналлар қуриш ва кемалар тўхтайдиган ва бошқа сув транспортларига оид иншоотлар барпо этиш.

5. Сув ости бойликларидан фойдаланиш гидротехникиси сувда яшовчи жонивор ва турли ўсимликлардан фойдаланиш билан шуғулланади.

6. Ҳарбий гидротехника - ҳарбий аҳамиятга эга бўлган гидротехника тадбирлар тизимини амалга оширади.

7. Тошқинга қарши кураш гидротехникиси сув ҳавзалари кирғокларини ювилиб кетиш, сув тошишидан сақлаш сингари ишларни бажаради.

Сув хўжалигининг юқорида айтиб ўтилган тармоқлари ҳозирги пайтда такомиллашиб ҳар бири мустақил фанга айланган.

Сув хўжалигининг барча тармоқлари ҳам сув оқимини бошқаришга асосланади ва бунинг учун эса гидротехник иншоотнинг қандай шароитда ва табиатнинг қандай объектив қонунлари таъсири остида ишлашини яхши билиш лозим. Бу борада гидротехника фанини-гидрология, гидрогеология, гидравлика, гидромеханика, гидрометрия, қурилиш механикаси, гидротехникавий мелиорация ва бошқа фанларга асосланади деб ҳисоблаш керак.

Назорат саволлари

1. Гидротехникага кириш фани нимани ўргатади?
2. Гидротехника қурилиши йўналишини характеристикиси
3. Гидротехника қурилиши бакалавриат таълим йўналишини тугаллаган бакалаврлар қандай магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттиришлари мумкин?
4. Бакалаврнинг касбий малакавий сифатларига қўйиладиган талаблар
5. Олий таълимнинг давлат стандарти деганда нимани тушинасиз?
6. Олий таълимнинг меъёрий хужжатларига нималар киради?
7. Бакалавриат нима?
8. Магистратура нима?
9. Ўқув режаси деганда нимани тушинасиз?
10. Ўзбекистон республикаси сув ресурслари ҳақида нималарни биласиз?
11. Орол денгизи ҳавзасида мавжуд сув ресурслари ҳақида маълумот беринг?
12. Сув хўжалиги деб нимага айтилади ?
13. Сув хўжалигини қандай тармоқларини биласиз?

2-боб Гидротехника иншоотлари

2.1. Гидротехника иншоотлари тұғрисида умумий маълумотлар

Гидротехника – бу фан ва техникани сув ресурсларни ва улардан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишини ва сувни атроф-мухитга келтирадиган заарли таъсирларига қарши маҳсус иншоотлар, жихозлар ҳамда қурилмалар ёрдамида курашишини ўрганиш билан шуғулланадиган тармоғи. Сув хўжалиги тадбирларини бевосита амалга оширувчи ҳар хил иншоотлар *гидротехника иншоотлари* деб аталади.

Сув хўжалиги тадбирларини танлаш ва асослаш, ҳамда гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш, ундан фойдаланиш ва тадқиқот ишларини амалга ошириш ишлари гидротехникани мақсадига киради. Буларни амалга ошириш учун у фан ва техникани кўпгина бошқа тармоқлари билан яқин алоқада бўлади. Гидротехника биринчи навбатда гидрология фани билан боғлиқ, чунки табиий сув ресурсларидан тұғри фойдаланиш учун уларни режимини билиш, сув хўжалиги ҳисобларини бажариш оқимни бошқариш билан боғлиқ масалаларини ечиш, сув омбори ўлчамлари ва ундаги сув сатҳини аниқлаш керак бўлади. Гидротехника ер усти ва ер ости сувлари ҳаракат қонунларини ўрганадиган ва шу туфайли иншоот ва сув оқимини ўзаро таъсирини ўрганишга аниқлик киритадиган гидравлика фани билан ҳам бевосита алоқада бўлади.

Ундан ташқари гидротехника қатор қурилиш фанлари – геодезия, геология ва гидрогеология, материаллар қаршилиги, қурилиш механикаси, грунтлар механикаси, қурилиш ишларини ташкил қилиш ва бажариш каби фанлар билан ҳам боғлиқ. Ушбу фанлар ёрдамида иншоотни жойлашишини тұғри танлаш, конструкцияси материалини танлаш тұғрисида маълумотлар олади, гидротехника иншоотларини мустаҳкамлиги ва турғунлигини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқади, қурилиш ишларини ташкил қилиш ва бажариш усулларини асослайди ва ҳоказо.

2. 2. Гидротехника иншоотларини таснифи

Сув хўжалигини ҳар хил тармоқлари гидротехника иншоотлари конструкциясига ўзини алоҳида талабларини қўяди. Табиий ва хўжалик шароитларини бир-бирига ўхшаш эмаслиги лойиҳачилардан уларни турли хил конструктив ечимларни ишлаб-чиқишни тақозо қиласида. Шунинг учун бугунги кунда кўплаб ҳар хил гидротехника иншоотлари мавжуд. Уларни бир тартибга келтириш ва иншоотни ўрганишни енгиллаштириш мақсадида уларни ҳар хил белгиларга қараб гурухларга ажратилади.

Сув манбайнин турига қараб – *дарё, кўл ва дengiz иншоотларига* бўлинади.

Сув хўжалигидаги вазифасига қўра ҳамма гидротехника иншоотлари умумий мақсад учун қурилган ва маҳсус иншоотларга бўлинади.

Умумий гидротехника иншоотлари сув хўжалигининг икки ва ундан кўп тармоқларида қўлланилади ва фойдаланилади.

Махсус гидротехника иншоотлари сув хўжалигини бир тармоғида фойдаланилади. Ўз навбатида умумий гидротехника иншоотлари ўзини мақсадли вазифаларига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

Сув димловчи, сувни тўсиб босим ҳосил қилувчи (тўғонлар, дамбалар ва бошқа сувни тўсувчи иншоотлар киради).

Ростловчи дарё сув оқимини ўзан билан ўзаро таъсирини бошқарувчи уни туби ва қирғонини ювилишдан сақловч (кўтарма, ҳимоя кўтармаси, тўсиқ, ярим тўсиқ, сув оқимини йўналтирувчи ва бурувчи қурилмалар, шахобчали тўсиқлар, грунтли иншоотлар) иншоотлар;

Сув ўтказувчи сувни бир манзилдан иккинчисига етказиб берувчи сунъий ўзанлар (каналлар, тунеллар, новлар, қувурлар);

Сув олевчи, сув оқимидан ва сув ҳавзасидан сув олиш учун хизмат қилувчи иншоотлар.

Сув ўтказувчи иншоотларга сув ҳавзасидан ва юқори бъефдан пастки бъефга сувни тўғондаги тешиклар ёки тўғонни айланиб ўтувчи қирғоқдаги иншоотлар орқали тушириб юборувчи иншоотлар ҳам киради.

Махсус гидротехника иншоотлари сув хўжалигини тармоғи бўйича қўйидаги турларга бўлинади:

Гидроэнергетика – сув энергиясидан фойдаланиш учун хизмат қиласиган (ГЭС биноси, тенглаштирувчи резервуарлар босимли ҳовузлар, босимсиз ва босимли деривация иншоотлари) иншоотлар киради;

Сув транспорти – кема қатновчи (кема қатновчи шлюзлар ва каналлар, кемакўтаргичлар, портлар ва х) ва ёғоч оқизувчи иншоотлар;

Мелиорация – ерларни суғориш, зах қочириш (сув олиш иншоотлари, насос станциялари, суғориш ва зах қочириш (қурилиш) каналлари ва улардаги иншоотлар ва бошқалар) иншоотлар;

Сув таъминоти ва канализация (сув олиш иншоотлари, насос станциялари, сув тозалаш иншоотлари ва бошқалар).

Балиқчилик хўжалиги (балиқ ўтказувчи, балиқ бокувчи ҳовузлар) иншоотлари;

Сув босишидан ва селдан ҳимоя қилувчи (ҳимоя дамбалари ва х) иншоотлар;

Гидротехника иншооти фойдаланиши шароити бўйича КМК 2.06.01-**97га** кўра доимий ва вактинчалик иншоотларга бўлинади. Доимий иншоотларга ундан доимо фойдаланиладиган иншоотлар киради.

Вактинчалик иншоотлар жумласига фақат доимий иншоотларни қуриш ва таъмирлаш даврида фойдаланиладиган иншоотлар киради. Доимий гидротехника иншоотлари ўзларининг вазифаларига кўра *асосий* ва *иккинчи даражали* иншоотларга бўлинади. Асосий иншоотларга уларни бузилиши ёки шикаст етиши иншоотни бутунлай тўхтатишга ёки уни самарали ишлашини сезиларли даражада камайишига олиб келадиган гидротехника иншоотлари киради. Иккинчи даражали иншоотларга бузилиши ёки шикаст

етиши юқоридаги оқибатларга олиб келмайдиган гидротехника иншоотлари (таъмирлаш затворлари, хизмат кўприклари ва х.).

Гидротехника иншоотлари уларни бузилиши ёки улардан фойдаланишини издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган оқибатларга кўра тўртта синфга бўлинади. Унга кўра энг муҳим иншоотлар биринчи синфга киради. Иккинчи даражали иншоотларни синфи асосий иншоотга нисбатан бир даражага камроқ қабул қилинади. Вақтинчалик иншоотлар тўртинчи класс иншоотлари ҳисобланади.

Гидротехника иншоотлари узели (гидроузел) деб жойлашиши ва биргаликда ишлаш шароитлари бўйича бирлаштирилган гидротехника иншоотлари гурухига айтилади. Жойлашишга кўра дарёдаги, каналдаги, кўллардаги гидроузелларга бўлинади. Асосий вазифасига кўра гидроузеллар қуидаги гурухларга бўлинади: дарёдан сув олишни таъминлайдиган; гидроэнергетика; сув транспорти; балиқчилик; дарё оқимини бошқарувчи; сугориш.

Гидротехника комплекси ёки гидротизим деб бир-биридан узок масофада жойлашган, лекин умумий сув хўжалиги вазифаларини ечиш учун хизмат қиладиган бир неча гидроузелларни ўз ичига олган гидротехника иншоотлари комплексига айтилади. Гидроузеллар каби гидротизимлар ҳам маҳсус ва комплекс мақсадларда бўлади. Ўзбекистондаги йирик гидротизимларга Ўрта Чирчик ГЭСлар каскади, Андижон гидромелиорация тизими ва ҳоказо киритиш мумкин.

2.3 Тўғонлар

2.3.1.Тўғонлар тўғрисида умумий маълумотлар

Тўғон сув оқимини (дарё, жилға, жарлик) тўсиб уни сатхини қўтарувчи ва босим ҳосил қилувчи иншоот ҳисобланади. Сув сатхини бундай қўтарилишидан мақсад ҳар хил бўлиб сувни тўплаб сув омбори ҳосил қилиш электр энергияси ишлаб чиқариш учун керакли босимни яратиш, ва сув транспорти учун етарли чуқурликни оширишдан иборат.

Сув оқимини тўғондан юқори қисми, юқори бъеф, пастки қисми пастки бъеф дейилади. Сув сатҳларини фарқи эса босим дейилади. Тўғон ёрдамида юқори бъефда сув димланиши натижасида сув омбори ҳосил бўлади(1.1-расм).

Тўғон ёрдамида ҳосил қилинган сув омборида қуидаги сатҳлар мавжуд:

Нормал димланган сатҳ (НДС) – сув омборидан нормал фойдаланилгандаги энг юқори сув сатҳи;

Максимал димланган сатҳ (МДС) – сув омборида тошқин сувларни ўтказиб юбориша вақтинчалик йўл қўйиладиган сув сатҳи;


Фойдасиз сув сатҳи (ФСС) – омборни бўшатганда йўл қўйиладиган энг паст сув сатҳи;

Сув омборини характерли ҳажмлари қуидагилар:

Тўла ҳажми – НДС билан сув омбори туби ораси;

Фойдали хажми – НДС ва ФСС ораси сув хўжалиги ҳисоблари бўйича белгиланади;

ФСС пастда жойлашгани – фойдаланилмайдиган ҳажм деб аталади (1.1-расм).



2.1-расм. Грунтли материаллардан барпо этиладиган тўғонли сув омбори гидроузели схемаси:

1 ва 2-юқори ва пастки бъефлар; 3-тўғон; 4 ва 5-сув омборидаги фойдали ва фойдаланилмайдиган ҳажмлар H -сув чуқурлиги; H_T -тўғон баландлиги.

Фойдаланилмайдиган ҳажми – сув омбори туби билан сув бўшатувчи иншоот остонасигача бўлган оралиқ – сув омборида минимал сув сатҳини сақлаб туриш учун керакли ҳажм. Бу ҳажм захира ҳисобланиб сув омбори аста секин лойқа чўкиндилар билан тўлиши ҳамда балиқлар қишлиши, нормал санитария ҳолатини таъминлаш, ёнғинни ўчириш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Фойдаланилмайдиган ҳажмга кўра ФСС белгиланади.

Фойдали ҳажми- бу сув омборини сувни суғориш мақсадларида узатиш, сув кам даврларда пастки бъефдаги сув сарфи ва сатҳини ошириш каби хил мақсадларда фойдаланилдиган ҳажми ҳисобланади.

Тошқин даврларида нормал сатҳдан юқорида бўладиган сатҳга максимал сатҳ деб аталади. Сатҳни максималлиги гидроузел таркибидағи ростланмайдиган (автоматик) сув ташлаш мавжуд бўлган ҳолатлар учун зарур бўлади; у сув омборидаги тошқин гидрографини трансформация қилиш (шакллантириш) йўли орқали сув ташлаш иншоотларини асосий ва текшириш ҳисобларини камайтириш имконини беради.

Энг катта максимал сув сатҳи белгиси одатда (берилган тўғон синфи учун энг катта бўлган) текширувчи тошқин сув оқимиини ўтказиши шарти бўйича, сув омбори атрофидаги худудни вақтинчалик сув босишидан келадиган зарарни ҳисобга олган ҳолда, қабул қилинади.

Ишлатиладиган қурилиш материалини турига кўра тўғонлар:

Грунтли, тош – гурунтили, тошли, темир ва темир бетон, турли хил материалдан бўлади.

Ҳосил бўладиган босимни миқдорига кўра: босим миқдори 25м гача бўлса паст босимли; 25м – 75м гача ўрта босимли; 75м дан катта бўлса юқори босимли бўлади.

Тўғон устидаги сувни ўтказишига кўра: 1) устидан сувни ўтказмайдиган; 2) устидан сувни ўтказувчи тўғонлар;

2.3.2.Грунтли ва бошқа маҳаллий материаллардан барпо этиладиган тўғонлар

Грунтли тўғонлар. Қурилиш жойида қазиб олинадиган ва режали ташишни талаб қилмайдиган материаллар маҳаллий деб айтилади. Материалларнинг бу турига қурилиш материаллари сифатида иншоот қуриладиган (грунтли иншоотлар) ёки замин сифатида фойдаланиладиган грунтлар ҳам киради.

Грунт ер қобигининг устки қисмида жойлашган ва тоғ жинсларининг кимёвий ҳамда физикавий таъсири остида емирилиш натижасида ҳосил бўлади. Грунтлар майдаланиш (дисперслик) хоссаси билан тавсифланади, уларнинг алоҳида зарралари мустаҳкам бирикмаган, агар бириккан бўлса, бу боғланишнинг мустаҳкамлиги зарраларнинг ўзини мустаҳкамлигидан бир неча бор кичик ҳисобланади. Бундай грунтлардан қурилган тўғонлар грунтли тўғонлар деб аталади. Ушбу тўғонларнинг эскича номи тупроқ тўғонлар деб юритилар эди. Бироқ, бундай ном улар бунёд этилган материалга мос келмайди. Чунки, тупроқ деганда қурилиш материали сифатида фойдаланилмайдиган ер юзасининг устки, тупроқли қатлами тушунилади.

Гидротехника қурилиши амалиётида сунъий майдалаш йўли билан олинадиган маҳаллий қурилиш материали - тош ҳам тўғон барпо этишда кўлланилмоқда. Тошдан барпо этилган тўғонлар “тошли тўғонлар” деб номланади ва бу атамадан кейинги вақтларда кенг фойдаланилмоқда.

Механик таркиби бўйича бир жинсли ёки ҳар хил жинсли грунтлардан барпо этиладиган сув димловчи иншоотларга *грунтли тўғонлар* деб аталади.

Грунтли материаллардан барпо этилган тўғонлар бизнинг эрамизгача ҳам мавжуд бўлган. Аммо, уларни лойиҳалашнинг назарий асослари янги фан соҳалари-грунтлар механикаси, фильтрация назарияси, қояли жинслар механикаси ва бошқалар базаси асосида ишлаб чиқилди. Транспорт воситаларининг ривожланиши ва тўғон қурилишда грунт ишларини механизациялаш грунтдан қурилаётган тўғонларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Бу иншоотларнинг ўлчамлари ҳам йириклишди: агар ўтган асрнинг бошида баландлиги 20...30 м гача бўлган тўғонлар қурилган бўлса, ҳозир эса улар 300 м ва ундан юқори қилиб қурилмоқда. Тўғонларни барпо этишда сунъий грунт қориши масини ишлатиш имконияти мавжуд (грунтнинг донодорлик таркиби баъзи бир фракциялар билан бойитилади), бу ўз навбатида грунтли материаллардан қурилаётган тўғонлар сифатини анча яхшилаш имконини беради.

Грунтли тўғонлар сув димловчи иншоотларнинг энг кўп тарқалган турларидан биридир. Улар сув олувчи, энергетик, сув транспорти, сув омбори ва комплекс гидроузеллар таркибига киради.

Грунтли тўғонлар турли вазифаларни бажариш учун қурилади. Тўғонлар катта ёки кичик ҳажмли сув омборларини ташкил этиб, уларда маълум миқдордаги сув ҳажми йиғилади ва сув танқис бўлган пайтларда

халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилади. Шунингдек, грунтли тўғонлар тоғ олди зоналарида, сел келиш эҳтимоли бор жойларда қурилиб, улар аҳоли яшайдиган жойларни, қишлоқ хўжалик экин майдонларини ва халқ хўжалик обьектлари ва бошқаларни сел талофатидан сақлайди.

Грунтли тўғонлар дарёдан сув оладиган иншоотлар таркибига киради, ҳамда дарё ўзанининг ортиқча қисмини беркитиш учун хизмат қилади. Баъзан дарё оқимини маълум томонга йўналтириш мақсадида ҳам шундай тўғонлар қурилади.


Грунтли тўғонларнинг асосий ва муҳим афзаллиги шундан иборатки, уларни барпо этишда маҳаллий қурилиш материали грунт ишлатилади. Бу материални қазиб чиқариш учун карьерлар юзаларини очиш ишларига маблағлар сарфланади ва бу маблағлар иншоот умумий баҳосининг бир қисминигина ташкил этади.

Қуйидаги афзалликлар бўйича грунтли тўғонлар кенг тарқалган: 1) ҳар қандай географик худудларда қуриш мумкинлиги; 2) сейсмик худудларда мустаҳкамлик ва турғунликни таъминлаш имконияти борлиги; 3) қурилиш худудида мавжуд бўлган ҳар қандай грунтни ишлатиш имконияти мавжудлиги; 4) грунтни қайта кўмиш, кўчириш, ётқизиш ва зичлаштириш ишларини механизациялаштириш мумкинлиги; 5) вақт мобайнида грунт танасидаги грунтларнинг илгари хоссаларини йўқотмаслиги; 6) бошқа тўғонларга қўра арzonлиги; 7) ҳар қандай баландлиқдаги тўғонни барпо этиш мумкинлиги.

Шу билан бир қаторда грунтли тўғонлар қуйидаги камчиликларга эга; 1) тўғон устидан тошқин сувларини ўтказиб бўлмаслиги; 2) тўғон танаси орқали фильтрация сувларининг ўтиши, унинг танасини деформацияланишга шароит яратиб бериши; 3) баъзи бир грунтлар учун катта микдордаги фильтрация сувларининг йўқолиши фильтрацияга қарши маҳсус қурилмаларни қуришни тақозо этади.

Грунтли тўғонларнинг лойиҳасини тузишда ва уларни қуришда қуйидаги асосий талабларни инобатга олишимиз керак: 1) тўғоннинг турли хил ишлаш шароитларида унинг ён қияликлари сирпаниб кетмаслиги, ҳамда унинг заминини мустаҳкам бўлишни назарда тутиб, унга тегишли кўндаланг кесим ўлчамлари берилиши; 2) тўғон танаси ва унинг қирғоқ билан туташган жойидан сизиб ўтадиган фильтрация сувлари дренаж қурилмаларига тутиб қолиниб, пастки бъефга тушириб юборишни таъминлаш; 3) тошқин сувлари тўғон устидан ошиб ўтмаслиги учун сув ташловчи иншоотлар максимал тошқин сувларини ўтказиб юборишни таъминлаш; 4) шамол таъсирида ҳосил бўладиган тўлқин ва атмосфера таъсирида тўғон қияликларини бузилишдан сақлаш мақсадида улар қопламлар билан мустаҳкамланиб қўйилиши зарур;

Грунтли материаллардан қуриладиган тўғонлар доимо устидан сув ўтказмайдиган бўлади: уларнинг устидан сув ўтказиш факат баландлиги паст бўлган тўғонлар учун йўл қўйилади (мувофиқ чоралар кўрилганда).



2.2-расм. Грунтли түғон узулиги бүйича характерли участкалар:
а ва б-дарё водийсінің қайырлы ва қайырсиз участкасы створларида; 1,2 ва 3-мос равишида түғоннинг ўзанли, қайырлы ва қирғоқлы участкалари; 4-түғон тенаси

Түғонни лойиҳалашда дарё водийси шакли хисобга олинади, унда иккита характерли участка кузатилади (2.2, а -расм): ўзанли-асосий сув оқимлари ўзани чегарасида ёз чилласидаги сарф оқади; қайырлы - тошқын пайтларида қайирнинг сув босиб күмиладиган участкаси. Тоғ дарёлари, кичик ва вақтингчалик сув оқимлари ўзанларида қайырлар бўлмайди. Бундай ҳолда түғон ўзан ва қирғоқ участкаларидан ташкил топади (2.2, б -расм). Бундай участкаларнинг ҳар бирида фильтрация оқими характери ҳар хил бўлади, шунинг учун түғон танаси ва заминида фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмаларни лойиҳалашда индивидуал ёндошиш лозим.

2.3.3.Грунтли материаллардан барпо этиладиган түғонларнинг умумий таснифи

Грунтли материаллардан барпо этиладиган түғонлар иншоот танаси барпо этиладиган материалга, баландлигига, қуриш усулига ва иншоот синфига кўра таснифга бўлинади.

Материаллар бўйича учта асосий түғон турига бўлинади: *грунтли-асосан қумли ва гилли грунтлардан*; *тош-грунтли*, кўндаланг кесимнинг бир қисми йирик бўлакли, бошқа бир қисми – майда қумлардан ёки гилли грунтлардан бажарилади; *тош* - тўкма - фильтрацияга қарши қурилмалар грунтли материалдан бўлмаган йирик бўлакли грунтдан барпо этилади.

Баландлиги бўйича грунтли түғонлар түғон олдида сув сатҳи 15 м гача бўлса *паст босимли*, 15...50 м га ўрта босимли 50 м дан ортиқ *юқори босимли*; тош - грунтли ва тош - тўкма түғонларда эса - 20 м гача бўлса *паст босимли*, 20...70 м гача *ўрта босимли*, 70...150 м гача *юқори босимли* турларга бўлинади.

Қуриш усули бўйича грунтли түғонлар асосий учта гурухга бўлинади:
1) *кўтарма* (грунт қуруқ ҳолда тўкилиб механизмлар билан зичланади ёки сувга тўкилади); *ювма* (гидромеханизация воситалари билан); *тўкма* (баланддан йирик тошларни тўкиш ёки йўналтирилган портлатиш ёрдами билан).

Грунтли түғонлар **синфи** баландлик ва заминдаги грунтуга күра аникланади ва 2.1-жадвалдан қабул қилинади.

2.1-жадвал. Грунт материалли түғон синфлари.


| Түғон заминдаги грунтылар | Иншоот синфлари | | | |
|---|-------------------|-----------------|----------------|--------------|
| | I | II | III | IV |
| | түғон бандлиги, м | | | |
| Кояли | 100 дан ортиқ | 70 дан 100 гача | 25 дан 70 гача | 25 дан кичик |
| Күмли, йирик бўлакли, қаттиқ ва ярим қаттиқ ҳолатдаги гилли | 50 дан ортиқ | 35 дан 75 гача | 15 дан 35 гача | 15 дан кичик |
| Гилли, сувга тўйинган пластик ҳолатда | 50 дан юқори | 25 дан 50 гача | 15 дан 25 гача | 15 дан кичик |

Агар түғон аварияси катострафик характердаги оқибатларни келтириб чиқарса, у ҳолда оқибатлар масштабига мувофиқ, тегишли асослашдан сўнг түғон синфини оширишга йўл қўйилади.

2.3.4. Грунтли кўтарма түғонлар уларнинг таснифи


Умумий таснифдан ташқари грунтли кўтарма түғонлар *кўндаланг кесими конструкцияси*, заминдаги фильтрацияга қарши қурилмалар ва тўғон танасига грунтни ётқизиши усули бўйича таснифга бўлинади.

Кўндаланг кесими конструкцияси бўйича грунтли кўтарма түғонлар олти хил турга ажратилади: 1) *бир жиснсли* – тўғон танаси бир хил жисндан ташкил топади (2.3, а-расм); 2) *ҳар хил жиснсли* – тўғон танаси турли грунтдан ташкил топади; бунда грунтлар шундай жойлаштириладики, тўғоннинг сув ўтказувчанлиги юқори бъефдан пастки бъеф томонга ошиб боради (2.3, б -расм), баъзан сув ўтказмайдиган грунтни тўғон кесимининг марказий қисими жойлаштирилади; 3) *грунтмас материалли экран билан* - асфальтобетон, полимер плёнкалар ва бошқалардан (2.3, в -расм); 4) *грунтли экран билан* - тўғон танаси катта сув ўтказувчанликка эга бўлса, юқори қиялик бўйича жойлаштирилади (2.3, г -расм); 5) *грунтли ядро билан* - кўндаланг кесимини ўрта қисмига ёки юқори бъеф томонга силжитиб жойлаштирилади (2.3, д -расм); 6) *грунтмас материалли диафрагма билан* - бетон, полиэтилен плёнка, асфальтобетон, темир - бетон шу кабилардан бажарилади (2.3, е -расм).



2.3-расм. Грунтли күтартма түғон турлари:

а-бир жинсли грунтдан; б-хил жинсли грунтдан; в-грунтын маңында экран билан; д-грунтлы ядро билан; е-диафрагма билан; 1-юқори қиялик; 2-қиялик қопламасы; 3-түғон тәпаси; 4-пастки қиялик; 5-түғон танаси; 6- дренаж банкети; 7-төвөн; 8-үтиши зоналари; 9-марказий призма; 10-жимоя қатлами; 11-экран; 12-юқори призма; 13-ядро; 14-пастки призма; 15-диафрагма; b_T - түғон тәпаси көнглиги; B_T-түғон пастки қисми көнглиги; H_T - түғон баландилги; m₁ = ctg α₁; m₂ = ctg α₂.



2.4-расм. Грунтли түғонлар заминларидаги фильтрацияга қарши қурилмалар:

а-тиши; б-кулф; в-диафрагма (шпунтлы девор); г-бірге құшилған диафрагма ватиши; д-сув ўтказмайдиган қатламгача етказилған инъекциялы түсік парда; е-осилиб турувчи инъекциялы түсік парда; ж-понур экран билан.

Заминдаги фильтрацияга қарши қурилмалар бүйича (2.4-расм)
 грунтли түғонларнинг қуйидагилари мавжуд: 1) тишили - чиқиб турадиган грунтли, сув ўтказмайдиган қатламгача етмайды; 2) қулфли - чиқиб турадиган грунтли, заминдаги сув ўтказувчи грунт қатламини кесиб ўтады ва сув

үтказмайдиган қатламга ўйиб киргизилади; 3) *диафрагмали* - деворли, заминдаги сув үтказмайдиган грунт қатламини кесиб ўтади; 4) бирга қўшилган *тишили ва диафрагмали*, бунда заминдаги чуқур бўлган сув үтказадиган қатламлар кесиб ўтилади; 5) *инъекцияли тўсиқ пардали* - фильтрацияга қарши деворли, заминдаги грунта цемент ва бошқа боғловчи материални юбориш натижасида хосил бўлади; 6) *осилиб турувчи инъекцияли тўсиқ пардали* - сув үтказмайдиган қатламгача етмаган тўсиқ парда; 7) *понурли* - кам сув үтказадиган горизонтал тўшак, одатда экран бирга қўлланилади.

Грунтни ётқизиши усули бўйича грунти тўғонлар қуйидагиларга бўлинади: 1) қуруқ ҳолда тўқилган грунтни қатламларга бўлиб механизмлар билан зичланади; 2) пионер усули билан барпо этиладиган - механизмлар билан зичланмаган грунт сувга тўкилади.

2.3.5 Тош - тўкма (тош) тўғонлар


Ишлаб чиқариш усулига кўра ва тўғон конструкциясининг кўндаланг кесими профили бўйича қуйидаги турларга бўлинади: тош - тўкма; ярим тўкма; уларда тўғон танасининг бир қисми, пастки қиялик томонидан тўқилган тошдан, юқори қиялик томонидан эса-қоришимасиз ва қоришимали терилиган тошдан бажарилади. Охирги иккита усул грунт материалли тўғон курилишида кенг қўлланилади.

Фильтрацияга қарши қурилмаларни жойлашувига кўра тош-тўкма тўғонларнинг иккита тури мавжуд-экранли ва диафрагмали тўғонлар (2.5-расм).

Экранли тўғонлар. Уларнинг хилма-хил конструкциялари мавжуд бўлиб, призма кўринишдаги тўқилган тошни ифодалайди. Уларнинг юқори қияликлари сув үтказмайдиган бетон, темир - бетон, асфальтбетон, полимер материаллар, баъзида пўлат ёки ёғочдан бажарилган экран билан қопланади. Экран маҳсус тўшама қатлами экран остидаги тўшама устига ётқизилади.

Экран остидаги тўшама қоришимасиз терилиган тош, бетон ёки яхши зичланган майда тош ва шебендан бажарилади. Тўшама қалинлиги экран материалига, тўшама материалининг йириклигинiga, тўғон баландлигинiga ва ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ. У ўзгарувчан қалинликда бўлади, тўғон тепасида 1 м дан кам бўлмаслик шарти асосида қабул қилинади, асоси эса 0,005...0,08 тўғон баландлигинiga тенг белгиланади.

Бикр экранларда бетон бевосита экран остидаги терилиган тошга ётқизилади. Улар баландлиги унча катта бўлмаган қояли заминлардаги тўғонларда қўлланилади. Бикр экранлар ҳарорат чоклари билан 10...12 м ли панелларга бўлинган темир - бетон плитадан иборат. Плиталарга якка ёки жуфт арматуралар ўрнатилади. Арматураларнинг миқдори 0,5 дан 1 % гача етади. Экран остидаги таянчдан ажралиб қолмаслиги учун арматурани ҳар 1,2...1,5 м масофада ўрнатилган анкерга боғлаб қўйилади. Плиталар экран ости танячига ўрнатилган блокларга ўрнатилади.



2.5-расм. Тош-тўкма тўғон турлари:

а-грунтмас материалли экранли; б-днафрагмали; 1-тўғон танаси; 2-цементли тўсиқ парда; 3-бетонли тиш; 4-темир-бетонли экран; 5-экран остига терилган тош; 6-юқори призма; 7-диафрагма; 8-ўтиши қатламлари (зоналари); 9-пастки призма


Металл ва ёғоч экранлар нисбатан кам қўлланилади. Улар бошқа экранларга нисбатан қатор афзалликларга эга - тўклилган тош чўкиши билан бирга осон дефорацияланади, сув ўтказмайди, тез барпо этилади. Экранни экран остига терилган тошга ўрнатилган анкерга бириктирилади.

Асфальтбетон экран чоксиз бажарилади. Улар бир ёки бир нечта қатламли асфальтбитумли монолит қоплама кўринишида бўлади, уларнинг қалинлиги 8...10 дан 30 см гача ўзгаради.

Полимер материалли экранлар кичик ва ўрта баландликдаги тўғонларда қўлланилади. Уларни қуриш учун полимер плёнкалар, алоҳида ҳолларда листли материаллар ишлатилади. Плёнкали экран рулонли ёки листли полимер материалларни пайвандлаш ёки елимлаш билан ҳосил бўладиган яхлит мато кўринишида бўлади.

Экранни полимер элементи қўёш нуридан тўлқин ва музларнинг механик таъсиларидан ҳимоя қилиш лозим. Бунинг учун экран плёнкасини ёки листли материални грунтли ҳимоя қатlam билан қопланади ёки уни монолит ёки йиғма-бетон плиталари орасига тўшалади.

Дифрагмали тўғонлар. Диафрагмалар асфальтбетон, полиэтилен плёнкалар ва баъзида темир - бетон ва бошқалардан қурилади (2.6-расм). Асфальтбетон ва плёнкали диафрагмалар кенг қўлланилади. Асфальтбетон диафрагмалар конструкциялари ва улар билан бирлаштириш грунтли тўғонлардаги қурилмалар билан бир хил.



2.6-расм. Асфальтбетон диафрагмали тўғон:

а-тўғон конструкцияси; б- диафрагмани тўғон замини билан бирлаштириши; 1-тўклилган тош; 2-асфальт диафрагма; 3-ўтувчи қатлам (фильтр); 4-гравийли призма; 5-цементли тўсиқ парда; 6-бетонли тиш; 7-гил; 8-қоя; 9-аллювий; 10-юқори қурилиши перемичкаси; 11-гравий-қумли фильтр; 12-иссиқ асфальтили мастика қатлами


Плёнкали диафрагмалар вертикал түғри ёки эгри-бугри чизиқли (зигзаг) қилиб бажарилади. Уларни қояли заминлардаги тиш билан махсус сиқадиган металл қурилмалар ёрдамида туташтирилади.

2.3.6. Тош - грунтли түғонлар

Таснифи. Ишлаб чиқарши усулига кўра тош грунтли түғонлар кўтарма, ташлама ва йўналтирилган портлатиш билан барпо этладиганларга бўлинади.

Конструкцияси ва кўндаланг кесимида жойлашган ўрнига кўра тош грунтли түғонлар қуйидаги турларга бўлинади: грунтли экранли, грунти ядроли юқорида жойлашган грунтли призмали, марказда жойлашган призмали, инъекцияли ядроли ёки диафрагмали (2.7-расм).

Тош-грунтли түғонларда грунтли фильтрацияга қарши элементлар ва түғон танасидаги йирик бўлакланган материаллар орасига ўтувчи зоналар (қатламлар) ўрнатилиши зарур. Ўтувчи зоналарнинг алоҳида қатламларини донодорлик таркиби тескари фильтр қатламлариники каби танланади.



2.7-расм. Тош-грунтли түғон турлари:


а-грунт экранли; б-грунт ядроли; в-юқорида жойлашган грунтли призмали; г-марказда жойлашган грунт призмали; д ва е –йўналтирилган портлатиш билан барпо этилган тош-грунтли түғон, мос равишда инъекцияли грунт ядроли (диафрагмали) ва экранли; 1-қияликни мустаҳкамлаш; 2-грунтли экран; 3-ўтувчи қатламлар; 4-грунтли ядро; 5,6-юқори ва пастки призмалар; 7,8-юқори ва марказий грунтли фильтрацияга қарши призмалар; 9-портлатиб ташлаш контури; 10-ҳисобий контур профили; 11-инъекцияли ядро; 12- инъекцияли тўсиқ парда; 13-понур

Пастки бъеф томонидаги ўтувчи қатламларнинг вазифаси грунтли фильтрацияга қарши элементларни фильтрацион мустаҳкамлигини таъминлашdir. Юқори бъеф томонидаги ўтувчи қатламлар фильтрацияга қарши қурилмалардан ёриқларни контакт қатламдаги майда заррали қумлар билан тўлдириш (колматация) учун мўлжалланган. Бундан ташқари,

ўтувчи қатламлар фильтрацияга қарши элементларга кучланишларни мувофиқ тарқалишини таъминлайди.

Ўтувчи зоналар учун қумли, қумли - гравийли ва гравийли-галечники, ҳамда шебенли материаллар ишлатилади. Ўтувчи зоналар қалинликлари ишлаб чиқариш шароитлари бўйича белгиланади, аммо 3 м дан кам бўлмаслиги керак. Тўғон тепасининг кенглиги кичик бўлганлиги учун, тўғон юқори қисмидаги қатлам қалинлигини бироз камайтириш мумкин.

Грунт экранли тўғонлар. Бундай тўғонлар гравий-галечники грунтлар ва тўкилган тош тўкиб ҳимоя қилинган, грунтли экран юқори қиялиги бўйича ётқизилган тошли призмадан ташкил топади (2.8, а -расм). Грунтли экран ва тўкилган тош орасига ўтувчи қатламлар ётқизилади. Курилиш машиналари қатновини таъминлаш учун горизонтал бўйича ҳар бир қатлам кенглигини 3 м дан кам қабул қилинмайди. Экран ва экран устига тўкилган грунт қалинлигини грунтли тўғонлариники каби белгиланади. Экранли тўғонни йилнинг ҳар қандай вақтида ҳам барпо этиш мумкин.



2.8-расм. Тош-грунтли тўғонларнинг кўндаланг кесимлари:

а-экранли тўғон; 1-экран; 2,3,4-ўтувчи зонанинг қатламлари; 5-тўкилган тош; 6-цементланган юза; 7-цементли тўсиқ парда; 8-қояли замин; 9-курилиш перемичкаси; 10-экран устига тўкилган грунт; б-ядроли тўғон; 1-курилиш перемичкаси; 2-қум-гравийли тўкма; 3-ўтиш зоналари; 4- сог тупроқли ядро; 5-бетонли плита ва цементланган юза; 6-цементли тўсиқ парда; 7-қоя; 8-қияликни тўкилган тош билан мустаҳкамлаш

Грунт ядроли тўғонлар. Бундай тўғонлар таркибий қисмларига тош-тўкмали ён томонлардаги призмалар (ёки қум гравийли тўкма) ва грунтли ядро киради (2.8, б -расм).

Ядро тўғон ўқига симметрик ёки юқори биеф томонга бир оз силжитилади, у вертикал ёки бироз қиярок қилиб бажарилади. Ядро юкориси қалинлигини грунтни тўкишда қулай ишлаш шароити бўйича

белгиланади, лекин З м дан кам қабул қилинмайды. Пастки қисм қалинлигини қуидаги формула бўйича аниqlанади.

$$\delta_n = \frac{\Delta H}{J_{\ddot{u},k}} , \quad (2.1)$$

бунда ΔH -ядродан олдин ва ундан кейин сув сатҳи фарқи; $J_{\ddot{u},k}$ -йўл қўйиладиган градиент.

Ядроли тўғонлар экранли тўғонларга нисбатан сиқилган қўндаланг профилга эга, шунинг учун уларнинг ҳажми 10...12% кам. Ядро қирғоқдаги қияликлар, ҳамда тўғонга туташган бетонли иншоотлар билан яхши туташади. Грунтли ядроларга тўғоннинг нотекис чўкишлари сезиларсиз тасир кўрсатади. Шунинг учун ядроли тўғонлар, экранли тўғонларга кўра кўп тарқалган.

Назорат саволлари

- 1.Гидротехника нима?
- 2.Гидротехникани мақсад ва вазифаларига нималар киради?
- 3.Гидротехника иншоотларини таснифи.
- 4.Умумий мақсадлардаги гидротехника иншоотларига қандай иншоотлар киради?
- 5.Доимий гидротехника иншоотларига қандай иншоотлар киради?
- 6.Вақтинчалик гидротехника иншоотларига қандай иншоотлар киради?
- 7.Асосий иншоотлар деб қандай иншшотларга айтилади?
- 8.Иккинчи даражали иншоотлар деб қандай иншоотларга айтилади?
- 9.Сув димловчи иншоотларга нималар киради?
11. Ростловчи иншоотларга нималар киради?
12. Сув ўтказувчи иншоотларига нималар киради?
13. Сув олувчи иншоотларга нималар киради?
- 14.Махсус гидротехника иншоотларига қандай иншоотлар киради?
15. Сув иншоотлари бўғини нима?
16. Гидротехника тизимлари нима?
- 17.Грунтли тўғонлар хақида умумий маълумот беринг.
- 18.Грунтли тўғонларни лойиҳасини тузишда ва уларни қуришда қанақа талаблар инобатга олинади?
- 19.Сув омборидаги мавжуд сув сатҳларини изоҳланг.
- 20.Грунтли материаллардан барпо этиладиган тўғонлар таснифини келтиринг.
- 21.Грунтли кўтарма тўғонлар таснифини келтиринг.
- 22.Кўнадаланг кесими конструкцияси бўйича грунтли кўтарма тўғонларнин қанақа турларини биласиз?
- 23.Грунтли тўғонлар заминларидағи фильтрацияга қарши қурилмалари

- бўйича қанақа турларини биласиз?
- 24.Грунтли тўғонлар грунтни ётқизиш усули бўйича қандай турларга бўлинади?
 - 25.Тош-тўкма ва тош-грунтли тўғонлар қачон қўлланилади?
 - 26.Тош-тўкма тўғоннинг қанақа турларини биласиз?
 - 27.Тош-грунтли тўғонлар таснифи келтиринг.
 - 28.Грунт экранли ва грунт ядроли тўғонларнинг қўлланиш шартларини тушунтиринг.

2.4. Бетон ва темир- бетон тўғонлар

2.4.1 Бетонли ва темир-бетонли тўғонлар тўғрисида умумий маълумотлар.

Тўғоннинг асосий турлари ва уларнинг тавсифлари. Таснифи. ҚМК 2.06.06-98 га кўра бетонли ва темир - бетонли тўғонлар конструкцияси ва технологик вазифасига кўра қўйидаги асосий турларга бўлинади. **Конструкцияси** бўйича тўғонлар қўйидагиларга бўлинади:

- 1) *гравитацион* - массив (2.9, а -расм), кенгаювчи чоклар билан (2.9, б -расм), заминдаги бўйлама бўшлиқ билан (2.9, в -расм), босимли қиррадаги экран билан(2.9, г -расм) ва заминга анкерланган (2.9, д -расм);
- 2) *контрфорсли* - массив контрфорсли (2.9, е -расм), кўп аркали (2.9, ж -расм) яssi ёпмалар билан;
- 3) *аркали* - $\beta = b/h \leq 0,35$ бўлганда, бунда b - тўғоннинг товони бўйича кенглиги; h - тўғон баландлиги; қисилган товонлар билан (2.9, и -расм), пиреметрли чок билан (2.9, к -расм), уч шарнирли тасма билан (2.9, м -расм);
- 4) *аркали гравитацион* - $b/h > 0,35$ бўлганда, аркадагидек ўша турлар.

Кўпинча бўшлиқларга эга бўлган, грунт билан тўлдириладиган катаксимон тўғон (2.10, б; 2.11-расмлар). Улар ҳам гравитацион (2.10, б; 2.11, а-расмлар) ҳам контрфорсли (2.11, в-д -расм) бўлиши мумкин.

Бетонли ва темир - бетонли тўғонлар массив гравитацион тўғонлар билан конструкцияси бўйича фарқланади (2.9,а.; 2.10,а-расмлар), биринчисида бетон ҳажми кам, уларни кўпинча *енгиллаширилган* деб аталади.

Технологик вазифаси бўйича тўғонлар қўйидагиларга бўлинади:

- 1) *устидан сув ўтказмайдиган* (2.9, а,б,г,д,ж,з -расм), улар орқали сув пастки бъефга ташланмайди;
- 2) *сув ташлайдиган*, улар орқали сув пастки бъефга ташланади. Улар водосливли тирқиши билан (2.9. в,е; 2.10-расмлар), ва икки ярусли (2.10, в -расм) қилиб бажарилади.


Тўғон асосий турларининг умумий тавсифлари. Бетонли ва темир - бетонли тўғонларни ҳар хил табиий шароитларда қояли, яrim қояли ва қоямас заминларда барпо этилади. Улардан гравитацион (устидан сув ўтказмайдиган) ва аркали тўғонлар факат қояли заминларда, темир -

бетонли ва водосливли гравитацион түғонлар эса ҳам қояли, ҳам қоямас заминларда қурилади.

Охирги йилларда грунтлар механикаси ва заминларни яхшилаш услугаларининг муваффақиятли ривожланиши қоямас заминларда катта босимли бетонли ва темир - бетонли түғонларни қўллашга имкон берди. Айниқса Свир ва Волга дарёларида йирик түғонлар қурилди.


Бетонли түғонлар ҳар қандай иқлим шароитларида, ҳамда юқори сейсмиклик худудларда жойлашган дарёларда мувоффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Бундай турдаги түғонларнинг камчиликлари - уларни барпо этиш учун




2.9-расм. Қояли заминлардаги түғонларнинг асосий турлари:

Гравитацион: а-массив; б-кенгаючи чоклар билан; в-замин яқинидаги бўйлама бўшлиқ билан; г-босимли қиррадаги экран билан; д-анкерланган замин билан: контфорсли: е-массив контфорсли; ж-кўп аркали; з-яassi ёпмалар билан; аркали: и-қисилган товонлар билан; к-периметрли чок билан; л-уч шарнирли тасма билан; м-гравитацион ён девор билан; 1-кенгайган чок ; 2-бўйлама бўшлиқ; 3-экран; 4-олдиндан зўриқтирилган анкер; 5-массив қопламлар; 6-контфорслар; 7-аркали ёпма; 8-яassi ёпма; 9-периметрли чок; 10-уч шарнирли чок; 11-шарнирлар; 12-гравитацион ён деворлар.



2.10-расм. Коямас заминлардаги сув ташловчи тўғоннинг асосий турлари:
а-водосливли; б-чукур жойлашган сув ташлагич билан; в-икки ярусли




2.11-расм. Катаксимон тўғоннинг баъзи бир турлари:
 а-қояли заминдаги бўшилиқларга эга бўлган, тош ёки гравий билан юклатилган гравитацион; б-А.М.Сенков таклиф этган тури; в,г-мос равшида қояли ва қоямас заминлардаги контрфорслар орасидаги бўшилиқ балласт билан юкланган; д-реверсивли пойдевор плитали контрфорсли; 1-кум; 2-фильтр.

цементга ва металлга кетадиган харажатлар, уларни етказиб бериш учун транспорт харажатларни талаб қиласы; бундан ташқари, бу материаллар баъзи бир шароитларда етишмаслиги ва нисбатан қиммат бўлиши мумкин.

2.4.2. Аркали түғонлар

Аркали түғонлар түғрисида умумий маълумотлар ва уларнинг турлари. Горизонтал текисликда ёй шаклида бўлган ва сувнинг босимини бутунлай ёки қисман дара қирғоқларига (баъзан махсус қурилган устунларга) берадиган түғонларга *аркали түғонлар* дейилади.

Аркалар ёрдамида дара қирғоқларига бериладиган катта босим фақат мустаҳкам, қаттиқ қояли грунтларга бериши мумкин. Шунинг учун бу түғонлар одатда тоғли ерларда, туби ва қирғоқлар сув ўтказмайдиган мустаҳкам грунтлардан ташкил топган дараларда қурилади (2.12-расм).



2.12-расм. Аркали түғон

Түғоннинг кесим юзаси унинг баландлиги ва қуриладиган жойга (даранинг шаклига) боғлиқ. Дара қанча кенг бўлса, арка радиуси шунча катта бўлади. Арка радиуси қанча катта бўлса, сувнинг босими қирғоқларга шунчалик кам берилиб, кўп қисми дара тубига узатилади. Дара тубига бериладиган босим ошган сари түғонни оғирлигини ошириш ва унинг тубини кенгайтириш зарурати туғилади ва түғон кесими вазмин түғонлар кесимига ўхшаб кетади. Аксинча, тор дараларда қурилган түғонлар орқали қабул қилинган босимларнинг ҳаммаси қирғоқларга берилади ва арканинг рухсат этилган кучланишларига асосланиб ҳисоблаб топилади, натижада арка жуда ҳам юпқа бўлади.

Аркали түғонларнинг ҳажми гравитацион түғонларнига нисбатан анча кичик бўлади. Бетондан қурилган аркали түғонларнинг ҳажми гравитацион түғонларнига нисбатан 40...50% кам бўлади.

Аркали түғонларнинг конструкциялари эластик хусусиятга эга бўлганлиги учун улар сейсмик кучларга яхши қаршилик қўрсатади. Бундай түғонлар кўпроқ бетондан, камдан-кам темир бетондан қурилади. Аркали түғонлардаги бетонда кучланиш даражаси катта бўлганлиги учун улар юқори маркали бетондан қурилиши шарт. Гравитацион түғонларда чўзувчи кучланиш ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди, аркали түғонларда эса, аксинча йўл қўйилади.

Бугунги кунда қурилган ва қурилаётган аркали түғонларга баландлиги 271,5 м ли Ингурни (Грузия), баландлиги 240 м ли Саяно-Шушенск (Россия),

баландлиги 236 м ли Чиркейск (Россия), баландлиги 200 м ли Кёльнбройн (Австрия), баландлиги 195,5 м ли Худони (Россия), баландлиги 91 м ли Стронтция Спдингс (АҚШ), баландлиги 106 м ли Вектория (Шри Ланка), баландлиги 86 м ли Миайлинск түғонлари мисол бўла олади.

Аркали түғонлар қуйидаги ютуқларга эга: 1) бетон ҳажми кам; 2) фильтрацияга қарши босим кучи аркали түғонлар ишига таъсир қилмайди; 3) экзотермия ҳодисаси кам микдорда бўлади, чунки бу ерда бетон массаси анча кам; 4) түғон силжишга ишламайди, чунки сувнинг гидростатик босимини қабул қилувчи аркалар қирғоқларга таянади; 5) түғонни исталган баландликда қуриш мумкин.

Ютуқлардан ташқари аркали түғонлар қуйидаги камчиликларга эга: 1) қолиплар тайёрлашнинг мураккаблиги; 2) ишларни бажаришнинг мураккаблиги; 3) фақат қояли грунтларда қўллаш мумкин; 4) түғон қурилиши учун нисбатан тор даралар талаб қилинади.

Асосий турлари. Аркали түғонлар тоғли худудли дунёning кўп мамлакатларида кенг тарқалган ва яхши эксплуатация қилиш билан ўзини кўрсатди. Одатда улар тежамли, чиройли, атрофдаги муҳитга яхши мослашади. Товонлари қисилган (2.9, и -расм), ҳамда периметрли чокли (2.9, к -расм) аркали түғонлар энг кўп тарқалган; кўпинча ён деворли түғонларда ҳам қурилади (2.9, м -расм). Ясси тизим сифатида ишлайдиган чоклар билан алоҳида аркаларга ажратилган (шунингдек уч шарнирли тасмалардан ташкил топган, 2.9, л -расм) түғонларни қуриш мураккаброқ. Улар айрим ҳолларда унча катта бўлмаган баландликларда барпо этилади.


Шунингдек аркали түғон-лар қуйидаги турларга бўлинади.

Ихчамлик коэффициенти ёки нисбий қалинлик $\beta = b/h$ бўйича, бунда b -түғон тубининг кенглиги, h -түғон баландлиги (2.13-расм). Ихчамлик коэффициенти бўйича аркали түғонлар уч турга бўлинади: юпқа ($\beta < 0,2$); қалин ($\beta = 0,2...0,35$); аркали - гравитацион ($\beta = 0,35...0,65$)

Кўриниши бўйича (унинг аркали қисми) - “доимий марказий бурчакли” $2\alpha_0$ (2.13, а -расм), “доимий радиусли” ёки “цилиндрик” (2.13, б -расм), ва икки хил эгилганлик ёки гумбазли (2.13, в -расм). Доимий марказий бурчакли түғонлар (ёки унга яқин) учбурчакли даралар учун характерли. Ҳақиқатда улар учун марказий бурчак $2\alpha_0$ баландлик бўйича мутлақо доимий бўлмайди, одатда пастга қараб бир оз камаяди ($2\alpha_0' \approx 2\alpha_0'' > 2\alpha_0'''$ 2.13, а -расм). Цилиндрик түғонлар, ёки доимий r_h радиусли түғонлар кўпроқ тўғри бурчакли ёки шакли бўйича унга яқин даралар учун характерлидир. Гумбазли түғонлар даранинг шакли турли хил бўлганда қўлланилади.

Баландлиги бўйича аркали түғонларни таснифга бўлиш ўрнатилмаган, аммо бу масала бўйича тахминлар бор: ҚМҚ бўйича 60 м дан катта ва кичик түғонларга бир неча хил талаблар қўйилади.

Замин ва қирғоқлар билан туташтириши характери ва конструктив хусусиятлари бўйича таснифга бўлиш 2.4.1. бўлимда келтирилган (2.9, и-м -расм га қаранг).



2.13-расм. Аркали түғонларнинг асосий турлари:

а-доимий марказий бурчакли; б-доимий радиусли (цилиндрик); в, г-икки хил эгилганлик (гумбазли); 1-ўйиб ўрнатиш чизиги; 2-тиқин; 3-чекка девор; 4-гравитацион арка билан қирғоқни туташтирувчи девор

Шакли ва даранинг нисбий кенглиги бўйича улар қуидаги турларга бўлинади: 1) учбурчак ёки трапециадал даралардаги аркалар (2.13, а, б - расм); 2) симметрик ва симметрик бўлмаган; 3) тор створларда ($l/h < 2$), ўртача кенглиқдаги $2 \leq l/h \leq 3$ ва кенг створларда ($l/h > 3$), бунда l -тўғон тепаси бўйича эгри чизиқнинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизик.

Сувни ўтказиши бўйича аркали тўғонлар устидан сув ўтказадиган, устидан сув ўтказмайдиган турларга бўлинади.

Курилиши материаллари бўйича аркали тўғонлар ғиштли, бетонли ва темир-бетонли бўлиши мумкин.

2.4.3. Контрфорсли тўғонлар


Контрфорсли тўғонлар тўғрисида умумий маълумотлар ва уларнинг таснифи.

Умумий маълумотлар. Сувнинг босими ёпмалар орқали қабул қилиниб, контрфорс деб аталадиган тик деворлар орқали заминга бериладиган тўғонлар *контрфорсли тўғонлар* дейилади. (2.14 –расм).

Контрфорсли тўғонларни қояли ва қоямас заминларда қуриш мумкин. Юқори бъеф томонидан ясси плита билан қопланган, 15...20 м сув босими остида бўлган тўғонларни қумоқ қумлоқ ва грунтларда қуриш мумкин. Тўғонинг баландлиги ошган сари, унинг заминидаги грунтга қўйиладиган талаб ҳам ошиб боради. Баланд тўғонлар қояли заминларда қурилади.

Қояли заминдаги темир-бетонли контрфорслли түғонлар, сув босими таъсири остида бўладиган плита ёки арксимон ёпма ҳамда учбурчак ёки трапеция шаклдаги вертикал таянч - контрфорсдан иборат бўлади. Түғоннинг бикрлгини ошириш учун контрфорслар горизонтал темир - бетонли тўсинлар билан бирлаштирилади. Түғон тубига фильтрацияни камайтириш мақсадида босим остида ишлайдиган плита билан контрфорснинг юқори бъеф томонини тиш орқали қояга бирлаштирилади ва цементланади. Қоямас грунтларда қуриладиган түғонлардан заминга тушадиган оғирликни камайтириш мақсадида унинг заминида темир - бетонли плиталардан яхлит пойдевор қурилади. Бу плита түғоннинг ер ости контурини узайтиради ва фильтрация оқими тезлигини камайтиради. Темир - бетон плита билан контрфорсни, кўпинча юқори бъеф томонида тиш билан тўташтириб қўйилади.

Контрфорслли түғонлар конструкциясининг мукаммаллиги туфайли дунёда кенг тарқалган. Уларнинг ичида Андижон, Киров ва Зейск гидроузел түғонларининг баландликлари мос равишда 115, 83 ва 111 м ни ташкил этади.



2.14-расм. Контрфорслли түғон турлари:


а,б,в-пойдевор плитасиз (а-массив контрфорслли; б-кўп аркали; в-ясси ёпмали); **г-**пойдевор плитали (ясси ёпмали, плитали водослив); 1-тиши; 2-контрфорслар; 3-бикр қирра; 4- аркалар; 5- босимли плиталар; 6- бикр тўсинлар; 7- водослив плитаси; 8- сув урилма; 9- пойдевор плитаси; 10- дренаж; 11- бўшлиқ; 12- шпунт; 13-понур.

Контрфорсли тўғонлар бошқа тўғонларга нисбатан бир қатор ютуқларга эга, кўпинча улар бетонли гравитацион тўғонлар билан таққосланади.

Контрфорсли тўғонлар қўйидаги ютуқларга эга: 1) фильтрацияга қарши босим сезиларли даражада камаяди, баъзи бир тўғонларда эса у умуман таъсир этмайди; 2) бетон сарфи камаяди, тўғон баландлиги қанча катта бўлса, тежаш сезиларли даражада бўлади; 3) бетон экзотермиясини камайишига қулай шарт-шароитлар яратилади ва ташки ҳароратнинг ўзгариши тўғайли ҳосил бўладиган ҳарорат кучланиши камаяди; 4) тўғон ҳамма қисмларининг ҳолатини кузатиш имконияти бўлади; 5) кўп ҳолларда контрфорсли тўғон элементлари (яси босимли плитадан ташқари) сиқилишга ишлашини ҳисобга олиб, бетоннинг мустаҳкамлик хоссаларидан фойдаланиш мумкин.

Шу билан бир қаторда контрфорсли тўғонлар баъзи бир камчиликларга эга: 1) қурилиш ишларининг мураккаблиги, асосан эгри чизиқли юзаларни бажаришда; 2) юпқа босимли ёпмалардан сувнинг сизиб ўтиши туфайли паст ҳароратларда (бўшлиқлардаги сув музлагандан) бузилишлар содир бўлиши; 3) контрфорсли тўғонларнинг асосий элементлари сиқилишга ишлашига қарамасдан, арматура кўллашга тўғри келади; 4) битумли таркибда бажарилган чоклар гидроизоляциясини етарли даражада ишончли бўлмаслиги; 5) баъзи бир босимли ёпмали водосливли тўғонлар қурилиш ишларини мураккаблиги, масалан кўп аркалида.

Констрфорсли тўғонларнинг таснифи. Улар бир қатор белгиларга кўра таснифга бўлинади: *босимли ёпмалар турига кўра*: массив каллакли ёки массив контрфорсли (2.14, а -расм); кўп аркали ёки аркали - контрфорсли (2.14, б -расм); яси ёпмали (2.14, в.г -расм); *сув ўтказши усулига кўра*: устидан сув ўтказмайдиган (2.14, а,б,в -расм); устидан сув ўтказмайдиган (2.14, г -расм); *контрфорс конструкциясига кўра*: яхлит контрфорслар (2.15, а -расм); ички бўш контрфорслар (2.15, б -расм); икки томони очиқ контрфорслар (2.15, г -расм); массив-контрфорслар (2.14, а -расм); *материалига кўра*: контрфорсли тўғонлар бетонли, темир-бетонли, пўлатли, ғиштдан терилган ва аралаш (комбинациялашган) бўлиши мумкин; *заминнинг характеристига кўра*: контрфорсли тўғонлар қояли, яrim қояли ва қоямас заминларда бўлиши мумкин. Қояли заминларда тўғонлар пойdevor плитасиз ўрнатилади (2.14, а-в -расм), қоямас ва қоялида эса – пойdevor плитали (2.14, г -расм).



2.15-расм. Контрфорс конструкциялари:
а-яхлит; б-иши бўш; в-массив; г-икки томони очик

Контрфорсли тўғонларни қуриш уларнинг баландлиги ва конструкциясига боғлиқ бўлган бетон ва темир - бетон ишларининг ҳажми жиҳатдан гравитацион тўғонларнига нисбатан анча арzonга тушади. Лекин қалин ва темир - бетонли конструкцияларни тайёрлаш ҳисобига контрфорсли тўғон 1 м^3 нинг нархи гравитацион тўғонларга нисбатан 5...10% қиммат бўлади. Контрфорсли тўғонларни қуриш учун темир - бетондан фойдаланиш бу турдаги тўғонларнинг тарқалишига кенг йўл очиб беради.

Назорат саволлари

1. Бетонли ва темир-бетонли тўғонлар тўғрисида умумий маълумот беринг?
2. Бетонли ва темир-бетонли тўғонларнинг конструкциясига кўра қанақа турлари бор?
3. Бетонли ва темир-бетонли тўғонларнинг технологик вазифасига кўра қанақа турлари бор?
4. Қоямас заминлардаги сув ташловчи тўғоннинг асосий турлари
5. Аркали тўғонлар ҳақида маълумот беринг?
6. Контрфорсли тўғонлар деганда нимани тушунасиз ва уларнинг қандай турларини биласиз?

2.5. Сув ўтказувчи иншоотлар

2.5.1. Сув ташловчи иншоотлар турлари ва уларни қўлланиш шартлари

Турли мақсадлар учун мўлжалланган ва ўзидан сув ўтказадиган гидротехника иншоотлари *сув ўтказувчи иншоотлар* деб аталади.

Устидан сув ўтказмайдиган грунт тўғонли гидроузеллар таркибида асосан икки турдаги сув ўтказувчи иншоотлар учрайди: *сув ташловчи*, *сув чиқарувчи* (сув бўшатувчи). Бу иншоотлар ўзининг вазифаси, планда ва баландлик бўйича жойлашуви ва конструкциясининг ўзига хослиги бўйича фарқланади.

Сув омбори гидроузеллари кўп ҳолларда сув йиғиш майдонига келадиган юза оқимларни сиғдира олмайди. Сув омбори НДС сатҳгача тўлганда ортиқча сув тўғон пастки бъефига ёки кулай шароит бўлганда гидрографик тармоқقا (шахобчага) ташланади. Сувни ташлаш кўп ҳолларда сув омборидаги максимал сув сатҳида амалга оширилади, айrim ҳолларда у НДС да ҳам бажарилади.

Устидан сув ўтказмайдиган тўғонлардаги сув ташловчи иншоотлар деганда юқори бъефдан пастки бъефга ҳисобий максимал сув сарфларини қаршиликсиз ўтказувчи иншоотлар мажмуаси тушунилади. Сув омборидан ортиқча сувларни ташлаб юбориш йўли бўйлаб қурилган иншоотлар *сув ташлаш тракти* деб аталади.

Ўзанни тўсиш ва устидан сув ўтказмайдиган тўғонга нисбатан сув ташловчи иншоот тўғон танаси ичида, тўғон танасидан чеккадаги қирғоқда, ёки қайирда жойлашган турларга бўлинади (2.16, а, б, в -расм). Сув ташлаш тури ҳар хил варианtlарни техник-иқтисодий натижалари асосида танланади.


Улар бош (кириш) қисмининг жойлашуви кўра юза ва чуқур сув ташлагичлар бўлиши мумкин.

Кўндаланг кесимининг конструкцияси бўйича сув ташловчи иншоотлар очиқ, ёпиқ ва комбинациялашган (очиқ ва ёпиқ конструкцияларнинг бирикуви) қўринишида бўлади.

Агар кириш тирқиши юзада жойлашган бўлса, юза сув ташлагичлар деб аталади (2.16, а-в -расм). Чуқур сув ташлагичларда бу тирқиши сувнинг эркин сатҳидан пастда жойлашади (2.16, д,е -расм), сув ташлагичнинг ўтказувчи қисми кўп ҳолларда қувурли ёки туннелли қўринишида бўлади. Агар тирқиши бевосита тубда жойлашган бўлса, унда сув ташлагични тубдаги деб аталади (2.16, е -расм).

Очиқ сув ташлагичлар кўндаланг кесими туташмаган, ёпиқ эса туташган бўлади; комбинациялашган туташган ва туташмаган кесимли участкаларга эга, яъни очиқ ва ёпиқ конструкцияларнинг бирикувидир. Очиқ сув ташлагичлар сув ташловчи каналлар қўринишида бўлиб, уларнинг чегарасида бъефлар орасидаги сатҳлар фарки тезоқар, кўп поғонали шаршара, консолли шаршара орқали туташтирилади (2.16, а-в -

расм). Ёпиқ сув ташлагичлар юза ва чукур (шунингдек туб) иншоотлар күринишида бўлади (2.16, г-ж -расм). Юза сув ташлагичларга қувурли, туннелли ва шахтали иншоотлар киради (2.16, ж -расм). Чукур сув ташлагичлар босимли, босимсиз ва қувурли ва туннелли ярим босимли режимларда ишлайди.



2.16-расм. Қирғонда жойлашган сув ташлагичлар:

а, б ва в-очиқ сув ташлагич, мос равишда тезоқар, кўп погонали шаршара ва консолли шаршара билан; г, д ва е-мос равишда юза, чукур ва туб ҳамда затворлар билан бошқариладиган ёпиқ сув ташлагичлар; ж-босимсиз туннелли шахтали сув ташлагич

Кириш (бош) қисмининг конструкцияси бўйича очиқ сув ташлагичлар фронтал, хандакли (*траншеяли*), полигонал, еллигичсимон ва бошқалар; ёпиқ сув ташлагичлар эса - хандакли, шахтали, чўмичли ва бошқа кўринишларда бўлади.


Бошқариш шароитлари бўйича сув ташлагичлар бошқариладиган (затворлар билан) ва бошқарилмайдиган (затворсиз, автоматик) турларга бўлинади.

Конструкцияси бўйича сув чиқаргичлар қувурли, туннелли ва комбинациялашган (қувурли ва туннелли белгилар бирикмаси) турларга бўлинади.

Ростловчи затворлар жойлашиши бўйича сув чиқаргичлар қуидаги фарқланади: 1) сув чиқарувчи тракт бошланишидаги затворлар билан (асосан қувурли сув чиқаргичлар учун), бу ҳолатда одатда қуйи қисмида затворлар камераси, юқорисида эса туташтирувчи механизми эстакадага эга затворларни бошқарувчи минора ўрнатилади; айрим ҳолларда минора ўрнида пастки бъеф томонидан ёки юқори қиялиқда (ёнбағирда) ётқизилган маҳсус нишаб галерея бўйлаб кириш мумкин бўлган алоҳида хона кўзда тутилади; 2) сув ташлаш тарктиниг ўрта қисмидаги затворлар билан; затворларни бундай жойлаштириш бошқарадиган минора ўрнатиб ёки ўрнатмасдан қувурли ҳамда туннелли сув чиқаргичларда мумкин; 3) сув чиқаргич тарктиниг охирида затвор билан; затворларни бундай жойлаштириш босимли режимда ишлайдиган сув чиқаргичлар учун, ҳамда галерея ичидаги босимли қувурли туннеллар ва қувурли сув чиқаргичлар учун характерлидир.

2.5. 2. Қирғоқда жойлашган очик сув ташловчи иншоотлар


Қирғоқда жойлашган очик сув ташлаш трактини тўғоннинг ён томонидаги қирғоқларда ва водийнинг ёнбағирларида жойлаштирилади. Шу сабабли улар қирғоқда жойлашган сув ташлагичлар деб ном олган (2.17, а -расм). Сув ташлаш трактидан сув гидроузелнинг пастки бъефга ташланади, қулай топографик шароитларда эса қўшни очик сув ҳавзасига ёки жойнинг паст участкаларига чиқариш мумкин. Очик сув ташлагичларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг кириш қисмлари баланд сатҳларда жойлашади.



2.17-расм. Юза сув ташлаш трактиниң трассаси:
а-тўғри чизиқли; б-бурилиши бурчаги билан; в-трассада эгри чизиқни планда белгиласи.

Сув ташлаш тракти таркибига қуидаги иншоотлар киради: келувчи канал, ростловчи иншоот, ташлама канал, туташтирувчи иншоот(тезоқар,шаршара,консолли шаршара), кетувчи канал. Аммо сув ташлаш тракти таркибидаги юқорида келтирилган иншоотларнинг ҳаммаси ҳам бўлмаслиги мумкин. Кўпинча каналлардан бири бўлмаслиги мумкин, масалан келувчи ёки ташлама канал, иккаласининг ҳам бўлмаслиги эҳтимоли бор.

Сув ташлаш трассаси деганда жойда ўтказилган унда пикетлар белгиланган иншоотнинг ўқ чизиғи тушунилади. У тўғри чизиқли бўлиши ҳам (2.17, а -расм) ва бурилиш бурчаги билан (2.17, б -расм) бўлиши мумкин ва у тўғондан маълум узокликда ўтади ёки унга қисман ўйиб киради.



2.18. Очиқ сув ташлаш трактида иншоотларни жойлаштириш мисоллари:


1-келувчи канал; 2-шлюз - ростлагич; 3-ташлама канал; 4-тезоқар; 5-шашара; 6-консолли шаршара; 7-кетувчи канал.

Агар сув ташлаш трактида иншоотларни бир жойга жойлаштириш қийин бўлса, уларни бўлиб – бўлиб жойлаштиришга йўл қўйилади, масалан битта туташтирувчи иншоот ўрнига иккита ва ундан кўп бажарилади (2.18-расм).

Фронтал сув ташлагичлар. Фронтал сув ташлагичлар сув оқизмаси планда келувчи канал ўқига перпендикуляр жойлаштирилади ва сув иншоотга перпендикуляр кириб келади (2.19-расм). Бу ҳолда тўғон тепаси билан сув оқизма устини кўприк билан бирлаштирилади.

Сув ташлаш тракти ўқи (планда) ернинг топографияси ва геологиясини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, у планда ва бўйлама кесимларда тўғон тепасидан ўтадиган йўл билан боғланган бўлиши керак. Келувчи канал бошланиши тўғон танасидан 75...100 м масофада жойлаштирилади, кетувчи каналнинг чиқиши тўғон пастки қиялик охиридан камида 100...150 м масофада бўлиши керак.


Келувчи канал водосливга сувни равон келишини таъминлайди. Планда у эгри чизиқли кўринишда ва узунлигибўйича ўзгарувчан кенгликка эгадир. Катта чуқурликларда канал туби горизонтал, кичик чуқурликларда эса сувнинг янада равон келишини таъминлаш учун канал туби тескари нишабли қилиб ўрнатилади. Қояли грунтларда канал тубига ва қияликларига ҳимоя қопламалари ўрнатилмайди, қоямас грунтларда уларнинг водосливга кириш зоналарида қопламалар ўрнатилади. Келувчи канал кўндаланг кесими трапеция шаклида, қоямас грунтларда уларнинг қияликлари 1.2...2.5, қояли грунтларда 0,5 қабул қилинади.



2.19-расм. Қирғоқда жойлашган очик фронтал сув ташлагич:

1-келүвчи канал; 2-водослив күриншиидаги бош қисм; 3-ташлама канал; 4-туташтирувчи инишот (тезоқар); 5-кетүвчи канал; 6-грунтлы түйон; 7-дарё ўзани

Ростловчи инишот (кириш қисм) бетон ёки темир-бетонли сув ташловчи түйондан ташкил топади (2.20-расм). Уни сув ташлаш трактининг түгри чизиқли участкасида жойлаштирилади, чунки бу инишот орқали түйон танасига кўприк ёрдамида йўл ўтказилади.



2.20-расм. Сув ташловчи түйон:

1-түйон ўқи; 2-кўприк; 3-шпунт; 4-понур; 5-сув урилма қудук; 6-тескари фильтр; 7-рисберма; 8-затвор.

Иншоот кириш қисми кенглиги гидравлик ҳисоблар асосида аниқланади.

Иншоот сув оқизмаси кенг остонали ёки амалий профилли бўлиши мумкин. Сув урилма сув оқизманинг ҳамма оралиқлари учун умумий қабул қилинади. Сув урилма чегарасида қудук ўрнатилади, унинг ўлчамлари гидравлик ҳисоб асосида қабул қилинади. Бундан ташқари сув урилма чегарасида бошқа сўндиригичларни ҳам ўрнатиш мумкин.

Ташлама канал туташтирувчи иншоотга сув оқимини бараварлаштириб келтириш учун хизмат қиласи. Унинг узунлиги сув ташлаш тракти трассасининг топографик шароитларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Канал кўндаланг кесим юзаси трапеция шаклида бўлиб, тубининг кенглиги иншоот кенглигига teng қилиб олинади. Канал туби сатҳ белгиси сув оқизма остонаси сатҳ белгисидан пастда жойлаштирилади, чунки бу ҳолда сув оқизма кенг остонали сув оқизма сингари ишлайди. Канал туби ва қияликлари бетон қоплама билан мустаҳкамланади, унинг қалинлигини оқим тезлигига ва геологик шароитларга кўра қабул қилинади.


Туташтирувчи иншоотлар. Сув ташлагичлардаги туташтирувчи иншоотларга тезоқар шаршара ва консолли шаршара киради.

Тезоқар нишаблиги критик нишабликдан катта бўлган каналdir. Тезоқар нишаблиги 0,05...0,25 ва ундан катта бўлиши мумкин, масалан мустаҳкам қояли грунтларда. Тезоқар тубининг кенглиги доимий ёки узунлиги бўйича ўзгарувчан (пастки томонга қараб камаяди ёки кенгаяди) бўлиши мумкин. Тезоқар кенглигини ўзгариши пастки бъефда энергия сўндириш шароитларидан келиб чиқади.

Тезоқарнинг характерли схемаси 2.21-расмда келтирилган. Конструктив жиҳатдан тезоқарлар кўндаланг кесими тўғри бурчакли, трапецияли ёки полигонал новлар кўринишида бўлади (2.21, а-г -расм). Уларни қуришда бетон ва темир-бетон ишлатилади. Нов чекка деворлар (тиргак девор) ва плитадан ташкил топади, чекка деворлар билан плиталар деформация чоклари билан ажратилади. Ўлчамлари кичик деворли новлар монолит конструкцияли қилиб бажарилади. Қоямас грунтларда плита қалинлиги 0,3...0,8 м оралиғида қабул қилинади. Нов узунлиги бўйича ҳар 20...25 м дан сўг деформация чоклари ўрнатилади. Мустаҳкам қояли жинсларда қоплама бажарилмайди. Кучсиз қояли ва ярим қояли жинсларда нов чекка деворлари тикилиги 1:0,3...1:0,5 қилиб бажарилади, унинг туби ва қияликлари қалинлиги 0,2...0,3 м ли анкерланган бетон қопламаси билан қопланади.

Тўғри чизиқли тезоқарларда оқим оқим тезлигини камайтириш мақсадида нов узунлигининг бир қисмига сунъий ғадур будурлик ўрнатилади (2.19-расмга қаранг).

План




2.21-расм. Қирғоқда жойлашган Карлос Мануэл де Сеспендес сув ташлаш гидроузели (Куба, $Q = 3600 \text{ м}^3 / \text{s};$)

1-сув чиқарувчи ишиоот; 2-грунтли түгөн; 3-сув ташлаш ишиоот

Тезоқар трассасида фильтрация оқими депрессия юзасининг юқори ҳолатида плита остида ва унинг деворлари оқасида дренаж ўрнатилади. Бу ерда кувурли дренаж ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Қоямас грунтларда тезоқарни пастки бъеф билан сув урилма қудук ёки сув урилма девор ёрдамида туташтирилади. Қояли грунтларда оқимнинг юқори тезликларида тезоқар охирида оқимнинг бир ерга тўплайдиган трамплинлар ва камдан-кам оқимни тарқатиб юборадиган трамплинлар қўлланилади.

Кўп поғонали шаршаралар ер рельефи нишаблиги катта ($i > 0,25$) жойларда ва солиширма сув сарфлари унча катта бўлмаганда ($15\text{m}^3/\text{s}$ гача) қўлланилади. Кўп поғонали шаршара сув урилма қудуғининг ўлчамлари бир хил бўлган, кўндаланг ва бўйлама деворлар ҳосил қилган поғоналар шаклида бажарилади (2.22-расм). Қудуқ ўлчамлари ва унинг сув урилма девори баландлигини оқим энергияси тўлиқ сўндириш шароитидан келиб чиқкан ҳолда гидравлик ҳисоб маълумотлари асосида қабул қилинади.



2.22-расм. Кўп поғонали шаршара:

1-гилли бетон; 2-понур; 3-яси затвор; 4-бўйлама девор; 5-сув урилма девор; 6-сув урилма қудуқ

Поғоналар баландлиги 4...6 м оралиғида қабул қилинади. Поғона узунлигини ундаги сатҳлар фарқи баландлигини икки бараваридан кам қабул қилинмайди. Сув энергиясини тўлиқ сўндириш мақсадида сув урилма қудуғи тубига тескари нишаблик берилади. Кўп поғонали шаршарада сув оқим тезлиги тахминан 2...3 м/с ни ташкил этади.

Қоямас ва ярим қояли грунтларда бўйлама ва кўндаланг деворлар сув урилма плитадан вертикал чоклар билан ажратилади. Чоклар уларнинг алоҳида чўкишини таъминлайди. Ҳамма чокларда фильтрацияга қарши зичлагичлар ўрнатилади. Қояли грунтлардаги шаршаралар қудукларида кўпинча сув урилма плиталар ўрнатилмайди.

Кетувчи канал кенглигини туташтирувчи иншоот қилиб олинади. Каналнинг қияликлари ва туби ташлама сингари бетон қоплама билан мустаҳкамланади. Кетувчи канал туташтирувчи иншоот кенглигидан грунтни ювилишга йўл қўйиладиган тезликни аниқловчи кенгликкача ўзгарувчан кенгликда лойиҳаланади. Бу ҳолда биринчи участка бетонланади, иккинчиси эса мустаҳкамланмайдиган қилиб бажарилади.

Хандакли сув ташлагичлар. Бундай турдаги сув ташлагичлар водосливи фронтининг бош қисми гидроузел юқори бъефга чиқарилиб сув омбори ҳавзаси қирғоғи чизифи бўйлаб жойлаштирилади.

Хандакли сув ташлагич таркибида қуйидаги иншоотлар киради (2.23-расм): 1) кенг остонали ёки амалий профилли сув оқизма кўринишидаги сув оқизма қисми; 2) хандак, водослив орқали ташланадиган сув унга тушади; 3) кетувчи канал ва мувоғиқ энергия сўндирувчи қурилмали тезоқар, шаршара ёки трамплин кўринишидаги туташтирувчи иншоот.

Сув оқизма. Хандакли сув ташлагичлар сув оқизмаси бошқариладиган ва бошқарилмайдиган (автоматик) бўлиши мумкин. Бошқариладиган сув оқизмада затворлар ўрнатилиб юқори бъефдаги сув сатҳи НДС да ушлаб турилади, автоматик сув оқизма тепаси НДС да ўрнатилади.


Хандак узунлиги бўйича туби ва чуқурлиги ўзгарувчи каналdir. Хандакли сув ташлагичлар асосан қирғоқлари тик бўлган қояли ва ярим қояли жинслардан ташкил топган, фронтал сув ташлагичларни жойлаштириш қийин бўлган створларда қўлланилади. Қояли грунтларда хандакнинг водослив томонидаги қиялиги эса 1:0,5 га teng бўлади. Хандакка жўшқин оқимнинг динамик таъсирини ҳисобга олиб, мустаҳкам қояли жинсларда унинг туби ва қияликлари қояга қалинлиги 0,7...1,2 м ли плиталар анкерланиб қопланади. Хандакнинг бетон плитасидаги фильтрация босимини олиб ташлаш учун унинг остида қувурли дренаж ўрнатилади. Хандакда винтсимон ҳаракатга йўл қўймаслик учун ва кетувчи канал кенглиги бўйича сув сарфини текисроқ тарқалишини таъминлаш учун планда эгри чизиқли оралиқ деворлар (2.23, в -расм), планда траншея тубидаги қийшиқ остона (2.23, г -расм), оқимни қармақарши томонга оралиқ орқали ўтаётганда айланма ҳаракат берувчи ва ушбу ҳар бир оралиқ билан алмашинувчи сув оқизма трансплайнлари (2.23, д -расм) ва бошқалар қўлланилади.

2.5.3. Қирғоқда жойлашган ёпиқ сув ташлагичлар

Ёпиқ сув ташлагичлар қояли сиқилган створларда барпо этиладиган ўрта ва юқори босимли гидроузелларнинг асосий иншоотлари таркибида жойлаштирилади. Ер ости қувурлари ёки тунеллари орқали қурилиш сувларини ўтказиш ҳисобига уларнинг қўлланилиш устидан сув ўтказмайдиган грунтли ёки бетонли тўғонларни қуришда ишларни кенг кўламда олиб боришга имкон беради, ҳамда бу шароитларда қиммат бўлган

очиқ қирғоққа жойлаштириледиган сув ташлагичлар ўрнига арzonроқ бўлган ёпиқ сув ташлагичларни кўллаш мумкин.

Қувурли -минорали сув ташлагичлар. Баъзи ҳолларда ёпиқ сув ташлагичларни бевосита устидан сув ўтказмайдиган грунтли тўғон танасида жойлаштириледиган қувурли-минорали қилиб бажарилади. Унга катта бўлган сув сарфларда ва босим бир неча метр бўлганда бундай сув ташлагичларнинг оддий конструкциялари кўлланилади. Бунда қўндаланг кесими доимий бўлган минора ва ўзгарувчан гидравлик режимда ишлашга рухсат этиладиган сув ташлагич киради



2.23-расм. Хандакли сув ташлагичлар:

а,б,в- кириши қисмини жойлашиши варианлари; г,д- хандакли мос равишда қийшиқ остонали ва алмашинувчи водосливлар уч қисми; 1-қўйруқ қисми эгри чизиқли оралиқ деворлар; 2-силиқ шаклдаги девор; 3-остона; 4-тўғон; 5- трамплин; 6-хандакли сув ташлагич; 7-планда эгри чизиқли тубдаги остоналар.

(2.24, а -расм). Бундай сув ташлагичларнинг ҳар хил конструкциялари бир қатор мелиоратив гидроузелларда кенг қўлланилган. Катта босимларда катта сув сарфларини ўтказиш учун қурилган Мингечаур (Россия) ва Ирил Эмда (Жазоир)

гидроузеллар сув ташлагичлари киради (2.24, б, в -расм). Бу сув ташлагичлар босимсиз режимда ишлаш учун лойихаланган.

Қувурли-чўмичсимон сув ташлагичлар. Улар кириш қисми чўмич шаклида бўлган ёпиқ сув ташлагичларга киради. Бундай сув ташлагичларнинг ишлаш шароитлари хандакли сув ташлагичларга ўхшаш бўлади (2.25-расм). Будай иншоотларнинг асосий қисмига кириш каллаги ва табиий грунтда ётқизилган қувур киради. Қувурдан сув оқими чиқиши жойида каллаги ўрнатилади, ундан кейин эса кинетик энергияни сўндириш учун сув урилма қудук ёки бошқа турдаги сўндиригич ўрнатилади.


Кириш каллаги чўмич қўринишида бўлиб, унга сув уч томондан олинади. Кириш каллаги қувур билан ўтиш участкаси ёрдамида бирлаштирилади. Ўтиш участкаси кириш каллагининг тўғри бурчакли кесимидан қувурнинг доиравий кесим юзасига равон ўтишини таъминлайди. Заводда ишлаб чиқилган доиравий қувурлар қўлланилади. Қувур узунлиги бўйича фильтрацияга қарши диафрагмалар ўрнатилади. Каллаги вакуумли ва вакуумсиз бўлган босимсиз ва босимли режимда ишлайдиган чўмичсимон сув ташлагичлар мавжуд. Босимсиз чўмичсимон сув ташлагичларда чўмич қиррасини синик чизиқли бажарилиб узайтирилади, бу эса сув қўйилиш фронтини оширади.

Шахтали сув ташлагичлар. Қўлланиш шартлари Шахтали сув ташлагичлар тўғондан ташқарида, соҳилда қурилиб, юза жойлашган доиравий водосливдан, вертикал ёки бир оз ётикроқ шахтадан ва туннел ёки галерея қўринишидаги сув ўтказувчи трактдан ташкил топади (2.26-расм). Сув ташлагич шахтаси кўндаланг кесими доиравий ва тўлиқ қазилган қояда жойлаштирилади. Баъзи бир алоҳида ҳолларда нокулай топографик ва геологик шароитларда шахтани жойлаштиришда унинг юқори қисми минора қўринишида бажарилади. Сув ўтказувчи тракт сифатида қурилиш туннели ёки галереядан фойдаланилади, улар билан шахта туташтирилади. Одатда шахтали сув ташлагичларни қояли заминларда ўрта ва юқори босимли гидроузелларда барпо этилади. Бу турдаги ташлагичлар $5000 \text{ м}^3/\text{с}$ гача сарфни ташлаш мумкин.

Ишлаш шароти бўйича шахтали сув ташлагичлар **бошқариладиган** (тепасида затвор билан) ва **автоматик** терзда ишлайдиган турларга бўлинади. Бошқариладиган шахтали сув ташлагичларда юқори бъефдаги НДС водослив узунлиги бўйича радиал жойлашган, оралиқ деворларга таянадиган затворлар ёрдамида ушлаб турилади. Автоматик ишлайдиган шахтали сув ташлагичларнинг водослив тепаси НДС да жойлаштирилади. Бундай сув ташлагичлар юқори бъефда сув сатҳи ўзгарувчан бўлганда ишлайди. Бошқариладиган сув ташлагичлар сарф $600...700 \text{ м}^3/\text{с}$ дан юқори бўлганда қўлланилади. Уларнинг сув оқизма тепасидаги босим 5...6 м гача


бўлганда йўл қўйилади. Автоматик ишлайдиган сув ташлагичлар босим 2 м дан катта бўлмагандек ва фақат кичик сафларни ташлашда қўлланилади.

Водослив төпаси күрниниши планда жойлашуви бўйича доиравий (2.26-расмга қаранг), **тўлиқ бўлмаган доиравий** (2.27-расм) ва **гулбаргсимон** (2.28-расм) турларга бўлинади. Конструктив тузилиши ва ишлаш шароити бўйича доиравий ва тўлиқ бўлмаган доиравий водосливлар воронканинг бир хил радиусларида водослив узунлиги бўйича фарқланади.




2.24-расм. Кувурли- минорали сув ташлагичлар:


а-унча катта бўлмаган сарфлар ва босимлар учун (намунавий лойиҳа); б-Мингечаур гидроузели (Россия); в-Ирил Эмда гидроузели (Жазоир); 1-сувда оқиб келувчи жисимларни ушловчи панжара; 2-кўттаргич; 3-темир-бетонли диафрагма; 4-деформация чоки; 5-гидроизоляция; 6-затворлар камераси; 7-шахта; 8-гил; 9-қумтоши; 10-трамплин; 11-кучсиз сланилар.




2.25-расм. Қувурли чүмичсімон сув ташлагич:
1-ер сатқы; 2-темир-бетонлы қувурлар; 3-йүл четидаги түсікілар; 4-түғон үқи.



2.26-расм. Доиравий водосливли шахтали сув ташлагич ва уни гидроузелда жойлаштириш:
1-доиравий водослив; 2-окимни йүналтирувчи оралиқ деворлар; 3-туннел



2.27-расм. Тұлиқ бўлмаган доиравий
водосливли шахтали сув ташлашгич




2.28-расм. Гулбаргсимон
водосливли шахтали сув ташлагич


Доиравий водосливли шахтали сув ташлагичлар. Доиравий ва тұлиқ бўлмаган доиравий водосливлар одатда вакуумли ёки вакуумсиз кўринишда амалий профилли ёки кенг остонали қилиб бажарилади. Кенг остонали водосливнинг тепаси текис горизонтал ёки $6\dots9^0$ бурчак остида воронкага йўналган конусли бўлади. Тепа қисм кенглиги водосливнинг умумий ўлчамлари ва затвор турлари бўйича аниқланади. Тепанинг текис кенглиги $3,5H \leq B \leq (0,4\dots0,5)R$ оралиғида қабул қилинади, бунда H - водосливдаги босим; R - сув ташлагичнинг кириш воронкаси радиуси.

Туннелли сув ташлагичлар. Туннелли сув ташлагичлар сув қабул қилгич ва сув ўтказувчи тракт вазифасини бажарувчи туннелдан ташкил топади. Туннелли сув ташлашгичлар қояли заминларда барпо этиладиган ўрта ва юқори босимли гидроузелларда қўлланилади. **Сув ташлагичини баландлик бўйича жойлашувига** кўра ташлагичлар икки гурухга бўлинади: юза жойлашган сув қабул қилгичли сув ташлагичлар (2.29, а - расм) ва чуқур жойлашган сув қабул қилгичли сув ташлагичлар (2.29, б - расм). Биринчиси фақат эксплуатация сарфларини ўтказиш, иккинчиси эса бар вақтнинг ўзида сув омборини сувдан бўшатиш ва пастки бъефга чиқариш ролини бажаради. Юқори бъеф сув сатҳидан пастда жойлашган чуқур жойлашган сув қабул қилгич тирқиши чуқурлиги затвор харакат қилиши

мумкин бўлган, унга йўл қўйиладиган босим билан аниқланади. Катта босимларда яруслар бўйича жойлашган бир нечта чуқур жойлашган тирқишилар ўрнатилади (2.30-расм).



2.29-расм. Юқори босимли гидроузелнинг туннелли сув ташлагичлари:
а-юзада жойлашган сув қабул қилгич билан; б- чуқур жойлашган сув қабул қилгич билан; 1-қурилиши сарфларини ўтказувчи туннел; 2-затворлар камераси; 3-сув ташлаш туннели; 4- бетонли тиқин; 5-затворларни бошқарадиган шахта.



2.30-расм. Бир нечта сув қабул қилгичли туннелли сув ташлагич:
1-панжара; 2-ҳаво келувчи жой; 3-қурилиши туннели.

Юзадан сув оловчи туннелли сув ташлагич сув қабул қилгичи кўп ҳолларда ясси ёки сегментли затворлар билан тўсиладиган амалий профилли ёки кенг остонали фронтал сув оқизма кўринишда бажарилади. Бундай сув оқизмада босим 20 м ва ундан ортиқни ташкил қилиши мумкин.


Юза жойлашган сув қабул қилгичли туннелли сув ташлагичлар одатда сув ўтказувчи трактнинг умумий узунлиги бўйича босимсиз оқим режимида лойиҳаланади. Чуқур жойлашган сув қабул қилгичли сув ташлагичларда бошқарадиган затворларнинг жойлашувига боғлиқ ҳолда оқим режими босимли ва босимсиз бўлиши мумкин. Затворлар туннелнинг бошида жойлаштирилганда затвор олдидағи туннелнинг учта катта бўлмаган

узунлигига оқим босимли, узунлигининг қолган қисмидә эса босимсиз режимда бўлади. Агар бошқарадиган затворлар туннелнинг охирида жойлаштирилганда, трассанинг умумий узунлиги бўйича оқим босимли бўлади.

Сифонли сув ташлагичлар. Сифонли сув ташлагичлар автоматик тарзда ишлайдиган қувурли сув ташлагичларнинг бир кўринишидир. Улардан сувни гидроузел юқори бъефдан пастки бъефга ташлаш учун фойдаланилади. Сифонлар конструктив жиҳатдан бетонли тўғон танаси ичига ётқизилган, вертикал текисликда букилган (қайирилган) тўғри бурчакли ўзгарувчан кесимли бир қатор қувурлар кўринишида бажарилади (2.31-расм). Уларнинг кириш қисмига тўғри чизиқли конфузор кўриниш берилади. Конфузор кириш кесими баландлиги a_{cup} , сифон тепасидаги қувур баландлиги a дан 1,5...2 марта ортиқ (катта) бўлади.

Сифонли сув ташлагичлар тепаси НДС да жойлаштирилади. Юқори бъефдаги сув сатҳи 0,2...0,3 м кўтарилиганда сифон тўлиқ кесим билан ишлай бошлайди. Сифон ичида вакуум ҳосил қилиш учун сифоннинг чиқиши тиркиши орқали ҳаво келишига йўл қўймаслик керак. Буни бир неча усуллар билан амалга ошириш мумкин: 1) қувур пастки қисми пастки бъеф сув остига туширилади (2.31, а -расм); 2) сифондан чиқишида букилган қувурларни қўллаб, сув тиқинини (пробкасини) ҳосил қилиш (2.31, б -расм); 3) сув ўтказувчи пастки қисм юзасида трамплинни ўрнатиш, бунинг натижасида жилға ундан чиқишида қарама-қарши деворга отиб ташланади ва ҳаво ўтказмайдиган сув плёнкаси ҳосил бўлади (2.31, в, г -расм).

Сифон ишлашини тўхтатиш учун унинг ичига ҳаво юборилади, вакуум йўқолади ва сифон ишлаши тўхтайди. Ҳавони юбориш сифон кириш қисмидаги НДС да жойлашган ҳаво қувурлари орқали амалга оширилади.



2.31-расм. Сифонли сув ташлагичлар:

а, б-кириш қисми кўмилган сифон; в-ҳаво тўсигини ҳосил қилувчи сифоннинг уни; г-оқимни бурадиган погона схемаси; д-сифонли сув ташлагич кириш қисми.

Сифонли сув ташлашгичлар қатор афзалликларга эга, булар жумласига қуидагиларни киритиш мүмкин: 1) сифоннинг сув ўтказиш қобилияти бошқа водосливларнига кўра бир неча марта ортиқ; 2) сифоннинг сув ўтказиш қобилияти катта бўлишига қарамай, унинг ичидаги сувнинг тезлиги сувнинг тезлиги сифон материалига йўл қўйиладиган тезликдан ошмайди; 3) юқори бъефда сув сатҳи унча катта кўтарилимагандан ҳам сифон автоматик тарзда ишлади.

Сифонларнинг камчиликлари: 1) қиши даврида эксплуатация қилиш қийин; 2) алоҳида қисмларнинг титраши (вибрация); 3) сифонда оқим тезликларини катта бўлиш уларнинг бурилиш ерлари юзаларида босим ва вакуум юқори бўлади; 4) мураккаб қолипларни қўллаш ва деворларни кўп арматуралаш зарурлиги.


2.6. Сув чиқарувчи иншоотлар

2.6.1. Қувурли сув чиқаргичлар

Сув омборида тўпланадиган сув захираси суториш, сув таъминоти, яйловларга сув чиқариш ва бошқа мақсадлар учун ишлатилади. Сув омборидан сувни улар ёрдамида олиб ва сув ўтказувчиларга узатиш (кўпроқ каналлар) ва истемолчига етказиб бериш сув чиқарувчи иншоотлар ёрдамида амалга оширилади.

Суторишга сув чиқариш баҳор - ёз ойларида ва қисман куз даврида амалга оширилади. Бошқа мақсадлар учун, масалан сув таъминоти ва гидроэнергетика учун сув йил давомида тўхтовсиз олинади. Истемолчига бериладиган сув миқдор вақт бўйича ўзгаради. Чиқариладиган сув сарфларининг ўзгариши сутка давомида ҳам рўй беради. Сув чиқариш иншоотида сарфларни ростлаш затворлар билан бошқарилади.

Чиқиша ўрнатилган затворли босимли қувур туридаги сув чиқаргич. Бундай турдаги сув чиқаргичлар унча катта бўлмаган сув омборларида (ҳавзалар) сарф $0,3\ldots0,5 \text{ м}^3/\text{s}$ катта бўлмагандан қўлланилади (2.32-расм).



2.32-расм. Чиқиша ўрнатилган затворли босимли қувур туридаги сув чиқаргич:

1-қувур; 2-диафрагмалар; 3-затвор; 4-сув урилма қудук; 5-кетувчи канал.

Сув чиқаргич заминдаги табиий грунтда түғон танаси тағида ётқизилган құвурни ифодалайды. Күпроқ заводда ишлаб чиқилған металл, темир-бетон, ҳамда абестоцемент құвурлар құлланилади. Затвор туридаги задвижка құвурнинг чиқиши қисмиде ўрнатиласы.

Сув чиқаргич босимли режимда ишлайды, құвурнинг чиқиши кесимидан кейин, сув энергиясина сүндириш учун сув урилма девор ёки бошқа турдаги сүндиригич ўрнатиласы. Грунт билан құвур туташган жойда фильтрация сувларига тұсқынлик (қаршилик) қилиш учун, құвур узунлиги бўйича бир нечта диафрагмалар ўрнатиласы.

Киришда ўрнатилған затворли босимсиз туридаги құвурли сув чиқаргич. Затворларни құвурнинг чиқиши қисмиде ўрнатиш сув чиқариши эксплуатациясина яхшилайды. Бунда гидравлик режим босимсиз белгиланады, бунинг натижасыда белгиланған ФХС да сув чиқаргичдан кейин каналда сув сатҳи күтарилады, демак суфориладиган майдонлардаги ўзи оқар сув сатҳи ошады (2.33-расм).

Сув сарфлари затворлар билан бошқарилады, уларни сув чиқаргичнинг кириш каллагида жойлаштирилады. Затворлар бетон каллакка таянган күтариб турувчи устунларга ўрнатилған хизмат кўпригидан бошқарилады. Бундай сув ташлагичлар босим 7 м гача бўлганда құлланилади.


Сув чиқаргич құвурлари заминдаги табиий грунтда ётқизилади. Сув чиқариш сарфи ошганда кириш ва чиқиши шакллари умумий бўлган икки - уч қаторли құвурлар құлланилади. Энергия чиқиши каллагига зич туташган сув урилма кудукда сүндирилади.

Минорали сув чиқаргичлар. Бундай турдаги иншоотлар III ва IV синфли грунтри түғонларда кенг құлланилади. Минорали сув чиқаргич қуйидаги асосий қисмларидан ташкил топади: босимли құвур ёки очик канал кўринишидаги келувчи участка; минора; кетувчи босимсиз құвур; энергия сүндиригичлар; хизмат кўприги; минора устидаги қурилған бино (2.34-расм).

Минора учта характерли ҳолатда бўлиши мумкин: юқори қиялик товони олдида; тахминан унинг ўртасида; түғон тепаси чети олдида. Шу билан бирқаторда у учта асосийларга нисбатан ихтиёрий оралиқдаги ҳолатда бўлиши мумкин. Минора затворларни бошқариш учун мўлжалланади. Унда иккита затвор ўрнатиласы. Биринчиси келувчи участка тирқишини ёпади ва таъмирлаш ва кузатиш ҳолатларида минорани бекитиш учун мўлжалланади, иккинчиси эса миноранинг қарама - қарши деворига ўрнатиласы кетувчи сув ўтказадиган тирқиши ёпади, у истемолчига узатиладиган сарфни ростлаш учун ишлатиласы.


Минорали сув чиқаргичларда ясси затвор құлланилади, уларнинг пазлари миноранинг ички томонида ўрнатиласы. Затворларни очилиб - ёпилиши минорада жойлашган кўтариб - тушириш механизмлари орқали амалга оширилади. Затворнинг ҳаракатланувчи қисми шарнир ёрдамида металл штанга билан бирлаштирилади. У чиғир орқали затворни кўтариш ва туширишни таъминлайди.

Минора кесими доиравий, квадрат ва түғри бурчакли бўлиши мумкин. Тўғон тепаси сатҳида минора плита билан ёпилади. Миноранинг планда ўлчамлари 3...4 м дан катта бўлса қовурғали ёпмалар қўлланилади. Минора устига плита юқорисига бино қурилади. Ундан хизмат қилиш хоналари сифатида фойдаланилади, унда затворларни бошқарадиган механизмлар жойлаштирилади. Ёпмада қопқоқли туйнук мўлжалланади,



2.33-расм. Босимсиз қувур туридаги сув чиқаргич:

1-келувчи участка; 2-бетонли каллак; 3-затвор; 4-босимсиз қувур; 5-хизмат кўприги.




2.34-расм. Минорали сув чиқаргич:

1-минора; 2- минорадаги затворлар; 3-босимсиз қувур; 4-сув урилма қудук; 5- кетувчи канал; 6-хизмат кўприги; 7-минора устига қурилган бино.

затворларга тушиш учун минора деворлари бўйича тутқичлар ўрнатилади. Хизмат қилиш хонаси тўғон тепаси ёки қирғоқ билан кўприк орқали бирлаштирилади.

Минорадан кетувчи водовод (сув ўтказувчи) кесими кўпинча тўғри бурчакли бўлган қувур кўринишида бажарилади. Сув омборидан катта сув сарфлари чиқарилганда қувурлар кўп кўзли қабул қилинади, шу билан бирга ҳар бир тирқиши минорага жойлашган мустақил затвор билан ёпилади. Кетувчи водоводда оқим режими босимсиз ва ундаги тезлик 2...4 м/с қабул қилинади. Эксплуатация шароитлари бўйича қувур баландлигини 1,5 м дан кам қабул қилинмайди. Қувур чиқиши кесимидан кейин энергияни сўндириш учун сув урилма қудук ўрнатилади.

Минорасиз сув чиқаргичлар. Бундай иншоотлар ўрта босимли грунт тўғонли гидроузелларда кенг кўлланилади ва уларни затвор камерали сув чиқаргичлар ҳам деб аталади (2.35-расм).




2.35-расм. Минорасиз сув чиқаргич:
1-кириши каллаги; 2-босимли қувур; 3-затвор камераси; 4- туташтирувчи участка;
5- босимсиз қувур; 6-эксплуатация қилиши галереяси.

Ушбу иншоотлар ўрта босимли грунтли тўғонларда кўлланилади. Затвор камерасининг кенглиги затворлар сони ва уларнинг ўлчамларига боғлиқ. 2.35 - расмда затвор камераси тўғон танасида жойлашган. Бу ҳолатда сув чиқариш қувури икки участка - босимли узунлиги ℓ_1 ва босимсиз узунлиги ℓ_4 . Камера билан босимсиз қувур орасида туташтирувчи участка жойлаштирилади, унда сув энергияси сўндирилади. Сув чиқаргичнинг характерли узунлиги тўғон баландлигига, камера жойлашган ўрнига, кириш каллаги остонаси сатҳ белгисига боғлиқдир. Камеранинг баландлиги унда асосий затворларни кўтарилиб туриш ҳолати ва эксплуатация қилиш галереясининг баландлиги ва жойлашган ўрнига кўра қабул қилинади.

2.6.2.Туннелли сув чиқаргичлар

Туннел туридаги сув чиқаргичлар шакли ва ишлаш шароити бўйича кувурли сув чиқаргичларга ўхшаш. Кўпинча улар қурилиш ва эксплуатация қилиш сув ташлагичлари вазифаларини бажаради. Туннелли сув чиқаргичларнинг фарқи шундаки, уларни қирғоқлари мустаҳкам қояли грунтларда барпо этилади. Бунда галеряя вазифасини қазилган туннел бажаради. Туннелда кувурларни ўрнатиб ва ўрнатмасдан туннелли сув чиқаргичларни бажариш мумкин. Туннел бўйича сувни ўтказишда сув чиқаргич босимли ҳам босимсиз режимда ишлаш мумкин, сувни кувурлардан ўтказишда фақат босимли режимда бўлади.


Сув чиқаргич затворлари туннел олдида жойлашган шахтадан (2.36-расм), ёки жинсни уйиб очилган вертикал шахтадан (2.37-расм), ёки туннелда ўрнатилган маҳсус камерадан бошқарилади.



2.36-расм. Туннелли минорали сув чиқаргич:

1-ясси затвор; 2-кўтарии механизми; 3-ҳаво юборувчи қурилма; 4-сегментли затвор

Туннелнинг шакли ва ўлчамлари эксплуатация талаблари ва уни барпо этишда ишларни бажариш, ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш шароитлари бўйича қабул қилинади. Туннелнинг минимал баландлиги ва кенглиги 2,5 м.



2.37-расм. Туннелли шахтали сув чиқаргич:

1-затвор; 2-панжара; 3-чиғыр; 4-күтариши механизмлари учун хона; 5-шахта; 6- дроссели затвор.

Қопламани зарурлиги ва тури қоянинг характеристи ва оқимнинг тезлиги бўйича аниқланади. Қоплама кавитация эрозиясига қарши мустаҳкам бўлиши керак.

Туннелли сув чиқаргич трассаси қўпинча планда тўғри чизиқли балгиланади, айниқса улар босимсиз режимда ишласа.

Назорат саволлари

1. Сув ўтказувчи иншоотларга таъриф беринг?
2. Сув ташловчи ва сув чиқарувчи иншоотларнинг қанақа турлари мавжуд?
3. Сув чиқаргичлар ростловчи затворлар жойлашиши бўйича қандай таснифланади?
4. Қирғоқда жойлашган очик сув ташловчи иншоотлар таркибига нималар киради?
5. Фронтал сув ташлагичлар таркибига қандай иншоотлар киради?
6. Тезоқар қандай иншоот?
7. Кўп поғонали шаршаралар қандай ҳолларда қўлланилади?
8. Хандакли сув ташлагичлар таркибига нималар киради?
9. Қирғоқда жойлашган ёпиқ сув ташлагичларнинг қанақа турларини биласиз?
11. Шахтали сув ташлагичларни турларини айтинг?
10. Сув чиқаргичларни қандай турларини биласиз?

2.7.Гидротехника иншоотлари затворлари

Умумий маълумотлар. Сув сарфини ростлаш, сарфни бошқариб бориш, лойқа тушириб юбориш, муз ва сув юзасида сузиб келадиган хар хил жисм ва шлюзлардан кемаларни ўтказиб юбориш мақсадида гидротехник иншоотнинг тешигини беркитиш ва очишга хизмат қиласидаган харакатланувчи конструкция затвор дейилади.

Затворлар бьефлардаги сув сатхига нисбатан тўсиладиган ораликтининг жойлашишига кўра юзада ва чукурда жойлашган бўлади.

Затворлар фойдаланиш вактидаги вазифасига кўра: а) *ишич* (*асосий*)-иншоотдан фойдаланишда доимо қўлланиладиган; б) *таъмирлаш*- асосий затворни таъмир қилишда ораликини вақтинчалик беркитиб қўйиш учун хизмат қиласидаган; в) *авария*- иншоотда авария юз бергандан унинг сув ўтказувчи иншоотларида сув оқимини тўхтатиш ёки босимини камайтириш учун мўлжалланган.г) *қурилиш*- иншоотни қуриш даврида унинг сув ўтказувчи тешикларни беркитиш учун хизмат қиласидаган турларга бўлинади.

Затворлар металл, темир бетон, ёғочдан ясалади. Конструкциясида затворлар яssi, сегмент, сектор шаклидаги ва бошқа турларига бўлинади. Затворлар асосан икки қисмга қўзғалар ва қўзғалмас қисмларга бўлинади. Затворнинг асосий (қўзғалар) қисми қаттиқ каркасдан ва унга бириклирлган сув ўтказмас қопламадан иборат. Яssi затворни харакатга келтириш учун улар ғилдирак, ролик, арава ва бошқалар билан жихозланади. Булар девор устунлари бўйлаб затворлар учун қолдирилган пазларга ўрнатилган темир изларга таяниб харакат қиласиди. Мана шу қисмлар таянч излари деб аталади. Сувнинг затворга бўлган босими шу таянч орқали иншоотнинг устун ёки деворларига узатилади. Затворлар маҳсус кўтаргич (подёмник) ёрдамида харакатга келтирилади. Сегмент сектор ва бошқа типдаги баъзи затворлар горизонтал ўқ атрофида айланиб иншоот устунлари (бичоклари) орасида эркин харакат қиласиди. Затворлар эркин харакат қилиб туриши учун устунлар орасида эркин жой (зазор) қолдирилади. Бу зазорлар орқали сув ўтиб кетмаслиги учун унга зичлаш деталлари ўрнатилади. Устки бьефда сувнинг сатхини бир хил сақлаб туриш учун автомат затворлар қўлланилади.

Юзада жойлашган затворлар. Куйидаги 2.38-расмда юзада жойлашган затворларнинг энг куп кулланиладиган турлари схемаси келтирилган:

- 1) шандорлар, учларини пазларга киритиб, устма-уст девор шаклида териладиган горизонтал жойлашган бруслар(2.37 ,а-расм);
- 2) яssi затвор , яssi каркасдан иборат ғилдирак ва ролик аравача ёрдамида унинг бик ва устунларига ўрнатилган пазларида харакат қиласиди ва сувнинг босимини иншоотнинг устун ёки деворларига узатади. Сув бунда затворнинг тагидан ўтказилади (2.37,б-расм);
- 3) сегментли, эгри чизиқли конструкциядан иборат бўлиб , унинг ригел ва устунлардан тузилган каркас таянчлари , оёклари , металл лист, тахта ва брусс қопламалар билан бирга доиравий цилиндрик юзни ташкил қиласиди. Қопламанинг ички пастки бьеф томонидаги ригеллар оёкларга , оёклар эса

чап ва унг томондаги устунларга ўрнатилган ўқларга таянади. Затворни шу ўқ атрофида , маълум бурчакка айлантириш натижасида у юқорига кўтарилиди ва пастка туширилади. С.З лар билан 40-50 м гача бўлган оралиқларни беркитишда фойдаанилади(2.37,с-расм);

4)валикли (цилиндрик)- металлдан ясалган ичи бўш цилиндрлардан иборат. Затвор тишли оғма рейкалар бўйлаб ғилдиратиб кўтарилиди, ёки туширилади. Бу тишли рейкалар устун ёки девор (бичокларнинг) пазларига ўрнатилади. Цилиндрнинг иккала учига бандаж деб аталадиган тишли думалоқ ёй ўрнатилади. Кўтариб тушириш учун цилиндр учларига иккита занжир боғлаб қўйилади. Цилиндр учларига ўрнатилган занжирдан бири иш, иккинчиси эса сальт занжири хисобланади. Тишли рейкалар горизонтга 65-70⁰ бурчак остида ўрнатилади. Ц.З ни эни 50 м ва ундан катта баландлиги 13 м гача бўлган оралиқларни ёпишда ишлатилади(2.37,д-расм);


5)секторли, кўндаланг кесими сектор кўринишидаги затворлар. Уларнинг асосий қисми ўзаро паралелл жойлаштирилган яssi фермалардан иборат бўлиб, бу фермалар хар 1.5-3.0 м дан кейин ўрнатилади ва бир-бирлари билан ригеллар ёрдамида бирлаштирилади. Фермалар оралиғига эгри чизиқли ёрдамчи устунлар ўрнатилади. Ригель ва устунлар устки томонидан металл қобиқ билан қопланади. Тўғон танасида затворни тушириб қўйиш учун камера ишлатилади. Бу камерага сув киритиш ёки чиқариб юбориш йўли билан затвор- кўтариб туширилиб туради. Секторли затвор баландлиги 5 м гача эни 6.0 м гача бўлган оралиқларда ишлатилади (2.37, е- расм);

6) томсимон, иншоот остонасига махкамланган, горизонтал ук атрофида айланувчи иккита яssi табакадан ташкил топган (2.37, ж-расм);


7) клапанли, асосий яssi затвордан ва унинг тепа томонига шарнир ёрдами билан ўрнатилган пастки бъеф томонига бурилиб туша оладиган қўшимча затвордан иборат бўлади. Клапан билан затвоорнинг бирлашган еридан сув ўтиб кетмаслиги учун тегишли чоралар кўрилади. К.З нинг клапанларини тушириб қўйиш йўли билан уларни тўла кўтариш мумкин (2.37, к-расм).

8) сузувчи, оддий сузиб юрувчи кемага ўхшаган конструкцияли (пўлат ёки темир бетондан) сув тўсадиган пролетга сувда оқизиб олиб келинадиган затвор. Ичига сув тўлдирилгандан кейин у оғирлиги билан сувга чўқади ва худди яssi затворлар каби сувни тўсади. С.З лардан тинч турган сувларда таъмирлаш (ремонт) ёки вақтинчалик қурилиш затвори сифатида фойдаланилади (2.37, л- расм);

Чуқурда жойлашган затворлар.Бундай затворлар сув остидаги тешикларни беркитиш учун мўлжалланган.чукурда жойлашган затворларни турлари 2.38 - расмда кўрсатилган. Чуқур жойлашган затворларни конструктив белгиларига кўра қўйидаги турлари мавжуд: яssi (2.38,а-расм), дискли (2.38,б-расм), задвишкалар (2.38,в- расм), сегментли (2.38, г- расм), верикал цилиндрик (2.38, д-расм), учли нинасимон (2.38, е -расм), ва конусли (2.38, ж-расм).



2.37-расм. Юзада жойлашган асосий затвор турлари. а-шандорлар; б-ясси; с-сегментли; д- валикли; е- секторли; ж- томсимон; з- буруулувчи трапеция фермали; и-буруулувчи учбуручак рамали; к- клапанлы; л-сузиб юрувчи.



2.38 – расм. Чуқур жойлашган затвор турлари: а- ясси; б- диски; в – задвижка; г – сегментли; д – вертикаль цилиндрик; е – учили нинасимон; ж – конусли; 1 – конус; 2 – күзгалмас қисм; 3 – күзгалувчи цилиндр.

2.8. Гидротехника туннеллари

Ер қобиғида жойлашган, ёпиқ күндаланг кесимли, қазиш ишлари ер остида олиб бориладиган сув элтувчи иншоот *гидротехника туннели* деб аталади.

Канал трассаси жуда баланд ва тик тўсиқларга дуч келган вактда шу тўсиқни ёриб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлмаса ёки техник ҳамда иқтисодий шароитларга кўра афзал бўлмаса, у ерни тешишга, яна тоннел қуришга тўғри келади. Оқимнинг гидравлик режими бўйича гидротехника тоннеллари босимли ва босимсиз бўлади.

Гидротехника тонеллари вазифасига кўра: энергетик, ирригация ва яйловларга сув чиқариш, ичимлик суви билан таъминлаш, қурилиш тоннелларига бўлинади.


Ўқларнинг жойлашуви ва тоғ массасини ишлаб чиқаришга кўра гидротехника тонелларининг қуйидаги турлари мавжуд: 1) ўқлари горизонтал ёки бироз қия жойлашган асосий тоннеллар; 2) унча катта бўлмаган ёрдамчи тоннеллар-штолналар; 3) қисқа тоннеллар, йўлаклар, асосий тоннелга бориш ва иш қуролларини ташиш учун хизмат қиласиган тоннеллар-шреклар; 4) ўқлари тик ёки бироз оғма тоннеллар-шахталар.

Чуқурлик бўйича жойлашувига кўра тоннеллар *майдо* (100 м гача); *ўрта* (100-500 м) ва *чуқур* (500 м дан юқори) бўлади.

Узунлиги бўйича тоннеллар қисқа (1 км гача), ўрта (1-5 км) ва узун (5 км дан ортиқ) бўлади.

Тоннел тури ва конструкцияси мухандис-геологик, қурилиш, фойдаланиш, гидрогеологик ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Иňшоот қуриладиган ернинг геологияси, унинг трассасини танлашга, қурилиш иш шароити ва муддатига, тоннел қопламалари турини танлашга, унинг мустахкамлигига, иқтисодий жихатдан арzon ёки қиммат бўлишига таъсир қиласи. Тоннел трассаси тоғ жинсларининг юмшоқ қатламларидан ёки йирик тектоник бузилган зоналардан ўтмаслиги керак. Тоннел трассасида жойлашган тоғ жинсларининг тури, характеристи ва уларнинг холати, ер ости сувларининг интенсивлиги ва кимёвий таркиби, ер ости сувларининг харорати, зизила рўй бериш ходисаси ҳамда газ чиқиб, хавф туғдириш каби қатор масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. Тоннел трассаси тўғри чизик бўйлаб, энг қисқа масофада ўтиши керак (2.39 - расм).

Геологик тузилиши ва ишлаш шароити нокулай бўлган жойларда тоннел трассасини айлантириб ўтишга (қийшикроқ ўтказишга) тўғри келади. Тоннелни қийшикроқ ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳам техник-иқтисодий хисоблар асосида асосланган бўлиши шарт.



2.39-расм. Гидротехника туннеллари

Маълумки турли чуқурликда жойлашган жинслар ўз устидаги қатлам оғирлиги таъсирида доимо зўриқсан ҳолда бўлади. Тоннел ўтказилгандан кейин ундаги тоғ жинсларининг зўриқиши холати ўзгаради, яъни таъсир кучлари бошқача тақсимланади. Мана шу ўзгариш натижасида тоннел

қопламасига ҳам маълум босим тўғри келади. Тоғ жинсларининг ана шу босими тоғ босими деб аталади.

Тоғ босимининг ўзгариш қонунларини ўрганиш ва ҳисоб қила билиш тоннел қуриш амалиётида муҳим аҳамиятга эга.


Тоғ босими уч хил бўлади: 1) юқоридан пастга йўналган вертикаль босим; 2) горизонтга бурчак хосил қилиб йўналган кўндаланг босим; 3) тоннел ўқи бўйлаб йўналган бўйлама босим.

Юқоридан пастга йўналган вертикаль босимэнг катта қиймага эга бўлиб, тоннелнинг тепаси шу кучга ҳисоб қилинади. Тоннелнинг ён деворларини ҳисоблашда ён томондан таъсир қилувчи куч инобатга олинади.

проф. М.М. Протодаконов тоғ жинслари айрим парчалардан иборат деб фараз қилиб, тоғ босимини ҳисоблашда эластик жинслар назариясидан фойдаланишни тавсия қиласди.

Гидравлик режимга қўра тоннеллар босимли ва босимсиз бўлади. Агр тоннел кўндаланг кесими сувга тўлиб оқса, у-босимли, тўлмасдан оқса, босимсиз дейилади. Босимсиз тоннелларда сув чуқурлиги тоннел баландлигининг 0,85 қисмидан ортмаслиги шарт. Тоннелдаги сув сатҳи билан унинг тепаси орасидаги масофа 0,4 м кам бўлмаслиги керак. Тоннелда бажариладиган иш шароитлари тоннел баландлигининг 1,8 м ва энининг 1,5 м дан кам бўлмаслиги талаб қилинади. Босимсиз тоннелларда сувнинг тезлиги 1,5-2,5 м/с босимли тоннелларда эса 2-40 м/с қабул қилинади.

Босимсиз тоннел кўндаланг кесимлари 2.40 -расмда кўрсатилган.



2.40-расм. Босимсиз тоннел кўндаланг кесимлари:

a-тўғри бурчакли гумбазли; б-тўғри бурчакли радиал гумбазли; с- пастги томонга кенгаядиган; д-доиравий.

Тўғри бурчакли гумбазли тоннеллар мустахкам қоятош жинсларда қурилиб, унинг ўлчамлари унча катта бўлмайди. Уларнинг ички қопламасига тоғ босими катта таъсир қилмайди (2.40,а - расм).

Тўғри бурчакли радиал гумбазли тоннелларга унча катта бўлмаган тоғ босими таъсир қиласди, ички қопламага эса ён томондан тоғ босими таъсир қилмайди (2.40,б-расм).

Пастги томонга кенгайган тоннеллар ички қопламасига катта тоғ босими ва ён томондан унча катта бўлмаган тоғ босими таъсир қиласди. (2.40,с-расм).

Тоннеллар ички томондан мустахкамланиши зарур. Фақат тоннел барқарор ва сув ўтказмайдиган жинслардан ўтган вақтлардагина, у ички

томондан мустахкамланмайди. Одатда, ички қоплама тош, бетон ва темир-бетондан қилинади. Ундаги сувнинг босими, грунт таркиби ва мавжуд иш қуролларига қараб тоннелнинг ички юқорида айтилган материалларнинг бири билан қопланганида қоплама усти сement билан сувалади. Ўртача мустахкамлиқдаги грунтлардан ўтган тоннелнинг ички деворлари бетон билан мустахкамланади. Бундай вақтларда қушимча равишда бетонда маҳсус қурилган тешиклар орқали, бетон билан тоғ жинсини яхши бирлаштириш мақсадида сement эритмаси инексия қилинади, бетон устидан яна юқори сифатли сement билан сувалади. Тоннелнинг ички қисимлари ишланаётган вақтда ундан сув ўтиб кетмаслигига алоҳида аҳамият бериш зарур. Тоннелнинг сув ўтказмаслик қобилиятини ошириш учун у маҳсус таркибдаги қоришмалар билан торкret қилиб сувалади.

Босимли тоннеллар, асосан, доиравий кўндаланг кесимли қилиб лойиҳаланади. Тоғ жинсларининг мустахкамлигига кўра, босимли тоннеллар мустахкамловчи (юқ тушмайдиган) ва юқ кўтарувчи қопламаларга бўлинади.

Босимли тоннел кўндаланг кесимининг периметри бўйлаб мустахкамловчи (юқ тушмайдиган) қоплама худди босимсиз тоннеллардагидек бажарилади. Юқ кўтармайдиган қопламалар қалинлиги ҳисоб қилинмасдан қабул қилинади. Бу қопламалар учун бетон, сепилган бетон, торкret материаллар ишлатилади.

Босимли тоннеллар юқ кўтарувчи қопламалари бир қатламли, икки қатламли, баъзи бир ҳолларда уч қатламли қабул қилинади.

Бир қатламли юқ кўтарувчи қопламалар учун бетон, сепилган бетон, темир-бетон ва торкret материаллари ишлатилади. Бир қатламли монолит бетонли қопламалар (2.41, а - расм) сув ичи босими 60 м гача, тоғ жинсларидаги босими унча катта бўлмагандан қўлланилади.

Ички қоплама қалинлиги ҳисоблар асосида қабул қилинади. Бир қатламли монолит темир-бетон ички қопламалар катта тоғ босимли юмшоқ грунтларда ва ички сув босими 30 м дан катта бўлганда қўлланилади. Бундай қопламалар қалинлиги бетон қопламаларга нисбатан кам. Уларнинг қалинлиги бетонни чўзилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблар асосида қабул қилинади. Бетон ва темир-бетон қопламалари сув ўтказмаслигини ошириш мақсадида уларнинг ички юзи металл тўр торкret билан сувалади. Йиғма бир қатламли қопламалар учун тайёр алоҳида элементлардан фойдаланилади. Йиғма элементлар бетон, темир-бетон ва баъзи бир ҳолларда металлдан тайёрланади.

Юқ кўтарувчи икки қатламли қопламалар сув босими юқори бўлганда қўлланилади. Улар бир-бирига бирлашган икки ташқи ва ички ҳалқалардан ташкил топади (2.41,в-расм). Ташқи ҳалқа қурилиш даврида ташқи босимни – тоғ босимини ўзига қабул қиласи. У монолит бетондан барпо этилади. Ташқи ҳалқага бир томонлама тоғ босими таъсир қиласа ва ички сув босими 100м дан ортиқ бўлса, уни монолит темир-бетондан, ички ҳалқа темир-бетондан тайёрланади.тоннеллар юмшоқ жинслардан ўтганда ва ички босим 100 м дан ортиқ бўлганда, ички қоплама пўлат лист билан қопланади.

Босимли тоннелларнинг ички босими 50 м дан ортиқ бўлса, олдиндан кучайтирилган қопламалар қўлланилади, бунда матариаллар тежалади ва ишлаш муддати камаяди. Босимли тоннеллар олдиндан кучайтирилган қопламаларини барпо этиш учта усул билан олиб борилади.

Биринчи усулда қопламаларни олдиндан сиқиш қалинлиги 3-5 см ли доиравий тирқишидан катта босим остида қоришма юборилади. Бу усул йиғма ва монолит қопламаларда қўлланилади (2.41, с,д - расм).

Иккинчи усул қопламаларни механик сиқишга асосланган. Сиқувчи кучланишлар пўлат арматуранинг чўзишишига олиб келади.

Ҳалқасимон звеноли кўринишдаги олдиндан кучайтирилган қоплама заводда тайёрланади. Сўнгра транспорт воситаларига юкланиб, қурилиш жойига олиб келинади ва ўрнатилади. Қоплама арматуралаш схемаси 2.41,е – расмда кўрсатилган.

Учинчи усулда олдиндан кучайтирилган қопламалар ҳосил қилишда камар(бандаж) қўлланилади. У бетон ҳалқанинг ташқи сиртида жойлаштирилади. Бондажни чўзишда тоннелда бетон қоплама ўрнатилгандан кейин бажарилади.


Қопламаларни монолит ҳолда келтириш учун ундан бўшлиқларга ва тирқишларга катта босим остида сement эритмаси юборилади. Семент эритмаси қоплама қурилиш даврида қолдирилган қудуклар ва қувурлар орқали юборилади.

Тоннелнинг кириш ва чиқиши қисмлари портал деб аталади. Тоннел ичидағи пардозлаш қатлами унинг охирига келиб порталга айланиб кетади. Порталнинг вазифаси сувнинг аста секин тоннелга кириб келиши ва ундан чиқиб, пастки биефдаги канал билан туташишни таъминлашдан иборатdir.

Портал девори тоғ жинслари таяниб турадиган девор вазифасини ҳам бажаради. Портал девори фақатгина ён томондан таъсир қиладиган тоғ босимиға қаршилик кўрсатиши керак. Бунинг учун портал девори шу кучнинг таъсирига ҳам ҳисоб қилиниши зарур.

Портал девори каналга маҳсус шўнғувчи девор билан туташади. Порталнинг вазифаси сувнинг аста – секин тоннелга кириб келиши ва ундан ва ундан чиқиб пастки биефдаги сув элтувчи билан туташишини таъминлашдан, ортиқча энергияни сўндиришдан иборат. Портал девори тоғ жинслари таяниб турадиган девор вазифасини ҳам бажаради. Портал одотда, портал девори, туташтирувчи девор ва пастки плитадан ташкил топади. портал девори сув элтувчига туташтирувчи (шўнғувчи) девор билан бирлаштирилади. Ана шу участканинг пастки томонига ўрнатиладиган сўндиргичлар ёрдамида тоннелдан катта тезлик билан оқиб чиқсан сув энергияси сўндирилади.

Баъзи ҳолларда тоннелга келадиган сув сарфини бошқариш мақсадида кириш порталаида затворлар ўрнатилади.



2.41- расм. Босимли тоннеллар ички қопламалари.

а-бир қатламлы; б-икки қатламлы; с-олдиндан кучайтирилган үйгема блокли; д- олдиндан кучатирилган монолит қоплама; е- олдиндан кучайтирилган заводда тайёрланған ҳалқали звено; 1-юқ күттармайдык қатлам; 2-қоришима юбориладык доиравий тирқыш; 3-үйгема ички қоплама; 4-монолит ички қоплама; 5-олдиндан кучайтирилған арматура звеноси.

2.9. Каналлар ва улардаги гидротехника иншоотлари

2.9.1. Каналлар

Каналларнинг вазифаси. Бир жойдан иккинчи жойга сув ўтказиш вазифасини бажарадык түғри кесимли очиқ сув ўзанлар канал деб аталади.

Вазифаси бўйича каналлар энергетик, кема ўтказувчи, ичимлик сувини ўтказувчи, суғориш, зах қочириш, яйловларга сув етказувчи, ёғоч оқизувчи ва комплекс вазифаларини бажаришга мўлжалланган турларга бўлинади.

Энергетик каналлар сув омборлари ёки дарёдан гидроэлектростанцияга сув етказиш вазифасини бажаради. Энергия йўқотилишини камайтириш мақсадида улар кўпинча анча кичик нишаблик билан лойихаланади. Уларнинг узунлиги, одатда 20-25км дан, сув ўтказиш сарфи эса $2000\text{m}^3/\text{s}$ дан ортмайди.

Кема ўтказувчи каналлар. Сув транспорти тизимлари такибига кира-диган кема ўтказувчан каналларнинг шакли ва кўндаланг кесим ўлчамлари ўтказиладиган кемаларнинг ўлчамларига ҳамда улар учун рухсат этиладиган оқим тезлигига боғлиқ равишда қабул қилинади.

Ичимлик сувини ўтказувчи каналлар. Йирикроқ аҳоли масканлари ва саноат корхоналарига сув етказиб бериш учун хизмат қиласади. Улар юқори

ишончлиликка эга бўлиши ва йил давомида узлуксиз ишлай олиш имкониятини таъминлай олиши лозим.

Суғориш каналлари. Суғориш тизимларига сув келтириш учун мўлжалланади. Уларнинг жойлашуви ва сатҳ белгилари майдонларга кафолатланган сув етказиш имкониятини таъминлаш лозим.

Зах қочириш каналлари. Ботқоқликларни қуритиш, суғориш майдонларини иккиламчи шўрланишдан сақлаш ва дренаж сувларини чиқариб юбориш учун хизмат қиласди. Улар рельфнинг паст жойларидан ўтказилади.

Яйловларга сув чиқарувчи каналлар. Сув билан таъминланмаган ёки кам таъминланган қишлоқ хўжалиги, жумладан чорвачиликка ихтисослашган ҳудудларга сув етказиш учун барпо этилади.

Балиқ ўтказувчи каналлар. Балиқлар уруғ қўядиган хавфзаларга сув келтириш ва балиқларни гидротехника иншоотларига киритмасдан ўтказиб юбориш учун хизмат қиласди.

Ёғоч оқизувчи каналлар. Ёғочни қайта ишлаш ҳудудларига етказиб бериш учун мўлжалланади.

Комплекс каналлар. Бир вақтнинг ўзида турли вазифаларни бажаради ва улар табиий захиралардан комплекс фойдаланиш учун қўлланилади.

Сув ўтказиб бериш усулига кўра каналлар ўзи оқар ва машинали (сув манбасидан сув насослар ёрдамида каналга етказилади) турларга бўлинади.

Каналларнинг кўндаланг кесимлари. Каналларнинг кесимлари тўғри бурчакли, трапеция, полигонал, параболик шаклларда лойиҳаланади (2-42 расм). Каналларнинг кўндаланг кесимлари уларнинг вазифасига, қурилиш усулига, муҳандис-геологик ва трассаси бўйича топографик шароитларга ҳамда ишлаш режими, сув ўтказиш қобилияти қоплама билан қопланганлигига боғлиқ равишда, каналнинг сув ўтказиш қобилияти, қабул қилинган хисобий тезлик асосида, каналнинг минимал тезлиги лойқа йиғилмаслик шарти бўйича қабул қилинади. Энг катта тезлик қопламасиз каналлар учун фойдаланиш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ювилиб кетиши тезлигидан катта бўлиб кетмаслиги керак.

Бош суғориш каналларида катта тезликлар суғориш майдонларига сув ўз оқими билан ўтказишини камайтиради, энергетик каналларда энергия йўқолишига олиб келади. Кема ўтказувчи каналлар оқим тезлиги кема қатновига қаршилик қилмаслиги керак.

Ҳар-хил геологик ва топографик шароитларда канал трассаси бўйича ва унинг баъзи бир участкаларида ҳар-хил кўндаланг кесимлар қабул қилинади.

Қоямас грунтларда канал кўпинча трапетциодал ва полигонал кесимли ярим қазилма-ярим кўтарма кесимда ўтказилади (2.42, а, б - расм) Баъзи бир ҳолларда ишлаб чиқариш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда параболик кесимга яқин қилиб қабул қилинади (2.42, в - расм). Бу ҳолда дамба баландлигини камайтириш учун канал кенгроқ ва чуқурлиги камроқ қилиб лойиҳаланади.

Тұлиқ қазилмада ўтган канал участкаларига (2.42, г - расм) ҳар 5-8м дан кейин баландлиги бүйича кенглиги 1м дан кам бўлмаган бермалар ўтказилади. Одатда, ишлаб чиқаришдан келиб чиқсан ҳолда берма кенглиги 3м гача қабул қилинади.

Баъзи бир ҳолларда каналлар тұлиқ қўттармада лойиҳаланади (2.42,д - расм). Бу ҳолда йиғилган тошқин сувларини ўтказиб юбориш учун қувурлар ўрнатишга тўғри келади.

Берма ёки дамба юқориси каналдаги максимал сув сатҳидан 0,2-2м баланд қилиб лойиҳаланади. Дамба юқорисининг кенглиги 4м гача қабул қилинади. Каналнинг иккинчи томонидан кенглиги 7м дан кам бўлмаган инспекторлик йўли лойиҳаланади. Чукурлиги 5м дан юқори бўлган каналларнинг қияликлари устуворликка текширилади. Канал бўйича резервлар жойи дамба ташқи қиялиги устуворлигини таъминлаш асосида танланади.

Қия тоғ ёнбағирлари участкаларида жойлашаган каналларда тупроқ ишлари ҳажмини камайтириш учун, одатда, уларда дамба барпо этилган ярим қазилма-ярим қўттармали трапетциодал қилиб кесимли қабул қилинади (2.42,ж - расм). Тик ёнбағирларда, одатда, каналнинг бир томонидан бетон девор ўрнатилади (2.42,з - расм).

Қояли ва ярим қояли жинсларда канал қияликларига етарлича тиклик берилади (2.42, и -расм), баъзи бир ҳолатларда улар вертикал қилиб лойиҳаланади. Қояли жинслардаги ёнбағирли қияликлар қиймати уларнинг мустахкамлигига, ёриқлар борлигига боғлиқ $m=1-0,25$ қабул қилинади.

2.9.2 Каналлардаги сув ўтказувчи иншоотлар

Сув ўтказувчи иншоотларнинг вазифаси ва турлари.


Истеъмолчига сув етказиб берувчи каналлар ва уларнинг трассаси бўйича учрайдиган табиий ва сунъий тўсиқлар билан кесишган жойларда куриладиган иншоотлар сув ўтказувчи иншоотлар деб аталади.

Канал трассаси бўйича учрайдиган табиий тўсиқларга сойлар, жарликлар, дарёлар, ариқлар, ҳар хил маҳаллий тепаликлар, адирлар, тоғлар кабилар киради. Сунъий тўсиқларга йўл, темирийўл, темирийўл қўттармалари, бошқа йўналишдаги каналлар ҳамда канал билан бир ёки ҳар хил текисликда жойлашган турли хил муҳандислик иншоотлари мисол бўла олади.

Гидромелиоратив тизимларда барпо этиладиган сув ўтказувчи иншоотлар қаторига акведуклар, дукерлар, тунеллар, каналлардаги ва уларнинг тагида жойлашган қувурлар, қия тоғ ёнбағирларида жойлашган каналларни санаб ўтиш мумкин.

Дукерлар, уларнинг қўлланилиши ва конструктив хусусиятлари.

Гидро- техника иншоотлари ёрдамида канални сойлар, жарликлар, дарёлар, йўллар, каналлар ва бошқа тўсиқлардан ўтказишида дукерлар курилади. Каналларда барпо этиладиган босимли қувур кўринишидаги тўсиқлардан сув ўтказувчи иншоот дукер деб аталади. Дукерларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларнинг қувурлари канал тубидан пастда жойлашганлиги сабабли, уларда ҳар доим сув оқими босимли режимда бўлади.



2.42-расм. Каналларнинг қўндаланг кесимлари:

а-ярим қазилма – ярим кўтартмали трапетсиодал; б-полигонал; в-параболик; г-чукур қазилми; д-кўтартми; е-йўл ва резерв жойлаутирилган; ж-қия тоз ёнбагирли; з-тик ёнбагирларда; и- қояли грунтларда; 1-кўтрма; 2-берма; 3-қоплама чегараси; 4-дараҳт экилган резерв; 5-сув олиб кетувчи ариқ; б-инспекторлик йўли.

Дукерларни ер сатҳи юзига нисбатан икки хил турда жойлаштириш мумкин: 1-ёпик, канал, йўл, дарё ва ҳоказолар тагида жойлашган (2-43, а, б расм); 2-очик, қия ёнбагирларида ҳамда унча кенг бўлмаган ва чуқур сойликлар ер сатҳи юзида жойлашган (2-43, в расм). Конструктив хусусиятлари бўйича дукерлар ёпик кудуқли (шахтали) (2-43, а расм), ёпик эгри чизиқли (2-43, б расм) ва очик эгри чизиқли бўлади (2-43, в расм).

Дукерлар йиғма ва монолит темир-бетондан, пўлатдан, баъзи бир ҳолларда пластмасса ва асбет-цемент қувурлардан қурилади. Қувурларни тайёрлашда қайси материални ишлатиш ундаги ички босимга боғлиқ. Бетон дукерлар босим 30-50м бўлганда, темир-бетон (олдиндан кучайтирилган темир-бетон) эса босим 100м гача бўлганда қўлланилади. Пўлат дукерларда босим чегараланмайди, лекин улар қиммат ва уларнинг қўлланилиши асосланган бўлиши керак.


Дукер қуйидаги асосий конструктив элементлардан ташкил топган: кириш каллаги, босимли қувурлар, анкерлар ва оралиқ таянчлар; чиқиш каллаги; каналлар билан бирлаштирувчи участкалар. Дукернинг қўшимча

қисмларига кириш каллагидаги панжара, затворлар, хизмат күприкleri, дукерлар сувни бўшатувчи задвижкали сув чиқариш қурилмаси киради (2-44 расм).


Маҳаллий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ва дукерлардан ўтадиган сув сарфига кўра, юқорида келтирилган таркибий қисмдаги конструктив элементларнинг баъзи бирлари бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир кўзли дукерларда затвор бўлмайди, унча сув сарфи катта бўлмаган канал дукерида анкерли таянчлар ўрнатилмайди.

Каналнинг сув сарфига кўра, дукерлар бир кўзли ёки кўп кўзли бўлиши мумкин. Кўп кўзли дукерлар узлуксиз ишлайдиган каналларда ҳам қурилади. Чунки дукерлар кўп кўзли бўлганида, уларни таъмирлашга имкон туғилади. Гидромелиоратив тизимлардаги дукер қурилишида доиравий ва тўғри бурчакли кесимли қувурлар ишлатилади.

Дукерлар ҳар қандай ҳисобий сув сарфини ўтказиш мумкин, лекин уларнинг кўндаланг кесим юзалари катта сув миқдорларида чегараланиб қолади. Шунинг учун бундай катта сув миқдорини ўтказиш учун кўп кўзли дукерлар қабул қилинади. Дукердаги тезлик 1,5-4м/с атрофида тайинланади. Бу ерда пастки чегара дукер қувурининг лойқа бўлиб қолмаслик асосида ва шу билан бирга бу тезлик каналдаги тезликдан кичик бўлмаслиги керак. Тезликнинг юқори чегараси дукердаги босимнинг йўқолиши билан боғлиқдир. Дукердаги тезликнинг ортиши қувурнинг кесим юзини камайтиришга ва бу ўз навбатида ҳаракатларни камайтиришга олиб келади. Лекин босим йўқолиши тезликнинг квадратига тўғри пропорционал равища ортиб боради. Натижада, дукердан кейинги канални чуқур қазилмада лойихалашга тўғри келади.



2.43 –расм. Дюкерларнинг асосий конструктив схемалари:
a-ёниқ қудуқли; б-ёниқ эрги чизиқли; в-очиқ сой билан кесишган жойда ўрнатилган.



2.44 расм. Канал тағидан ўтказилған дюкер конструкцияси:


а-бүйлама қырқым; б, в, г-доиравий құвурлар; д, е-мос равишида бир ва күп күзли құвурлар; 1-кириши қисми; 2-кириши каллаги; 3-босимли құвур; 4-анкерли таянч; 5-панжара; 6-затвор; 7-хизмат күприги.

Акведуклар, уларнинг қўлланилиши ва конструктив хусусиятлари. Паст рельефли жойлардан, пастликдаги табиий (сойлар, жарликлар, дарёлар) ёки сунъий (каналлар, йўллар) тўсиқлардан нов ёки қувурли кўприк қўринишидаги сув ўтказувчи иншоотлар *акведуклар* деб аталади.

Акведуклар темир-бетон, ёғоч ва металлдан қурилади. Ёғоч акведуклар-нинг ишлаш муддати қисқа бўлганлиги учун улар фақат паст синфли ёки вақтинчалик иншоотларда ишлатилади.

Тўсиқларнинг хилма-хиллиги акведукларнинг бир қанча турларидан фойдаланишни тақозо этади. 2.45- расмда амалда фойдаланилаётган акведукларнинг бир неча тури кўрсатилган.

Аркали конструкцияли акведуклар жуда тор ва чуқур мустаҳкам қоя асосли жойларда қурилади. Бунда нов арканинг устида жойлаштирилади (2.45,а-расм). Канал билан канал кесишган жойларда ва унча чуқур бўлмаган пастликлар устидан юмшоқ грунтли заминларда ҳам аркали конструкцияли акведуклардан фойдаланилади (2.45,б-расм). Аркали-осмали, аркали акведукларни дарё ва кема ўтказувчи каналлар устидан ўтказиш мақсадга



2.45-расм. Акведук турлари:

а-қоя асослы аркалы; б-юмшоқ грунтлардаги аркалы; в-аркалы осмали; г-чукүр пастликлардан ўтувчибалкалы; д-чукүр пастликлардан ўтувчи рамалы.


мувофиқдир (2.45,в-расм). Балкалы ва рамали конструкциялы акведуклар жуда кенг ва чукүр пастликлардан ўтишда ишлатилади (2.45, г,д-расм).

Акведуклар ва канал участкаларининг унга туташ жойларидаги узунлиги, канал туби кенглигининг беш баробарига тенг қилиб олинади, улар тўғри чизик бўйича жойлаштирилади. Агар жойнинг топографик шароитига кўра, акведукни тўғри чизик бўйича жойлаштириб бўлмаса, унда уни планда эги чизик бўйича жойлаштирилади. Акведук оралиқ қурилмаларининг энг пастки қисми канал, дарёдаги максимал сув сатҳи юзидан 0,5м баландликда ўрнатилиши керак.

Акведуклар кириш, нов ва чиқиш қурилмаларидан иборат(2.46 -расм). Канал билан акведук нови кириш ва чиқишдаги туташтирувчи участкалар ёрдамида бирлаштирилади. Улар конструкцияси жиҳатдан кенгаядиган девор кўринишида бўлади. Кириш қисмининг бошида ва чиқиш қисмининг охирида каналдан пастликка томон сув сингиб кетмаслиги учун тиш ёки шпунтли девор ўрнатилади, иншоотнинг чиқиш қисмининг канал билан туташган жойида тош териб мустаҳкамланади.

Нов кўндаланг кесими тўғри бурчакли, трапеция, параболик ва ярим доиравий бўлиши мумкин. Нов баландлиги гидравлик ҳисоблаш йўли билан аникланади. Ён деворлар қалинлиги 0,2-0,3м чамасида қабул қилинади.

Нов тубининг қалинлиги девор қалинлигига тенг қилиб қабул қилинади. Нов кенглиги 3-4м оралиғида, зарур бўлган ҳолларда эса акведук



2.46 – расм. Акведук конструкцияси:
1-кириши; 2-нов; 3-чиқиши; 4-таянчлар.

кўп кўзли қабул қилинади. Новнинг тепа қисмидаги мустаҳкамлигини ошириш мақсадида кўндаланг қилиб ҳар 3-4м дан кейин тўсинилар ўрнатилади. Новдаги сув оқими тезлиги каналдаги тезликдан катта бўлади ва одатда 1,5-2,5м/с ни ташкил этади. Сувнинг кичик тезликларида нишабликни оширишга тўғри келади ва бу ўз навбатида акведук чиқиш жойида ортиқча энергия ҳосил бўлишига олиб келади.

Назорат саволлари

1. Юзада жойлашган затворлар турлаини айтиб беринг?
2. Чукурда жойлашган затворлар турлаини айтиб беринг?
3. Гидротехника тоннеллари ва уларнинг таснифини келтиринг.
4. Гидротехника тоннеллари турлари, вазифаси нимадан иборат?
5. Гидротехника тоннелларига кўйиладиган талабларни айтинг.
6. Босимли ва босимсиз тоннеллар, уларнинг кўндаланг кесимлари нима?
7. Қандай иншоотларга сув ўтказувчи иншоотлар деб айтилади?
8. Сув ўтказувчи иншоотларнинг вазифаси ва турларини айтиб беринг.
9. Дукерлар, уларнинг қўлланилиши ва конструктив хусусиятларини айтиб беринг.
10. Дукерларнинг асосий конструктив схемаларини келтиринг.
11. Акведук турлари ва конструкциясини айтиб беринг.

2.10. Дарёдан сув олиш иншоотлари

2.10.1. Сув олиш иншоотлари ҳақида умумий маълумотлар

Сув олиш иншоотларини қўлланиш шартлари ва таснифи.

Хўжалик ва ичимлик мақсадларда фойдаланиладиган сув манбалари хилмадилдири, буларга дарёлар, дарёлардаги ва сойлардаги сув омборлари, кўллар, ҳовузлар ва бошқалар киради. Ҳар бир манбадан сув олинганда сув оловчи иншоот қурилма ёки мослама билан жиҳозланади ва у сувни сув ўтказувчи иншоотга ёки бевосита истеъмолчига узатади.

Сув олиш гидроузелларининг таснифи. Паст босимли сув олиш гидроузелларни бир нечта асосий белгиларга кўра таснифга бўлиш мумкин: *сув олиши манбаининг турига кўра-дарё, кўл, денгиз, сизот сувлари; сув олиши иншоотдан сувни транспорглаш шароитига кўра-ўзи оқар ва сувнинг механикавий кўтариш (насослар орқали); дарё ўзанига нисбатан жойлашуви бўйича-ўзанда ва қирғоқда; чўкиндиларга қарши курашишида қўлланиладиган воситалар тури бўйича –юувчи йўлак билан, юувчи галереялар билан, шағал ушловчи билан, икки қаватли, оралиқ ва ён деворлардаги тирқишилар, новлар ва шу кабилар билан.*

Бир ва икки томонга сув олиш. Сув истеъмолчилари қирғоқнинг у ёки бу қирғоғида жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун тўғонли гидроузеллардан бир томонга ва икки томонга сув олиш мўлжалланади. Икки томонга сув ўтказишни мустақил икки томонга жойлашган сув олиш иншооти ёрдамида амалга ошириш мумкин, улардан ҳар бири сувни фақат бир қирғоқка узатади. Ўз навбатида сувни икки томонга ўтказишни бир томонга сув олиш орқали амалга ошириш ҳам мумкин. Бу ҳолда сув сарфининг бир қисми сув ташлаш тўғонида қурилган дюкер ёрдамида амалга ошириш мумкин.

2.10. 2. Сув олиш иншооти турини танлаш

Сув олиш иншооти тури маҳаллий шароитларнинг белгиларига кўра танланади, уларга қуийдагилар киради:

- 1) дарёдан фойдаланиш планининг қабул қилинган бош схемаси;
- 2) дарёдан келадиган сувнинг умумий миқдори, олинадиган сувнинг сарфи ва сувнинг сифатига қўйиладиган талаблар;
- 3) дарёning гидрогеологик ва ўзанинг ўзгариш тартиби, ҳамда улар билан боғлиқ бўлган чўкинди, муз-шовуш ва ҳоказоларга қарши кўриладиган чора-тадбирлар;
- 4) сув олинадиган жойдаги дарё участкасининг характеристи (баланд тоғли, тоғли, тоғолди, водий ва дельта участкалар).
- 5) иншоот қуриш мўлжалланган жойнинг гидрологик ва гидрогеологик шароитлари;
- 6) иншоотларни ишлатиш ва бошқа маҳаллий олимларни назарга олиб белгиланади.

Сув манбаларининг табиий режимини сувдан фойдаланиш плани билан боғлаш катта аҳамиятга эга, чунки дарёнинг сув режими билан сувдан фойдаланиш планида кўрсатилган сув сарфи вақт бўйича турлича ўзгариб туради. Агар йилнинг бирор мавсумида дарёдаги сув сарфи ва унинг сув сатҳи, иншоотга олинадиган сув сарфи ва сув сатҳидан ортиқ бўлса, дарёдан сувни тўғонсиз олиш мумкин.

Агар дарёдаги сув сатҳи бош каналга сув олишни таъминласа ҳамда топографик, гидрогеологик ва геологик шарт-шароитлари қулай бўлиб, дарёдан олинадиган сув сарфи ундаги мавжуд сув сарфидан ортиқ бўлса, тўғонсиз ён томонга сув олишга йўл қўйилади. Тўғонсиз фронтал сув олиш (шпорали) сув олиш коэффициенти катта (0,2 ва ундан юқори) бўлган ҳолларда, ҳамда дарёдаги сув сатҳи билан бош каналнинг бош қисмидаги сув сатҳи айрмаси фарқи етарли бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Тўғонсиз сув олинганда, албатта, бош иншоот қурилиши шарт. Дарёдаги сув истеъмолчи учун етарли бўлиб, унинг сув сатҳи бош каналдаги сув сатҳидан паст бўлса тўғонли сув олиш иншоотлар қўлланилади.

Сувни тўғонсиз олишга нисбатан тўғон ёрдамида сув олиш ишончлироқ бўлади, ҳамда у қўйидаги имкониятларни яратади:

1) сувдан фойдаланувчиларни турли шароитларда сув билан узлуксиз таъминлаб туришга имкон беради, ҳамда дарёдан сув олиш коэффициентини оширади;

2) атрофдаги суғориладиган ерларга нисбатан сув сатҳини анча юқорига кўтаради ва шу билан бирга бош каналнинг салт қисмини қисқартиради;

3) бош каналга туб чўкинди, шовуш ва музларнинг киришига қарши кўрилладиган тадбирларни ишончли равишда амалга ошириш учун замин яратиб беради;

4) дарёнинг бир жойидан икки томонга сув олишга имкон беради.

Чўкиндиларга бой дарёлардан тўғон ёрдамида сув олинганида туб чўкиндиларга қарши курашиш тадбирларига эътибор берилади. Тўғон олдида сувнинг тезлиги кичик бўлгани учун у ерда йирик чўкиндилар чўқади ва улар маҳсус иншоотлар орқали даврий ёки тўхтовсиз равишда пастки бъефга ўтказиб юборилади. Шу муносабат билан сув олиш иншоотларининг турли схемалари ҳамда бош иншоотнинг турли – хил конструкциялари вужудга келади. Бу схема ва конструкциялар бир-биридан чўкиндиларга қарши усуллари ва чўкиндиларни тутиб қоладиган иншоотларнинг конструкциялари билан фарқ қиласди.

Сув олиш иншоотини якуний танлаш, берилган табиий шароитдаги қурилишга мос равишда иншоотларни ишлатиш шароитини, ишлаб чиқариш усуллари ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришни эътиборга олган ҳолда, вариантларни техник-иқтисодий йўли билан таққослаш асосида бажарилади.

2.10.3 Түғонсиз сув олиш


Түғонсиз сув олиш иншоотларининг умумий ишлаш шароитлари.

Умумий маълумотлар. Түғонсиз сув олиш иншооти деб шундай сув олиш гидроузелига айтиладики, бунда дарёдан сувни технологик олиш жараёни табиий сатҳларда амалга оширилади. Бундай сув олиш сувни каналга ўзи оқар ва машиналар(насослар) ёрдамида кўтариш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бош каналга ўтадиган сув оқимини бошқариш шакли бўйича түғонсиз сув олиш иншоотлари *бошқарилмайдиган* ва *бошқариладиган* турларга бўлинади. Бошқарилмайдиган сув олишда бош каналдаги сув сатҳи дарёдаги сув сатҳи ўзгаришига боғлик равишда ўзгаради. Дарёning минимал сув сатҳларида ҳам каналга хисобий сарф ўтиши лозим.

Бошқариладиган сув олишда шлюз-ростлагичлар қўлланилади, улар ёрдамида дарёдаги сув сатҳи ўзгаришидан қатъий назар бош каналга сув сув истеъмоли графиги асосида ўзатилади.

Түғонсиз сув олишнинг асосий турлари. Түғонсиз сув олиш турлари қурилиш ва эксплуатация тажрибалари асосида ишлаб чиқилган схемалар бўйича қабул қилинади. Түғонсиз сув олишнинг асосий турларига кўйидагилар киради: бир каллакли бошқарилмайдиган; кўп каллакли бошқарилмайдиган; бир каллакли бошқариладиган ва кўп каллакли марказлашган бошқарувли, шпорали (2,47-расм.).



2,47 – расм. Түғонсиз сув олиш турлари.

a- бир каллакли бошқарилмайдиган; *b*- кўп каллакли бошқарилмайдиган; *c*-каналнинг бош қисмида жойлашган бир каллакли бошқарилмайдиган; *d*- канал бош қисмидан бир-оз узоқликда жойлашган бир каллакли бошқариладиган; *e*- канал бош қисмидан бир-оз узоқликда жойлашган кўп каллакли бошқариладиган; *f*- кўп каллакли марказлашган бошқарувли; *ж* – шпорали; 1-дарё; 2- бош канал; 3 – ирригация тиндиригичлари сифатида фойдаланиладиган каналлар; 4- шлюз-ростлагичлар; 5-ювувчи канал; 6-ипора; 7-чўкиндиларни ювувчи тирқиши.

2.10.4. Дарёдан түғонли сув олиш гидроузеллари

Умумий маълумотлар ва қўлланиш шартлари. Дарёдаги табиий сув сатҳлари истеъмолчиларга ўзи оқар сув сарфини узатиш учун етарли бўлмаган вақтларда түғонли сув олиш гидроузеллари қўлланилади. Сув олиш


гидроузелларидаги түғон дарёдаги сув оқимини тұсиб, юқори бъефдаги сув сатхини күтәради. Сув димлаш түғонлари сув сатхини ў қадар баланд күтартмасдан дарёдан кафолатланган сув олиш, суғориш шахобчаларига заарали чўкиндиларни ўтказмаслик, сув энергиясидан фойдаланиш, сув транспорти қатновини яхшилаш ҳамда суғориш далаларини сув билан таъминлаш учун қурилади.

Түғонли сув олиш қуйидаги ҳолларда қўлланилади: 1) ўзи оқар бош канал салт узунлигини қисқартириш иқтисодий жиҳатдан афзал бўлса; 2) сув олиш коэффициенти катта бўлганда иккала қирғоқдан икки томонга сув олишда; 3) бир томонга сув олишдан, масалан, кема қатнайдиган дарёлардан маълум миқдорда сув олинганда гидроузел ҳудудида кема қатновини ёмонлаштирганда; 4) гидроузел жойлашган ердан юқорида муз парчалари ҳосил бўлишига ва оқим лойқалигини қўпайишига сабаб бўладиган дарёning тез оқадиган жойлари, бусағалар мавжуд бўлганда. Түғонли сув олиш гидроузелини қуриш олинадиган сув сифатини анча яхшилайди.

Ирригация, яйловларга сув чиқариш ва деривация гидроэлектростанциялари учун мўлжалланган сув олиш гидроузеллари таркибиға сув олиш билан бир қаторда қуйидаги иншоотлар киради: 1) сув ташлаш түғони; 2) маҳаллий материаллардан барпо этиладиган устидан сув ўтказмайдиган түғон; 3) сув оқимини иншоотга йўналтирувчи дамбалар ёки ҳар хил йўналтирувчи иншоотлар; 4) бош сув оловчи иншоот; 5) лойқа юувучи қурилмалар; 6) хизмат қўрсатиш қўприклари ва тиндиргичлар.

Сув ташловчи түғонлар паст босимли қилиб бажарилади ва уларнинг сув қўйилиш фронти ўлчамлари оқимни йўналтирувчи дамбалар билан чеграланган турғун ўзан билан мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Бу ўзанни жойини ўзгартиришини олдини олиш ва түғон олдида оролчаларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймайди, ҳамда ундан максимал сув сарфларини ўтказишни таъминлайди.

Ён томонга сув олиш. Каналга ён томондан сув олишда сув оловчи иншоот сифтида очик ёки диафрагмали иншоотлар қўлланилади. Сув оловчи иншоотнинг ўқи гидроузелга келадиган асосий оқим ўқига түғри ёки ўтмас бурчак остида жойлаштирилади ($2,48$ -расм). Ён томонга сув олишда бурчак $130\dots140^0$ дан ошмаслиги керак. Чўкиндилар түғондаги тирқиши орқали қирғоққа жойлашган тирқишлиар ва қурилмалар, оралик деворлардаги тирқишлиар, түғон танасидаги очик каналлар ва шу кабилар билан ювилади. Ён томонга сув олиш гидроузеллари дарёning түғри ва эгри чизикли участкаларида қурилади.




2.48-расм. Ён томонга сув олишни жойлашув схемалари:
а-түгэри бурчак остида; б-үтмас бурчак остида.

Ён томонга түүгөнли сув олишда чўкиндиларга қарши курашиш учун кўндаланг циркуляциядан фойдаланилади, уни лойқалатиш учун маҳсус конструкциялар қўлланилади: циркуляция ҳосил қилувчи тирқишилар орқали ювадиган остоналар (қийшиқ йўналтирилган, эгри чизиқли, узунлиги бўйича синик чизиқли поғоналар ва бошқалар); туб чўкиндиларни тутгич юувучи галереялар; ювгичлар билан жиҳозланган оралиқ деворлар ва бошқалар.

Чўкиндиларни ювиш шароитлари бўйича ён томонга сув олиш гидроузеллари *фронтал* ва ён томонга ювиш билан фарқланади.

Чўкиндиларни тўғондаги тирқишилар орқали фронтал ювиб ён томонга сув олиш (2.49 -расм). Юқори бъефда чўкиб қолган чўкиндиларни тўғоннинг бош иншоотга ёндошиб турган тирқишилар орқали ювиш конструктив жиҳатдан анча қулай хисобланади (2.49, а -расм).

Иншоотга йирик чўкиндиларнинг киришини камайтириш мақсадида А.В.Троицкий иншоот остонаси билан баравар қилиб горизонтал токча ўрнатишни тавсия қилинади. Бу токча сув оқимини икки қатламга ажратади, чўкиндилари оз устки қатлам иншоотга киради, чўкиндиларга бой пастки қатлам горизонтал токча остидаги тирқишилар орқали пастки бъефга ўтиб кетади (2.49,б -расм).




2.49 -расм. Чўкиндиларни фронтал ювиб ён томонга сув олиш:
1-боши иншоот; 2-кириши остонаси; 3-тўғон; 4-ювиши тирқишилари; 5-канал; 6-панжара; 7-сув қабул қилгич затворлари; 8-нов (акведук); 9-горизонтал токча.

Унча катта бўлмаган сув сарфлари учун проф В.Г.Айвазян оралиқ деворлар орқали сув олишни таклиф этди, унда сув олиш оралиқ ва ён деворларда вертикал ўрнатилган панжарали сув қобул қилгич орқали амалга оширилади (2.49,в-расм). Сўнгра махсус галереялар сувни қирғоққа чиқадиган новларга ўтказилади. Сув қабул қилувчи тирқишларни барча оралиқ ва ён деворларга ёки уларнинг бир қисмига жойлаштирилади.

Чўкиндиларни қирғоқдаги қурилмалар орқали ён томонга ювиб ён томонга сув олиш. Туб чўкиндиларнинг иншоотга киришига қарши курашиш мақсадида оқимнинг гидравлик структурасидан фойдаланишининг турли варианatlарига асосланиб кўпгина иншоотлар қурилган.

Бош иншоот остонаси ён томони тубининг бутун кенглиги бўйича жойлаштирилган ёки ювии галереяли орқали ён томонга сув олиш иншоотлари кенг тарқалган (2.50,а-расм). Бундай иншоотларни мукаммал деб бўлмайди, чунки сув оқими тўсикни сўйрилиб ўтиш даврида ҳосил бўладиган циркуляция оқимлари натижасида йирик чўкиндилар ён томондаги сув олиш иншоотига ўтиб кетади.




2.50-расм. Чўкиндиларни ён томонга ювиб ён томонга сув олиш:
1-бош иншоот; 2-канал; 3-тубдаги ювгичлар; 4-тўғон; 5-кириш остонаси; 6-аванкамера; 7-аванкамера остонаси; 8-сув қабул қилгич затвори; 9-ювгич.

Шагал тутиб қолиб ён томонга сув олишда (2.50,б-расм) тўғри чизиқли остона 5 ва шағал тутгичнинг охирида жойлаштирилган эгри чизиқли остона 7 бўлади. Кириш қисми остонаси олдида тўхтаб қоладиган йирик чўкиндилар тўғондаги ювиш тирқишилари орқали йирик чўкиндилар тўғондаги ювиш оралиқлари орқали ўтиб шағал тутгичда чўқади, қолган чўкиндилар эса ювгич 9 орқали ювиб турилади. Бу схемада сув олинадиган сув оладиган аванкамера 6 да чўкиб қолган чўкиндиларни ҳаммасини ювгич 9 ювиб улгура олмайди.

Чўкиндиларни тутгич галереяли ён томонга сув олиши. Сув остида ва унга яқин қатламларда кўп микдорда йирик чўкиндилар оқизиб келадиган дарёлардан сув оладиган бу иншоотнинг конструкциясини ва ишлаш


принциларини проф.Н.Ф.Данелия ўрганди. Юқоридаги тасвириланган (2.50,а-расм) сув олиш усулидан бу сув олиш усули кўндаланг циркуляция принциплари ҳамда тўсиқларни сўрилиб ўтиш ҳодисаларидан тўлароқ фойдаланиш принципига асосланганлиги билан фарқ қиласди. Сув олиш иншоотларининг конструктив элементлари ва эксплуатацион тадбирлари билан сув оқимининг гидравлик структураси ўзгартирилиб ростлаб турилади. Бундай сув олиш иншоотларининг конструктив хусусиятлари ва асосий ҳисобий ўлчамлари 2.51-расмда кўрсатилган.



2.51-расм. Чўкиндиларни тутгич галереяли ён томонга сув олиш.

1-бои ишиоот; 2-аванкамера; 3-эгри чизиқли остона; 4-канал; 5-аванкамеранинг ювгичи; 6-чўкинди тутгич галерея; 7-водослив ёки шпунтли тўғон; 8-понур; 9-сув ташлаш тўғонининг қўши затворлари; 10-бои ишиоот панжараси; 11-бои ишиоот затвори.

Юувучи галереяли ён томонга сув олиши. Бундай иншоотларда сув винтсимон ҳаракат қиласди (2.52,а-расм). Сув олиш иншооти остида конуссимон галеря 2 қурилади. Унинг паст томонидан чўкиндиларга бой бўлган сув оқими кириши учун бўйлама тирқиши ўрнатилади. Галерея ўқи бўйлаб йўналган оқимнинг илгариланма тезлиги ва галереяга киришда оқимнинг тирқишдан ўтишда ҳосил бўладиган тангенциал тезлиги қўшилиши натижасида сув винтсимон ҳаракат қиласди. Сувнинг винтсимон ҳаракати унинг чўкиндиларни оқизиш қобилиятини оширади. Аммо сувда оқизиклар ва йирик заррачали чўкиндилар бўлса, бундай иншоот эксплуатациясини қийинлаштиради.




2.52-расм. Юувчи галереяли ён томонга сув олиш:

a-тубдаги йўналтирувчи қурилмалар ёрдамида винтсимон ҳаракат ҳосил қилувчи; *б*-эгри чизиқли келувчи канал билан. 1- түғон, 2- кириши қисми тирқишили конуссимон галерея; 3-эгри чизиқли келувчи канал; 4- тубдаги йўналтирувчи нов; 5- сув олиш иншооти; 6- ташлаши иншооти; 7-юувчи галерея затвори.

Эгри чизиқли келувчи канал билан ён томонга сув олиши (2.52,б-расм). Бундай турдаги сув олиш Б.Е.Веденеев номли ВНИИГ томонидан ишлаб чиқилган. Унда туб чўкиндиларга қарши курашишда оқимнинг кўндаланг циркуляцияси қўлланилади ва у эгри чизиқли канал 3 ва чўкиндиларни ушлаб қолувчи нов 4 да ҳаракат қилиши туфайли ҳосил бўлади. Канал 3 оқим ўқига 45^0 бурчак остида ва кириш қисми остонасиз ўрнатилади. Каналнинг пастки бъефга чиқиши қисмидан канални ювишда ташланадиган сув сарфини ростлаш учун щит 6 ўрнатилади.

Фронтал сув олиш. Фронтал сув олишда сув сув олиш иншоотига фронтал ҳолда келади, яъни унинг йўналиши дарё оқими ҳаракатининг асосий йўналиши билан мос келади. Фронтал сув олинганда оқимнинг факат чўкиндилари кам бўлган устки қатламидан сув олинади, туб чўкиндиларга бой пастки қатламдаги йирик чўкиндилар пастки бъефга ювиб юборилади.

Чўкиндиларни фронтал ювиб фронтал сув олиш. Нов орқали сув олиши (8.53,а - расм). Дарёнинг тоғ олди участкаларида олинадиган сув унча кўп бўлмаган ҳолларда бу усулдан фойдаланиш мумкин. Бу иншоот тошқин сувларини ўтказиб юбориш учун оралиқлари кенг бўлган сув димловчи тўғон 1 ва сув олинадиган икки ярусли бир нечта кичик оралиқлардан иборат бўлади.



2.53-расм. Чўқиндиларни фронтал ювиб фронтал сув олиш иншоотлари:
1-тўғон; 2-ювии тирқиши; 3-темир-бетонли нов; 4-канал; 5-кириши остонаси; 6-йўлак; 7-ажратувчи девор; 8-боши иншоот.

Юқоридаги иккинчи ярус орқали сув темир-бетон нов 3 га сув киради ва ундан қувур орқали бош канал 4 га ўтади, пастки ярус 2 орқали чўқиндиларга бой қатлами пастки бъефга ўтказиб юборилади. Сувнинг бўйлама тезлигини хосил қилиш учун нов туби нишаблиги ҳисобланади. Сувдаги муаллақ зарралар каналдаги тиндиригичларда ушлаб қолинади. Нов орқали сув олиш гидроузелларни сув олиш коэффицентлари кичик бўлган тоғ олди дарёларида қўлланилади.

Йўлак орқали сув олиши (2.53,б-расм). Ирригация амалиётида бу тартибда сув олиш кенг тарқалган. Бош иншоот 8 нинг олдидағи йўлак 6 дарёдан ажратувчи девор 7 билан хосил қилинади. Унда йирик чўқиндилар чўқади ва уларни тўғондаги махсус ювиш оралиқлари 2 орқали кўп сув сарф қилиб катта тезлик билан пастки бъефда ювиб чиқариб юбориш учун қулай шароит туғилади. Бу схемада сув олинганида сув йўлакка фронтал ҳолда киради ва сувда оқиб келадиган чўқиндилар ажратувчи деворнинг таъсири остида бош иншоот томонга оғиб, бош каналга киради, бу эса ушбу конструкциянинг камчиликларидан ҳисобланади.

Эгри чизиқли нов ва тубда ўрнатилган ювиши галереяли икки ярусли сув олиши (Эльсден тури); (2.53,в-расм). Дарёнинг тоғ олди ва текис қисмларининг тўғри чизиқли ўзанларида қўлланилади.

Бундай гидроузелларнинг ишлаш принципи сув оқимининг вертикал қатламланишига асосланган. Бунда қатламлар бир-бири билан араласиб кетади ва уларнинг чўқиндиларга бой бўлган пастки қатлами ювиш тирқишлири орқали пастки бъефга ташлаб юборилади, муаллақ чўқиндилари бўлган юқори қатlam эса эгри чизиқли новлар орқали каналга ўтади ва водий қисмида ўзанда тўғоннинг ёнида қурилади.

Дарёдаги сув оқими тўғоннинг сув олиш фронтида, бош иншоот остонасига teng баландликда, горизонтал девор 5 билан юқори ва пастки қатламга ажратилади. Юқори қатламдаги сув эгри чизиқли новлар 3 орқали

канал 4 га оқиб ўтади, чўкиндиларга бой остки қатламдаги сув ювиш галереляри 2 орқали пастки бъефга ўтказиб юборилади.


Туб чўкиндиларни ён томонга ювиб фронтал сув олиш. Бундай сув олишнинг хилма-хил схемалари таклиф этилган, улар алоҳида иншоотларнинг конструктив хусусиятлари, жойлашуви, оқимнинг гидравлик структураси ҳосил қилиш ва фойдаланиш принциплари асоси билан фарқланади.

Сув келувчи эгри чизиқли сунъий узан ҳосил қилиб сув олиш (2.54,а-расм). Бу схемада дарёларнинг тоф олди учасикаларда катта миқдордаги сув олишда фойдаланиш тавсия этилади. Бу схемада сув олиш фарғона туридаги ёки фарғонача сув олиш деб ҳам аталади.

ботик қирғоқдан дюкер ёки бошқа сув ўтказувчи иншоот орқали бошқа қирғоққа узатилади.

Будай турдаги сув олиш Ўрта Осиёнинг бир қатор дарёларида қурилган (Қорадарё, Соҳ, Чирчик, Зарафшон, Ангрен) ва бир неча йиллар давомида бош каналларга туб чўкиндилар ўтиб кетмаслиги таъминлаб самарали ишлаб келмоқда.

Фарғонача сув олишнинг асосий ютуқлари – уларнинг конструкцияси оддийлиги ва эксплуатацияси ишончлилигидир; тўғондан ташланадиган сув сарфи оқиб ўтилишининг гидравлик шароитлари ёмонлашуви ва дарёда нисбатан катта ҳажмдаги бошқарадиган (йўналтирувчи дамбалар қуриш, қирғоқларни қирқишиш ва ҳоказолар) ишлар барпо этиш уларнинг камчиликларидан биридир.



2.54-расм. Чўкиндиларни ён томонга ювиб фронтал сув олиш:

1- тўғон; 2-боши иншоот; 3-канал; 4 – Г-шаклидаги эгри чизиқли остона; 5-оддий эгри чизиқли устидан сув ўтказиладиган остона; 6-дюкер; 7-йўналтирувчи дамбалар; 8-сув урилма қудук.

Эгри чизиқли тўғонни планда қийшиқ жойлаштириб сув олиш (2.54,б-расм). Бу схемадан дарёнинг тор еридан кенг водийга чиқиш олдида сув олиш иншоотларини қуришда фойдаланиш мумкин. Тўғоннинг бош иншоот

2 га ёндошган иккита оралиғи сегментли затвор ўрнатилади. Бу затворларнинг тепаларига турли оқизиндишларни ва муз парчаларини пастки бъефга ташлаб юбориш учун уркач ўрнатилади. Тўғон бош иншоотга нисбатан қийшиқ қилиб ўрнатилса, сув оқими ён томонга сув олиш схемасидек оқиб ўтади ва натижада юқори бъефда кўндаланг циркуляция ҳосил бўлиб сувдаги туб чўкиндилар тўғоннинг сув ташлаш оралиғига йўналтирилади. Бундан ташқари, баландлиги 1,5 м бўлган ўтказилмайдиган эгри чизиқли остона 5 чўкиндиларни бош иншоотга ўтказмайди. Иккинчи томондаги қифоққа сув тўғон флютбетига жойлаштирилган дрюкер 6 орқали ўтказилади. Сув дюкерга бош иншоотнинг ўнг томонидаги оралиқ орқали олинади.

Тўғонни стрелкасимон ўрнатиб икки томонга сув олиши (2.54,в-расм). Ишлаш принципига кўра юқорида баён қилинган сув олиш схемасидан фарқ қилмайди. Сув олишнинг охирги схемалари (2.54,б,в-расм) техник иқтисодий (тўғон узунлиги анча катта, конструкцияси ва уларни эксплуатация қилиш мураккаб) нуқтаи назаридан улар амалда кенг қўлланилмайди.

Назорат саволлари:

1. Дарёдан сув олиш иншоотлари ҳақида умумий маълумот беринг.
2. Сув олиш иншооти тури қандай танланади?
3. Сув олиш иншоотлари қанақа турларга бўлинади?
4. Дарёдан бир ва икки томонга сув олиш қандай бажарилади?
5. Сув олиш гидроузеллари қанақа таркибга эга?
6. Тўғон ёрдамида сув олиш қандай афзалликларга эга?
7. Тўғонсиз сув олиш иншоотлари деб нимага айтилади?
8. Тўғонсиз сув олиш иншоотларини қандай турларини биласиз?
9. Дарёдан тўғонли сув олиш гидроузеллари ҳақида умумий маълумот беринг.
10. Тўғонли сув олиш гидроузеллари қачон ва қандай шароитларда қўлланилади?
11. Ён томонга сув олиш гидроузелларини қанақа турларини биласиз?
12. Фронтал сув олиш иншоотларининг қанақа турлари бор?

3-боб. ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ

3.1. Сув энергияси ва ундан фойдаланиш схемалари

3.1.1. Сув энергиясидан фойдаланиш схемалари

Гидроэлектр станцияларидаги сувнинг механик энергияси электр энергиясига айлантирилади. Сув оғирлик кучи таъсирида юқори бъефдан қуи бъефга оқиб келади ва электр токи генераторининг ротори ўзи билан бир валда жойлашган турбинанинг иш ғилдирагини айлантиради. Турбина ва генератор биргаликда агрегатни ташкил қиласи. Турбинада гидравлик энергия унинг иш ғилдирагини генератор ротори билан бирга айлантириб механик энергия ҳосил қиласи. Генераторда механик энергиянинг электр энергияга айланниш жараёни юз беради.


Гидроэлектростанция ишлаши учун сув сарфи ва сатҳлар фарқи, яъни босим талаб этилади. Текисликдаги дарёларда сатҳлар фарқи одатда тӯғон ёрдамида дамланади. Статик босим H_0 ёки брутто босим юқори ва қуи бъеф сатҳлари белгиларининг фарқига тенг бўлади (3.1-расм). ГЭСнинг нетто босими сув сув олиш жойидан турбинага қадар ҳаракатланганида йўқолган босим айриб ташланган статик босимга тенг бўлади:

$$H_u = H_0 - h_{u*}. \quad (3.1)$$

Генераторнинг ва, бинобарин, бутун агрегатнинг кВт ҳисобида ўлчанадиган электр қуввати

$$N_a = \rho g Q H \eta_m \eta_e = 9,81 Q H \eta_m \eta_e, \quad (3.2)$$

бу ерда ρ – сув зичлиги бўлиб, у 1000 кг/м³ га тенг; g - эркин тушиш тезланиши, одатда 9,81 м/с² га тенг деб олинади ($\rho g = \gamma$ - сувнинг солиштирма оғирлиги бўлиб, у 9,81 кН/м³ га тенг); Q – турбина орқали ўтувчи сув сарфи, м³/с; η_t , η_e - тегишли равишда турбина ва генераторнинг фойдали иш коэффициентлари (ФИК).



3.1-расм. Босимни ҳосил қилиш схемаси

ГЭСда ўрнатилган агрегатлар сони т бўлган ҳолда унинг белгиланган қуввати

$$N = m N_a. \quad (3.3)$$

Сув сарфи ва босим вақт ўтиши билан ўзгаргани боис, гидроэлектростанция истеъмолчиларга ўзгарувчан қувватли электр энергиясини беради. Электр энергиясини ишлаб чиқариш

$$\mathcal{E} = \sum N \Delta t, \quad (3.4)$$

бу ерда Δt – шундай бир вақт оралиқларики, уларнинг мобайнида N қувват ўзгармас деб ҳисобланиши мумкин. қувват ватт ҳисобида, вақт эса секундларда ўлчанса, ишлаб чиқарилган энергия миқдори жоулда олинади; қувват киловатт ҳисобида, вақт эса – соатларда ўлчанса, натижа киловатт-соатларда олинади ($1 \text{ кВт}\cdot\text{соат} = 3,6 \cdot 10^6 \text{ Ж}$).

Йиллик энергия ишлаб чиқаришни ҳисоблаш (кВт·соат ҳисобида) куйидаги формула ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

$$\mathcal{E} = \rho g W \bar{H} \bar{\eta}_m \bar{\eta}_e = \frac{W \bar{H} \bar{\eta}_m \bar{\eta}_e}{367,2}, \quad (3.5)$$

бу ерда $W = \Sigma Q \Delta t$ – бир йилда ишлатиладиган сув ҳажми, м³; \bar{H} - ГЭСнинг ўртача босими; $\bar{\eta}_m$, $\bar{\eta}_e$ - ФИКнинг ўртача қийматлари.

ГЭС ишлаб чиқарувчи электр энергиясининг йиллик миқдори йилнинг серсувлик даражасига боғлиқ бўлади. Сув танқис йилда у ўртача йиллик миқдордан камроқ, серсув йилда эса – кўпроқ бўлади. ГЭС электр энергиясини ишлаб чиқариш ўртача йиллик миқдорининг гидроэлектростанциянинг белгиланган қувватига нисбати белгиланган қувватдан фойдаланиш соатлари сонини беради

$$T = \mathcal{E} / N. \quad (3.6)$$

Т қиймати ГЭС электр энергиясини ишлаб чиқариш йиллик миқдорини бериш учун бир йилда тўла белгиланган қувват билан неча соат ишлаши лозимлигини кўрсатади.


Сўнгги йилларда тикланадиган табиий ресурслар - қуёш, шамол энергиясини, авваламбор дарё, каналларнинг гидравлик энергиясини ўзлаштиришга жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қизиқиш кучайди. Бу ҳол иссиқлик станцияларида фойдаланиладиган қаттиқ органик ёнилғи қазиб олиш харажатлари тинимсиз ошиб бораётгани билан изоҳланади.

Холбуки Ўзбекистонда кўп сонли суғориш каналлари, сув омборлари, кичик дарёлар мавжуд бўлиб, уларда кўп миқдорда капитал харажатларсиз кичик гидроэлектр станциялари қуриш мумкин. Дастлабки маълумотларга кўра республика худудида кичик гидроэлектр станцияларининг гидроэнергетика ресурслари 7,3 млрд кВт·соатни ташкил этади, шу жумладан суғориш каналларидағи сатҳлар фарқига 2,2 млрд кВт·соат энергия тўғри келади. Республикада ўзлаштирилган гидроэнергетика имкониятлари 25% дан ошмайди.

Ўзбекистонда «Гидроэнергетикани ривожлантириш давлат дастури» ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори билан тасдиқланган. Бу дастурга биноан яқин йилларда сув хўжалиги объектлари ва кичик дарёларда жойлашган ҳар хил қувватли 14 ГЭСни ишга тушириш

мўлжалланган. Ҳозирги вақтгача сув омборлари, каналлар, кичик дарёларнинг гидроэнергетика ресурсларидан энергетика мақсадларида фойдаланиш схемалари тузилган. Бу материаллар асосида каналлар, сув омборлари, кичик ва ўрта дарёларда кичик ГЭСлар жойлашув ўринларининг харита-схемаси тузилган, биринчи навбатда қурилиши лозим бўлган кичик ГЭСлар схемаси белгиланган ва асослантирилган. Сув энергиясидан фойдаланишнинг уч асосий схемаси мавжуд бўлиб, улар сатҳлар фарқи, яъни босимни дамлаш усуллари билан тавсифланади: 1) тўғонли схема – бунда босим тўғон ёрдамида дамланади; 2) деривацион схема – бунда босим асосан канал, туннель ёки кувур йўли тарзида амалга ошириладиган деривация воситасида дамланади; 3) тўғонли-деривацион схема – бунда босим тўғон ёрдамида ва деривация воситасида дамланади.


Босимни дамлашдан ташқари, сув сарфини ростлаш учун сув омборлари ташкил этиш лозим. Табиий шароитларда дарёларда энг кам сув сарфи одатда электр энергиясига эҳтиёж айниқса катта бўладиган қиши мавсумида кузатилади. Камсувллик даврида, айниқса қишида ГЭС кўпроқ кувватга эга бўлиши, ўрнатилган агрегатлардан тўлиқроқ фойдаланиши ва кўпроқ электр энергиясини ишлаб чиқариши учун дарёларда сув омборлари қурилади ва оқимни ростлаш амалга оширилади. Оқим йил мобайнида ростланадиган сув омборларида баҳорги сувнинг бир қисми сақланади. Сақланётган сувдан фойдаланиб, камсувллик даврида сув сарфини ошириш ва ГЭС ишлаб чиқарувчи электр энергияси миқдорини кўпайтириш мумкин. Оқим кўп йиллар мобайнида ростланадиган сув омборлари серсув келган йилларда жамланган сув ҳисобига камсувлли йилларда ГЭСнинг сув сарфини ва у ишлаб чиқарадиган электр энергияси миқдорини кўпайтириш имконини беради.



3.2-расм. Тўғонли гидроэлектростанция схемаси:

а – бўйлама кесим; б – дарё участкасининг режаси; 1, 2, 3 – сув босиши зонасидан ўрин олган обьектлар: ўрмон, завод, турар жой бинолари; 4 – тўғон; 5 – сув босиши чегараси

Тўғонли схема (3.2-расм) асосан сув юзасининг қияликлари унча катта бўлмаган ва сув сарфи кўп бўлган дарёларда амалга оширилади. В пунктида қурилган тўғон ёрдамида дарёning юқори қисмига қараб А пунктига қадар амал қилувчи сув босими юзага келтирилади. А ва В пунктларидаги сатҳлар фарқи $H_0 = +\Delta h$ га teng бўлади. Дарё умумий тушишининг Δh қисми сув юқори бъефда ҳаракатланганида ишқаланиш натижасида босимдаги йўқолишларни ифода этади. НДС ва ишлаш даражаси (ФСС) ўртасида сув омборининг фойдали ҳажми жойлашади. Фойдали ҳажмга қараб ундан сув сарфини кўп йиллик, йиллик ёки суткалик ростлаш учун фойдаланилиши мумкин.




3.3-расм. Деривацион каналли гидроэлектростанция схемаси:

1 – тўғон; 2 – сув қабул қилгич; 3 – тиндиригич; 4 – деривацион канал; 5 – босимили ҳовуз; 6 – суткалик ростлаш ҳовузи; 7 – турбинали қувур йўли; 8 – ГЭС биноси; 9 – салт сув ташлагич; 10 – мақсимловчи қурилма биноси

Деривацион схемада тўғон баландлиги унча катта бўлмай, деривацияга сув олишни таъминлаши мумкин. Дамланган босим дарёдаги ва деривациядаги сув нишабликлари фарқи ҳисобига олинади. Деривацион схемада иншоотларнинг бош бўғини, деривация ва иншоотларнинг станция бўғини фарқланади. 3.3-расмда деривацион каналли ГЭС схемаси кўрсатилган. Бош бўғинда унча баланд бўлмаган тўғон ёрдамида дамланган бъефдан сув деривация каналига ва сўнг босимили ҳовузга тушади, бу ердан у қувур йўллари орқали ГЭС биносига узатилади. Турбиналардан сув дарёга ёки навбатдаги ГЭС деривациясига чиқарилади.

Тўғонли-деривацион схема тегишли топографик ва муҳандислик-геологик шароитларда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, тоғ дарёсида дарё тушишининг бир қисмилан фойдаланиш ва сув сарфларини ростлаш учун сув омбори ташкил этиш имконини берувчи нисбатан баланд тўғон қурилиши мумкин. Шундан сўнг юқори бъефдан сув тўғондан пастроқда дарёning тушишидан фойдаланиш имконини берувчи деривация чиқарилиши мумкин. Натижада босимни дамлашда тўғон ва деривация биргаликда иштирок этади (3.4-расм).



3.4-расм. Тўғонли-деривацион гидроэлектростанция схемаси:

1 – сувнинг табиий юзаси; 2 – сув омбори; 3 – тўғон; 4 – деривацион туннель; 5 – гидростатик сатҳ; 6 – ГЭС ишилаётган пайтда пъезометрик сатҳ; 7 – турбинали сув ўтказгич; 8 – ГЭС биноси

3.1.2. ГЭС ва сув омборлари каскадлари

Бир гидроэлектростанцияда бутун дарё энергиясидан фойдаланиш мумкин эмас, чунки топографик, муҳандислик-геологик ва иқтисодий шароитлар жуда баланд тўғонлар қуриш имконини бермайди. Ҳаддан ташқари катта майдонларни сув босиши айниқса текисликдаги дарёларда баланд тўғонлар қуришга монелик қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли йирик, ўрта дарёлар ва каналларда одатда каскад ташкил этувчи бир неча ГЭС қурилади. Масалан, Ўзбекистонда Чирчик-Бўзсув сув-энергетика тракти, Дарғом-Толигулон сув-энергетика тракти ва бошқа ГЭС каскадлари мавжуд.


3.2. Гидроэлектростанциялар

Гидроэлектростанцияларнинг жойлашуви. Ўзан паст босимли гидроэлектростанциясининг биноси тўғон ёнида қурилади, босим фронти таркибига киради ва бетон тўғон каби, юқори бъефнинг сув босими таъсирида силжишга қарши чидамлиликка ҳисобланиши лозим. Бетон тўғонли паст босимли гидротехника иншоотлари бўғинининг жойлашуви 3.7-расмда кўрсатилган.

Ўрта ва катта босимларда ГЭС биноси тўғон ортида қурилади. Бундай гидроэлектростанция тўғон қошидаги ГЭС деб аталади. Тўғон қошидаги ГЭС биноси гидротехника иншоотлари бўғинининг босим фронтига кирмайди, у тўғон ортида жойлашади. Бетон тўғонли тўғон қошидаги ГЭС схемаси 3.8, арасмда келтирилган. ГЭС турбиналарига сув бетон тўғон станция қисмининг танасида ёки сиртда, унинг пастки қирраси бўйлаб ётқизилган қувурлар орқали келади.

Агар тўғон грунт материаллардан қурилган бўлса, ГЭС биносига сув тўғон остида ётқизилган қувурлар, қирғоқдаги туннель ёки канал орқали

келтирилади. Бу қурилмалардан сув ГЭС турбиналарига сув элтувчи турбина ўтказгичларига тушади.




3.7-расм. Паст босимли ўзан гидроэлектростанциясининг жойлашуви:

а – иншоот тархи; б – ГЭС биноси бўйича АА кесим; 1 – ГЭС биноси; 2 – сув туширувчи тўғон; 3 – оралиқ; 4 – I навбат тўғон контури; 5 – II навбат тўғон контури; 6 – сув ўтказувчи тирқишиларнинг затворлари; 7 – ГЭС сув қабул қилгичи; 8 – генератор; 9 – трансформатор; 10 – турбина

Тўғон қошидаги ГЭСли гидротехника иншоотлари бўғинлари кўлланиладиган жойлашувларининг схемалари 3.8-расмда қўрсатилган. Агар ГЭСни каналда куриш мўлжалланаётган бўлса, гидроэлектростанциянинг жойлашуви 3.9-расмда келтирилган кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин.

Деривация ГЭСи станция бўғинининг жойлашуви деривация типига боғлиқ бўлади. Агар деривация босимсиз, канал ёки босимсиз туннел кўринишида бўлса, унинг охирида сув олиш иншоотили босимли ҳовуз қурилади. Бу иншоотнинг вазифаси – турбина сув ўтказгичларига сув олинишини таъминлаш. Мазкур сув ўтказгичлар орқали сув ГЭС турбиналарига тушади. Бу иншоотда затворлар ва хас-чўпни ушлаб қолувчи панжаралар ўрнатилади. Босимли ҳовузда зарур ҳолда ортиқча сувни ташлаш, шовушни чиқариб ташлаш ва оқиндишларни ювиш учун мўлжалланган қурилмалар назарда тутилади. Агар деривация жуда узун бўлса, босимли ҳовуз яқинида ёки деривация трассасида ГЭС сув сарфлари ва қувватларини суткалик ростлаш




3.8-расм. Түгөн қошидаги гидроэлектростанциялар жойлашуви:

а – гравитацион түгөнли; б – арксимон түгөнли; в – тупроқ түгөнли ва сув құвурлар орқали көлтириладиган; г – тупроқ түгөнли ва сув туннель орқали көлтириладиган; 1 – түгөннинг қирғоқдаги тупроқ қисмлари; 2 – түгөннинг сув туширгич қисми; 3 – ГЭС биноси; 4 – сув қабул қылгыч; 5 – түгөннинг станция қисми; 6 – турбина сув ўтказгичлари; 7 – тупроқ түгөн; 8 – тенглаштирувчи резервуар; 9 – шахтади сув ташлагыч; 10 – сув ташлагычининг сув четләтии туннели; 11 - қирғоқ юзасидаги сув ташлагыч; 12 – арксимон түгөн

ховузлари қурилади. Босимли ховуз ва суткалик ростлаш ховузининг схемаси 3.10-расмда күрсатилган.


Агар деривация узун ва босимли, туннель ёки құвурлар күринишида бўлса, деривация охирида тенглаштирувчи резервуар ўрнатилади. Резервуарнинг вазифаси – туннель ёки құвурларни гидравлик зарба – босимнинг ошишидан асраш. Босимнинг бундай ошиши сув оқими кескин камайиши натижасида ГЭС агрегатлари тез тўхтаганида юз беради. Тенглаштирувчи резервуар мавжуд бўлган ҳолда туннель ёки құвурлардан сув мазкур резервуарга қуйилади ва максимал сатҳгача кўтарилади, бунда босимли сув ўтказгичларда босим гидравлик зарба ҳолатидагидан анча оз қўтарилади. Тенглаштирувчи резервуар қояда ўйилган шахта ёки ер юзасига қурилган минора күринишида бўлиши мумкин (3.10-расм, а). Сув сатҳининг ўзгарувчанлик даражаси катта бўлган ҳолда баланд резервуар талаб этилади. Бунда ишлар ҳажми ва қийматини камайтириш учун резервуар кичик диаметрли шахта билан бирлаштириладиган сув туширгичли устки камера ва пастки камера күринишида қурилади (3.10, б -расм). Тенглаштирувчи резервуар баландлиги 150 метрдан ошиши мумкин (масалан, Грузиядаги



3.9-расм. Каналда қурилган кичик ГЭС иншоотларининг намунавий схемаси:
 1 – сув четлатувчи канал; 2 – ГЭС биноси; 3 – шаршара-сув ташлагич; 4 – сув урилма қудук


Ингурия ГЭСи).

Тенглаштирувчи резервуар ортида туннель турбина сув ўтказгичларига ажralади. Бу сув ўтказгичлар бошида маҳсус бинода затворлар ўрнатилади. Босимли туннелдан иборат ГЭСнинг деривация схемаси 3.11-расмда кўрсатилган. Айрим ҳолларда туннель шаклидаги турбина сув ўтказгичлари қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Деривацион каналли ГЭСда босимлар ўртача ва сув сарфи катта бўлган ҳолда темир-бетон турбина сув ўтказгичлари қурилса, мақсадга мувофиқ бўлади.



3.10-расм. Тенглаштирувчи резервуарларнинг схемалари:

a – цилиндрический резервуар; б – сув туширгичли икки камерали резервуар; 1 – босимли деривация туннели; 2 – тенглаштирувчи резервуар; 3 – турбина сув ўтказгичлари; 4 – пастки камера; 5 – бирлаштирувчи шахта; 6 – сув туширгич; 7 – устки камера; 8 – камерани бўшатиши учун тирқишилар; 9 – кучланиши ташланганида резервуардаги сув сатҳи ўзгаришилари; 10 – кучланиши ишга солинганида резервуардаги сув сатҳи ўзгаришилари



3.11-расм. Деривацион туннелли гидроэлектростанция:

1 – түғон; 2 – сув қабул қилгич; 3 – босимли туннель; 4 – тенглаштирувчи резервуар; 5 – затворлар ўрнатилган бино; 6 – турбина сув ўтказгичлари; 7 – зулфинли таянч; 8 – ГЭС биноси; 9 – электр узатии тармоғи

Деривация ГЭСи биносининг жойлашган ўрни топографик ва муҳандислик-геологик шароитларга боғлиқ бўлади ва пировард натижада техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ҳамда варианtlарни таққослаш натижасида аниқланади.

3.3. Турбиналар ва уларни ГЭС биноларида ўрнатиш


Харакатланаётган сув энергиясини механик энергияга айлантирувчи двигатель сув турбинаси деб аталади. Иш принципига кўра сув турбиналарининг икки асосий типи – актив ва реактив сув турбиналари фарқланади.

3.3.1. Актив турбиналар

Актив турбинанинг умумий схемаси 3.12-расмда келтирилган. Горизонтал валга айлананинг бутун узунлиги бўйлаб жойлаштирилган куракли ғилдирак кийдирилган; у ишчи ғилдирак деб аталади. Кураклар чўмич шаклида ясалган. Юқори бъефдан сув ишчи ғилдиракка кийдирма – сопло билан тугайдиган қувур йўли ёрдамида келтирилади. Босим Н кийдирма қархисида тўлалигича оқимнинг жонли кучига айланади ва сув соплодан атмосферага катта тезликда оқиб чиқади. Соплодан чиқсан оқим ўз йўлида ишчи ғилдирак куракларига дуч келиб, уларнинг бирортасига тушади ва ғилдиракни айлантириб, айни вақтда ишни бажаради. Оқим бир куракни туртиб узоқлаштирганидан кейин сув зарбаси бошқа куракка тушади, яъни ғилдиракнинг айланиш жараёни узлуксиз юз беради.

Бу ерда оқим энергиясидан фойдаланиш жараёни атмосфера босими шароитида юз беради, энергия ишлаб чиқариш эса фақат сувнинг кинетик энергияси ҳисобига амалга оширилади. 3.12-расмдан кўриш мумкинки, айни ҳолда юқори ва қути бъефлардаги сув сатҳларининг фарқи Н эмас, балки ($N - a$) катталик, яъни юқори бъеф ва сопло сатҳларининг фарқи фойдаланилувчи босим бўлади. Бу ерда a – босимнинг бой берилган қисми.

Актив турбиналарда сув оқимини ишчи ғилдиракка йўналтирувчи ва сув миқдорини ростловчи, яъни қувватни ўзгартирувчи аппарат функцияларини игнасимон затворли кийдирма бажаради. Бу кийдирма ёрдамида турбинанинг ишчи ғилдирагига сув узатишни тўхтатиш мумкин. Ҳозирги айrim актив турбиналарда, агар сув ғилдиракка икки кийдирма орқали келтирилган бўлса, вақтнинг ҳар бир лаҳзасида бир эмас, балки икки курак сув оқими таъсири остида бўлади. 3.12-расмда тасвирланган актив турбина (унинг ишчи ғилдираги куракларининг шаклига кўра) оқимли-чўмичли деб аталади; у юқори босимли гидроэлектростанцияларда ўрнатилади.



3.12-расм. Актив (оқимли-чүмичли) турбина:

а – бүйлама кесими; б – күндаланг кесими; 1 – ишчи ғилдирак; 2 – ишчи ғилдирак вали; 3 – кийдирма (сопло); 4 – сувни турбинага келтирувчи босимли (турбинали) құвур йүли; 5 – игнасиомон затвор; 6 - қолпама

3.3.2. Реактив турбиналар


Ишчи ғилдирак бутунлай босим остидаги сув оқимида турувчи ва унинг букилган қураклари ўртасидан оқиб ўтувчи сувнинг реактив босими таъсирида харакатга келувчи турбиналар *реактив турбиналар* деб аталади; бунда күрсатилған босим барча қуракларга бирваракай узатилади. Ишчи ғилдирак, қоида тариқасида, вертикал валга кийдириләди ва мазкур вал орқали электр генератор ҳаракатга келтириләди.

Радиал-ўқли турбиналар ва бурилма-парракли турбиналар энг кенг тарқалған реактив турбиналар хисобланади. Пропеллерли турбиналар нисбатан камрок құлланилади (3.13-расм). Радиал-ўқли турбиналарда ишчи ғилдирак парраклари түғинга ҳаракатланмайдыган қилиб қотирилған бўлади, пропеллерли турбиналарда эса улар втулкада ўрнатилади. Бурилма-парракли турбиналарда парраклар цапфаларда айланиши ва босим билан сув сарфи микдорига қараб турбинанинг энг катта фойдали иш коэффициентини таъминловчи ҳолатни эгаллаши мумкин. Бурилма-парракли турбинанинг қуйидаги турлари мавжуд: бир цапфага икки паррак маҳкамланған икки парракли турбина (3.13, г -расм); диагонал бурилма-парракли турбина (3.13, д -расм).

Реактив турбинали гидротурбина қурилмаси (3.14-расм) қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади: ишчи ғилдирак, йўналтирувчи аппарат, турбина камераси ва сўрувчи құвур.


Йўналтирувчи аппарат турбина қувватини ростлаш ва унинг айланишлари сонини ўзгармас ҳолатда саклаш учун ишчи ғилдиракка

тушувчи сув сарфини ўзгартыришга хизмат қилади. Бу функция генератор айланиш тезлигининг барқарорлигини таъминлаш зарурати билан белгиланади. Ишлаб чиқариладиган электр токи частотаси генераторнинг



3.13-расм. Реактив турбиналарнинг ишчи ғилдираклари:

а – радиал-ўқли; б – пропеллерли; в - бурима-парракли; г – икки парракли бурима-парракли; д – диагонал бурима-парракли



3.14-расм. Реактив турбинали гидротурбина қурилмаси:

1 – сув қабул қылгич камераси; 2 – турбина статори; 3 – йўналтирувчи аппарат; 4 – генератор; 5 – турбинанинг ишчи гидридаги; 6 – турбинали (спиралли) камера; 7 – сўрувчи қувур.

айланиш тезлигига боғлиқ бўлади (Ўзбекистонда қабул қилинган ўзгарувчан ток частотаси секундига 50 даврни ташкил қиласди). Шу сабабли турбинанинг бир минутдаги айланишлари сони эркин бўлмайди, балки генератор конструкциясига қўра танланади. Заводларда бир минутдаги айланишлари сони қўйидагича бўлган гидроагрегатлар ишлаб чиқарилади: 300, 250, 214, 187,5, ..., 88,3, 75, 60, 50 ва б. Турбина айланишларининг меъёрий сонидан у ёки бу томонга оғишлар амалда 5-6% дан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу шартни бажариш учун вактнинг ҳар лаҳзасида турбина орқали ўтувчи сув сарфи генератор берувчи қувватга мос бўлиши лозим. Бу мувофиқлик бузилган ва генератор кучланиши камайган тақдирда турбина, ортиқча қувватга эга бўлган ҳолда, тезлана бошлайди; генераторга тушувчи юк кўпайган тақдирда турбина қувватнинг камлиги туфайли генераторга айланишларнинг меъёрий сонини таъминлай олмайди, натижада генератор меъёрий кучланиш ва зарур қувватни бермайди.


Йўналтирувчи аппарат тузилиш жиҳатидан турбинанинг ишчи ғилдираги атрофига ўрнатилган кураклар системасидан ташкил топади. Ҳар бир курак вертикал ўққа маҳкамланган бўлиб, унда айланиши мумкин, бироқ айланиш шундай амалга оширилиши лозимки, барча кураклар бир вақтда айни бир бурчакка бурилсин. Турбинага сув фақат кураклар ўртасидаги тирқишлир орқали тушиши мумкин, агар йўналтирувчи аппарат қўшни кураклар бир-бири билан туташувчи ҳолатга келтирилса, ишчи ғилдиракка сув тушмай қўяди ва турбина тўхтайди. Турбинанинг тўла очилиш ёки ёпилиш вақти автоматик ростлагич мойли сервомоторининг қувватига қараб 3-8 соат атрофига бўлади.

Турбинали камера турбина ГЭС биносига бевосита ўрнатиладиган жой ҳисобланади. Айна шу камера орқали сув йўналтирувчи аппаратга ва сўнгра турбинанинг ишчи ғилдирагига тушади. Очик ва ёпик турбинали камералар фарқланади.

Очик турбинали камералар (3.15-расм) одатда босимлар 6-8 м дан ошмайдиган шароитда ва ишчи ғилдиракларнинг диаметрлари унча катта бўлмаган ҳолда қўлланилади. Очик камера шифти, қоида тариқасида, камерадаги сувнинг эркин юзасидан баландроқда жойлашади. Тархда бундай камералар тўғри тўртбурчак, квадрат ва эгри чизиқли шаклларга эга бўлади.

Ўртача ва катта қувватли турбиналар сув йўналтирувчи аппаратнинг бутун айланаси бўйлаб бир текис узатилишини таъминловчи спиралли ёпик камераларга ўрнатилади (3.14-расмга қаранг). Шу мақсадда спиралли камеранинг кесими аста-секин камайтирилади, масалан, 3.16-расмда кўрсатилган тарзда. Босимлар 25 м гача бўлган ҳолда спиралли камералар темир-бетондан ясалади, юқори босимли ГЭСларда эса улар темирдан шиллиқурт кўринишида ясалади (3.17-расм).

Сўрувчи қувур реактив турбинадан сувни четлатиш учун хизмат қиласди. Бундай қувурга эҳтиёж қўйидаги ҳолатлар билан белгиланади. Реактив сув турбинаси одатда қуи бъефдаги сув сатҳидан юқорироқда, ундан айрим минимал баландликда (h_s) жойлашади (3.15-расмга қаранг). Бунда ГЭС мазкур баландликка (h_s) тенг миқдорда босимни йўқотмаслиги ва турбина



3.15-расм. Очиқ турбинали камерадан иборат реактив сув турбинасининг схемаси:
1 – ишчи ғилдирак; 2 – ишчи ғилдирак вали; 3 – турбина қопқоғи; 4 – йўналтирувчи аппарат; 5 – конуссимон сўрувчи қувур; 6 – очиқ турбинали камера

ишчи ғилдиракларининг парракларидан тушувчи оқимнинг кинетик энергиясидан ҳеч бўлмаса қисман фойдаланиш учун турбинали камеранинг чиқиши тешигига нариги учи қуий бъефнинг сув сатҳи остига қараб кетган махсус қувур бириктирилади. Шу тариқа сув реактив турбинанинг ишчи ғилдирагидан чиқиб атмосферага тушмайди, балки сўрувчи қувур орқали, уни бутунлай тўлдирган ҳолда қуий бъефга ўтади. Турбинада босим h_s дан фойдаланилиши шу билан белгиланадики, сўрувчи қувурда, у зич берклиги ва қуий бъефдаги сув сатҳи остига киритилгани боис, сийракланиш (бўшлиқ) доимо мавжуд бўлади. Сўрувчи қувурлар шакл жиҳатидан *тўғри ўқли*(3.15-расм) ва *букилган* (3.14-расм) бўлади. Муайян ГЭС учун қувур шакли босимга, шунингдек турбина типи, ўлчамлари ва тез юриш даражасига қараб танланади.

3.3.3. Турбиналарнинг кўрсаткичлари


Турбинанинг асосий кўрсаткичи унинг тез юриш даражаси ҳисобланади. Ҳар қандай турбинанинг тез юриш даражаси илдамлик коэффициенти билан, яъни 1 м га тенг босимда 0,73 кВт қувватни ривожлантирувчи унга геометрик жиҳатдан ўхшашиб модель-турбина берувчи айланишлар сони билан тавсифланади (бундай турбиналар айни бир шаклга ва қураклар сонига эга бўлади ва факат ўлчамлари билан фарқ қиласи).

Гидравлик двигателлар назариясида турбинанинг илдамлик коэффициенти учун қуийдаги ифода таклиф қилинган:


$$n_s = n \sqrt{N} / H^{\frac{4}{3}}, \quad (3.7)$$

бу ерда n_s – илдамлик коэффициенти; n - турбинанинг бир минутдаги айланишлари сони; N - қувват; H - босим, м.

(3.7) формуладан кўриниб турганидек, турбинанинг айланишлари сони берилган босим ва қувватда илдамлик коэффициентига тўғри пропорционал:



3.16-расм. Арматураланган бетондан ясалған спиралли турбина камераси:
 а – тархи; б – бүйлама кесими; в – құндаланғ кесимлари (1, 2, 3, ..., 8)



3.17-расм. Темирдан ясалған спиралли турбина камераси

$$n = n_s H^{\frac{4}{3}} / \sqrt{N}. \quad (3.8)$$

Шундай қилиб, айни бир босимда күпроқ айланишлар сонини олиш учун илдамроқ турбиналардан фойдаланиш лозим. (3.7) формуладан тағин шу нарса күринадыки, берилған айланишлар сони ва қувватда босим күпайиши билан илдамлық коэффициенти пасаяди. Бинобарин, ўз тез юриш даражаси билан ажралиб туралған турбиналарнинг ҳар бир типи фақат муайян босимларда қўлланилиши мумкин.

Турбиналарнинг асосий типлари қуйидаги илдамлик коэффициентлари билан тавсифланади:

| | |
|--|----------|
| Чўмичли турбиналар | 4-24 |
| Радиал-ўқли турбиналар | |
| секин юрувчи | 50-150 |
| нормал юрувчи | 150-250 |
| тезюар | 250-450 |
| Пропеллерли ва бурилма-парракли турбиналар | 300-1000 |

Тез юриш даражаси ошиши билан турбиналарнинг ўлчамлари кичрайди. Бироқ турбиналарни танлаш фақат илдамлик белгисига кўра амалга оширилмайди; босим H ва илдамлик коэффициенти n_s ни боғловчи қўшимча шартлар, масалан кавитация мавжуд.

Кавитация – турбиналарнинг парракларини катта тезликдаги сув оқими айлантирганида юзага келувчи, металл коррозияси, унинг толикиши ва емирилишига олиб келадиган маҳаллий гидравлик зарбаларга сабаб бўлувчи парракларнинг пульсациялари билан бирга кузатилувчи мураккаб физик ҳодиса. Кавитация ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда пропеллерли ва бурилма-парракли турбиналардан 25-30 м ва пастроқ босимларда фойдаланилиши мумкин, бунда $n_s=700\div800$ бўлган турбиналар босим 6-7 м дан паст бўлган ҳолда қўлланилади. Радиал-ўқли турбиналар босим 25-300 м бўлган ҳолларда ўрнатилади; босим ортиши билан илдамлик кўрсаткичи пастроқ бўлган ишчи ғилдираклар қўлланилади. Босим 300-350 м дан ортиқ бўлган ҳолда фақат чўмичли турбиналар ўрнатилади.

Турбинанинг фойдаланиш кўрсаткичларига ГЭСдаги босим ва сув сарфи ўзгаришининг бутун доирасида турбинанинг фойдали иш коэффициенти қийматига кўра баҳо берилади.

Ҳар хил типдаги турбиналарда ГЭСдаги босим ва сув сарфи ўзгаришига қараб фойдали иш коэффициенти ҳар хил ўзгаради. Турбинанинг фойдали иш коэффициенти қандай ўзгариши ҳақида ҳукм чиқариш учун турбиналарнинг моделлари лаборатория шароитида синовдан ўтказилади. Турбина модели ҳақиқий турбинанинг кичрайтирилган аниқ нусхасидан иборат бўлади. Модель қурилмада турбиналарнинг ҳар хил кўрсаткичлари аниқланади.

Назорат саволлари

1. ГЭС қуввати, у ишлаб чиқарадиган электр энергия миқдори қандай аниқланади?
2. ГЭСларнинг асосий принципипал схемаларини чизинг.
3. ГЭС қайси қурилмалардан ташкил топади?
4. Актив турбинанинг иш принципини схемада кўрсатинг.
5. Реактив турбинанинг иш принципини схемада кўрсатинг
6. Гидротурбина қурилмасининг асосий элементлари (ишлиғи филдирек, турбина камераси, сўрувчи қувур) хақида гапириб беринг.
7. Турбинанинг тез юриш даражаси нима ва у қандай аниқланади?
8. Турбина универсал кўрсаткичларига кўра қандай танланади?
9. ГЭС гидротехника иншоотлари бўғини таркибини чизиб кўрсатинг.
10. ГЭС жойлашувиининг қандай асосий схемалари мавжуд?

4-боб Сув йўллари ва портлари

4.1. Сув йўллари тўғрисида умумий маълумотлар

Сув транспортининг аҳамияти. Транспорт мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. У материал база яратмасдан хом ашёни ишлаб чиқарувчиларга ва тайёр маҳсулотни истимолчига етказиб бериб ишлаб чиқаришни ривожланишига ёрдам беради.

Хозирги пайитда кенг тарқалган транспорт турларига автомобиль, темир йўл, сув, ҳаво ва қувир транспорти киради. Транспортнинг мана шу турлари бир-бирини тўлдириб мамлакатни бир бутун транспорт системасини ташкил қиласди.

Сув транспорти денгиз ва дарё транспортига бўлинади. Сув транспорти деганда кенг манода сув йўли, флот, порт, кемаларни таъмирлаш ва қурилиш корхоналаридан иборат мажмуя тушинилади.

Денгиз ва океанлар ер шари юзасини 70 % дан кўпини эгаллайди ва қулай ва арzon алоқа йўли ҳисобланади. Денгиз транспорти халқаро транспорт алоқаларини тамиллашда катта рол ўйнайди.

Дунё денгиз транспортини юк ташишнинг умумий ҳажмига қўшган хиссаси 65 % ни ташкил қиласди.

Сув транспортининг асосий хусусиятлари, бу юк ташишнинг арzonлиги яний, баъзи ҳолларда сув орқали юк ташиш темир йўл орқали юк ташишга нисбатан 2-3 марта арzon ва автомобиль транспортига нисбатан 10-15 марта арzonдир.

Сув транспортида юк ташишнинг арzonлиги қўйидаги қатор омиллар билан ифодаланилади:

1) сувда кемалар харакат қилганда кам қаршиликка учрашидир. Бирлик юкни ташиш учун сарф қилинадиган энергияни камлиги шунга боғлиқ. Кемалар харакати унча катта бўлмаган тезликда харакат қилганда (25 км/соат гача) 1 т юкни сувда ташиш учун темир йўлдагидан кам энергия сарф қилинади. Кемаларни сувдаги солиштирма қаршилиги темир йўл вагонларининг рельсда учрайдиган қаршилигидан бирнеча марта кам

2) бу юкларни катта юк ташувчи кемалар ёрдамида узоқ масофаларга ташиш. Бу темир йўл траспортига нисбатан юк ташувчи идишларни нархини анча қисқартиради;

3) кема қатновини йўлга қўйишни ташкил қилишдаги сарф харажатларни йўл қуришга нисбатан анча камлиги ва кемаларни хизмат муддатини темир йўл вагонларига нисбатан кўплиги.

Айтиб ўтилган хусусиятлар дарё транспортининг ролини ва унда ташийдиган юкларни турини белгилайди. Сув йўллари орқали асосан тез етказиб бориши шарт бўлмаган (бузилмайдиган) ва катта ҳажмдаги, катта идишлардаги юклар ташилади. Буларга: ёғоч, нефть, буғдой, руда, қўумир, қурилиш материаллари, кимёвий ўғитлар, туз киради. Сув орқали яна баъзи бир жуда катта ўлчамли юклар ҳам ташилади. Масалан, Саяно-Шушенский

ва Асуан ГЭС ларини турбиналарини ишчи парраги Ленинграддан сув йўли орқали олиб борилган.

4.2. Сув йўллари ва портларининг асосий турлари

Сув транспорти сув йўллари орқали портлар орасида юк ва йўловчиларни ташишни бажаради. Юкларни асосий қисми ва йўловчилар сув йўлида ҳар-хил кемалар ёрдамида ташилади. Факат айрим ўрмон юклари, етарли оқиш хусусиятига эга бўлган, сув йўллари орқали оқизиб олиб келтирилади.

Сув йўллари - деб ундан юк ва йўловчилар ташиш учун фодаланиладиган сув майдони (оceanлар, денгизлар, кўллар ҳамда дарё сув иншоотлари орқали ҳосил қилинадиган сув омборлари) ва сув оқимларига (дарё унинг ирмоқлари ва каналлар) айтилади.

Портлар – деб юкларни тушириш, юклаш ва бошқа иш жараёнларини бажариш учун маҳсус жихозланган гидротехника ва қирғоқ иншоотлари мажмуасига айтилади.

Сув йўллари ташқи ва ички йўлларга портлар эса-денгиз ва дарё портларига бўлинади.

Ташқи сув йўллари-денгиз ва океанлар - чуқур бўлганлиги учун асосан табиий ҳолда ишлатилади фақат қирғоқда порт атрофларида сувнинг чуқурлиги кема юриши учун етарли бўлмаган саёз жойларда сунъий сув йўллари денгиз каналлари қурилади. Масалан, бунга Фин қўлтиғидан санкт-Петербург портига киришда қурилган денгиз канали. Волга Каспий канали (Волга дарёсини каспий денгизига қўйилишида жойлашган). Сунъий ташқи сув йўлларига яна, денгиз ва океанларни бир - бирига боғловчи каналлар ҳам киради. Масалан, Атлантика ва Тинч океанини боғловчи Панама канали, Ўрта ер денгизини қизил денгиз билан боғловчи Суэц канали.

Ташқи сув йўлларидаги юк ташиш чет элга ташқи савдога хизмат қиласидиган (экспорт, ипорт) ва каботаж (ички) битта мамлакат ичидаги портлар орасида бажарилаладиган юк ташишига киради.

Ички сув йўллари табиий ва сунъий йўлларга бўлинади.

Табиий сув йўлларига денгиз ва дарёлар киради. Табиий сув йўллари кема қатновчи ва ёғоч оқизувчи бўлиши мумкин. Оқизувчи дарёларнинг узунлиги кема қатнаш учун мўлжалланган, сув йўлларига нисбатан бир неча марта узун бўлади.

4.3. Сунъий сув йўллари

Табиий холатдаги дарёлар ва уларнинг ирмоқларида кафолатланган кема юриш чуқурлиги оқим бўйича юқорига камаяди. Юк айланишини шакилланишини ташкил қилувчи йирик саноат марказлари ва иқтисодий худудларга дарёлар юқори қисми ёки ирмоқлари тўғри келади, у ерларда кема юриш чуқурлигини тубни чуқурлаштириш ва ўзанни тўғрилаш чегараланган.

Шундай қилиб, кўп ҳолларда табиий ҳолатдаги дарё тармоғи, хатто уларда кема юриш шароитларини яхшилаган ҳолда ҳам хар хил иқтисодий районлар орасида юкларни арzon ташишни таъминламайди. Булар ҳаммаси сунъий сув йўлларини бунёд қилишни тақозо қиласди.

Сунъий сув йўллари вазифаси ва характери бўйича қуидагиларга бўлинади: а) дарёларни шлюзлаш; б) айланиб ўтувчи (обходные) ва тўғри (подходные) кема юрувчи каналлар в) ҳавзалараро сув транспорти туташувлари.

Дарёларни шлюзлаш деб унда қатор гидроузеллар қуриб кема юриш чукурлигини оширишга, яъни навигация даврида сув сатҳини кўтаришга айтилади. Бунда сатҳлар фарқида кемаларни ўtkазиш учун гидроузеллар таркибида кема ўтказувчи иншоотлар қурилади: - кема юрувчи шлюзлар ёки кема кўтаргичлар.

4.3.1. Кема юрадиган шлюзлар


Шлюзларнинг турлари. Кемаларни ёки кема составини маълум бир босимда бир бъефдан иккинчи бъефга ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти *кема юрувчи (қатнайдигаи) шлюз* дейилади.

Кема юрувчи шлюзлар унинг ўртасига жойлашган камера, юқори ва куи бош қисмдан иборат. Шлюзнинг бош қисмида шлюз дарвозаси жойлашади. У камерани юқори ёки пастки бъефдан ажратиб туради ва сувни тўсиб юқори ёки пастки бъеф билан камера ўртасида сув сатҳини фарқини сақлаб туради. Шлюзни бош қисмида ундан ташқари камерани сув билан тўлдириш ва бўшатиш учун мўлжалланган қурилмалари ҳам жойлашади. Шлюз боши билан кема киравчи канал уланади, у шлюз билан йўналтирувчи девор - (паллар) орқали туташади. Кема киравчи канални бир тамонидаги йўналтирувчи деворига шлюзга киришни кутаётган кемаларни боғловчи қурилмалар (причальные устройства) жойлаштирилади (4.1- расм).

Кема ўтаётган босимнинг қиймати, юкнинг характери ва ташилаётган юклар йўналиши, жойнинг геологик шарт- шароити ҳамда фойдаланиш мулоҳазаларига кўра камералар сони ва жойлашиши, камера конструксияси водопровод галереяси ва ишлатилаётган асосий қурилиш материали турига қараб фарқланадиган хар - хил типдаги шлюзлар қурилади. Камералар сонига кўра шлюзлар *бир камерали ва қўп камерали* бўлади.

Бир камерали шлюзларда кемалар бирданига юқори бъефдан пастки бъефгача бўлган тушиш ёки чиқиши баландлигини босиб ўтади (4.2, а- расм). *Кўп камерали* шлюзларда бу баландлик камералар орасида бўлинган (4.2, б-расм). Кемалар бу баландликни хар бир камерада алохида босиб ўтади. Кўп камерали шлюзларни геологик сув хўжалиги ёки бошқа шарт шароитларга кўра камерага таъсир қилаётган босимни камайтиришга тўғри келганда қурилади. Кўп: камерали шлюзлар қурилганда ер казиш ишлари хажми, шлюзлаш учун сув сарфи камаяди, конструксияси енгиллашади, йиғма (умумий) элементлар ва умумий (типовий) қурилмаларни ишлатиш мумкин.

Лекин бундай шлюзларни кема ўтказиш қобилияти кам ва улардан фойдаланиш қийин.



4.1 - расм. Бир камерали шлюз схемаси:

а - тарх; б - бўйлама қирқим; 1 - юқори кириш канали; 2 - йўналтирувчи девор; 3 - тескари девор; 4 - тузатиш затвори; 5 - водопровод галереялари; 6 - юқори дарвоза (ёпик); 7 - шлюз камераси; 8 - пастки дарвоза (очик); 9 - кема боғловчи девор; 10 - пастки кириш канали; 11 - камера девори; 12 - камера туби; ВГ- юқори боши қисми; НГ - пастки боши қисми.


Хозирги пайтда бир камерали шлюзлар қоямас грунтли заминларда 23 м гача бўлган ва қоя грунтли заминларда 42 м гача бўлган босим таъсирида яхши натижа бераяпти.

Юқори босимда бир камерали шлюзларда сув билан таъминлаш системалари жуда мураккаб, галереяларда сув оқимини тезлиги ортади, вакуум ошади ва затворларда кавитация хосил бўлади, камера деворлари баланд ва катта (оғир). Шлюзлаш учун сув сарфи ва сув тушириш призмаси хажми ошиб кетади, бундан ташқари курилиш ва фойдаланиш даврида қатор қийинчиликларга дуч келинади.

Кўп камерали шлюзларни қўллаш юқорида айтилган камчиликларни камайтиради ёки тугатади.

Камерани жойлашишига кўра шлюзлар *бир йўлли* ва *кўп йўлли* (жуфт) бўлиши мумкин.

Жуфт шлюзлар агар битта шлюзни юк ўтказиш қобилияти етарли бўлмаганда ёки ёғоч оқизиш керак бўлганда қурилади. Бунда камера деворлари қурилиш материаллари хажмини камайтиришга эришиш, кема ҳаракати йўналиши бўйича уни йўлини иқтисослаштириш (маълум бир - мақсадга йўналтириш) мумкин (масалан биттаси ёғоч оқизишга иккинчиси



4.2 - расм. Шлюзнинг бўйлама қирқимлари: а – бир камерали; б – уч камерали; 1 – юқори дарвоза; 2 – қуий ва ўрта дарвоза; 3 – тушшии девори; 4 – ён оқова.

кема қатнаши учун ва х.)

Камерасининг турига (тузилишига) кўра шлюзлар тик деворли ва қия деворли бўлади.

Қия деворли шлюзлар кўпинча паст босимли кичик дарёларда қурилади. Уларни камчилиги сув тўпланиш призмасини ҳажми (камера ҳажми) тик деворли шлюзларга нисбатан катта ва шлюзлаш пайтида кемалар уни қияликларига тегиб қолиши мумкин.

Шлюз бош қисмини турига кўра сув тушувчи деворли ва деворсиз бўлиши мумкин (4.3 – расм).

Тушшии деворсиз шлюзлар. Бундай шлюзлар кўпинча кичик босимларда қўлланилади. Бунда қуриш осон бўлиши учун шлюзнинг юқори ва пастки боши остонаси бир хил нишонга ўрнатилади. Бу холда шлюзни юқори боши остонасидаги сувни чуқурлиги пастки бошида қабул қилинган. Сувни керакли чуқуррлигидан анча юқори ва шу туфайли юқори бошини ва кема кириувчи канални қуриш ишлари ҳажми юқори бўлади (4.3, а - расм).

Тушиш деворли шлюзлар. Бундай шлюзларда юқори боши остонаси нишони юқори бъефда етарли кема қатнови чуқурлигини тамиnlайдиган қилиб белгиланади. Шлюзни юқори боши уни камераси билан тушиш девори орқали туташади, унинг баландлиги шлюздаги сувни босимига деярли тенг бўлади. Бундай девор юқори дарвоза баландлигини ва шлюз юқори бошини ва кириш канали қуриш ишлари ҳажмини камайтиради (4.3, б - расм).

Күшімча (оралық) бошли шлюзлар. Баъзіда узун бир камерали шлюзларда унинг камерасида қүшімча бош үрнатилади. Бунинг натижасида камера иккита бир - бирига тенг бўлмаган қисмга бўлинади. Шлюзни қүшімча боши, шлюзни ярим камерасини юқори ёки пастки боши вазифасини бажаради ва шу туфайли кемаларни узунлиги бўйича уч хил ўлчамда шлюзлаш имкониятига эга бўлади, камера сув ҳажмини камайтиради ва шлюзлаш вақтини камайтиради (4.3, в - расм).

Сурилган бошли шлюзлар. Бундай шлюзлар калта ва кенг камерага эга. Шлюзланадиган кемалар камерага киришиб ёнма - ён жойлаштирилади, бу шлюзлаш вақтини оширади ва ундан фойдаланиш шартини ёмонлаштиради. Шунинг учун бундай шлюзлаш тапографик ёки геологик шарт - шароит бўйича жой тор бўлганда қурилади (4.3, г - расм).


Шахтали шлюзлар. Юқори босимда бир камерали ва лойихаланаётган кеманинг ўлчамлари унча катта бўлмаганда қўлланилади. Улар жуда чуқур камерага эга ва сув тушиш призмасининг ҳажми катта бўлади. Пастки дарвозани ўлчамлари ва оғирлигини камайтириш учун тўсиш девори (забральная стенка) қурилади, бу эса сув ости кема қатнови габаритларини торайтиради. Бу эса бундай шлюзларни асосий камчиликларига киради (4.3, г- расм).

Тўпловчи (жамғарувчи) ҳовузли шлюзлар. Бундай шлюзлар шлюзлаш вақтида сув сарфини камайтириш учун қўлланилади (4.3, е - расм). Бу шлюзланган каналлар табий сув манбайига эга бўлмаган сув айиргичга жойлашганда жуда мухим. Тўпловчи ҳовузлар (бассейнлар) камерани ёнига жойлаштирилади ва бир - бири билан затворлар билан беркитиладиган галереялар орқали боғланган. Камерани бўшатганда сув шу ҳовузларга қуйилади, камерани сув билан тўлдиришда сув ҳовуздан камерага қуйилади, факат етишмаётган сув микдори юқори бъефдан олиб тўлдирилади. Йиғилган сув ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V_{ob} = \frac{K}{K + 2} H\Omega \quad (4.1)$$

бунда: K – тўпловчи бассейнлар сони;
 H – шлюздаги босм;
 Ω - ҳовузлар майдони камера майдонига тенг қилиб қабул қилинади.

Бурулувчи (стрелкали) шлюзлар. Бундай шлюзлар бир неча сув йўли бир жойда кесишганда ишлатилади. Уларни камералари планда хар - хил кўринишда бўлади. Камерани ўлчамлари кемаларни бир сув йўлидан иккинчи сув йўлига ўтиш учун бурилиш имкониятини хисобга олиб белгиланади (4.3, з - расм).



4.3 - расм. Шлюзларнинг камера турлари бўйича турлари:

а - тушиши деворсиз шлюз; б - тушиши деворли; в - оралиқ бошли; г - сурилган бошли; д - шахтали; е - жамгарувчи ҳовузли; ж - айланма; з - стрелкали; 1 - юқори дарвоза; 2 - пастки дарвоза; 3 - оралиқ дарвоза; 4 - водопровод галереяси; 5 - шлюзланаётган кема; 6 - тушиши девори; 7 - тўсувчи девор; 8 - камера; 9 - бўлувчи девор; 10 - жамгарувчи ҳовуз.

4.3.2. Кема кўтаргичлар

Катта босимларни енгиб ўтиш учун баъзида зинапояли шлюзлар ўрнига кема кўтаргични ўрнатиш тежамлироқ бўлади. Кема кўтаргич сув билан тўлдирилган камерани ифодалайди, у кема билан бирга кўтарилади ва туширилади.


Кема кўтаргичлар ҳаракати йўналиши бўйича кемани вертикал йўналиш бўйича бошқа жойга кўтарувчи вертикал ва кемани қия текислик бўйича бошқа жойга кўтарувчи қия турларга бўлинади.

Кема кўтаргич камерасининг иккала томонидан ён деворлар ўрнига дарвозалар ўрнатилади. Кема кўтаргичга туташган каналларда ҳам ҳудди шундай дарвозалар бўлади.

Камерани сув билан бирга оғирлиги доимо ўзгармас бўлади, чунки камерага кема киришда ўзининг оғирлигига teng бўлган сувни ундан сиқиб чиқаради, чиқишда эса шу сув ҳажми яна қайтиб келади. Бу шарт

турли қурилмали камера оғирлигини етарлича аниқликда мувозанатлаш ва камерани силжитувчи зўриқишиларни минимумга келтириш имкониятларини беради.

Кема кўттаргич корпуси темир - бетонли ёки металл конструкцияли бўлиши мумкин.




4.4-расм. Вертикал кема кўттаргичлар схемалари:

а-бир камерали посонга билан; б-кўп камерали гидравлик пресс билан; в-бир камерали пўкак билан; 1-дарвозалар; 2-таянч ва йўналтирувчи дарвозалар ёки устунлар; 3-камера; 4-блоклар; 5-посонгилар; 6- гидравлик пресснинг плунжерлари; 7-цилиндр; 8-задвижка; 9-пўкаклар; 10-пўкаклар учун шахталар.

Камерани сув билан бирга оғирлигини тенглаштириш усули бўйича вертикал кема кўттаргичлар механик (4.4,а - расм), гидравлик (4.4,б - расм) ва пукакли (4.4,в - расм) турларга бўлинади.

Қурилган вертикал кема кўттаргичларнинг баландлиги 36 м, юк кўтариш қобилияти 1000 т ли кемалар бошқа жойга кўчирилади, ҳаракатланувчи қисмларнинг оғирлиги 5400 т гача етади, кемаларни ўтказиш вақти 20...30 мин. чегарасида ўзгаради.

Қия кема күттаргичлар камерани бошқа жойга күчириш учун қия (1:10...1:20) йўл қурилмасига эга (4.5-расм). Камера ёки посонгилар ёки жуфт иккинчи камера билан тенглаштирилади.



4.5-расм. Қия кема күттаргич схемаси:

а-юқори ярим шлюз; б-пастки ярим шлюз; 1-тушириладиган ясси затвор; 2-кема ташийдиган камера; 3-икки тавақали дарвоза; 4-кема ташийдиган йўллар

Кемани бошқа жойга күчириш ҳолатига кўра қия кема күттаргичлар бўйлама ва қўндаланг бўлиши мумкин.

Кема камерада сув устида ва сувсиз қуруқ ҳолатда бўлиши мумкин. Камераларни кейинги ҳолатга ўтказиш уларнинг корпус мустаҳкамлигига ёмон таъсир қиласи. Камерани гравитация усулида яъни уни сув тўлдириш ёки камайтириш йўли билан шунингдек, механик қурилмалар билан силжитиш мумкин.

Катта босимларда кема күттаргичлар одатдаги шлюзларга қараганда бир қатор афзалликларга эга, чунки кемаларни ўтказишда сув сарфини минимумгача камайтиришга имкон яратилади, ўтказиш вақти деярли икки марта қисқаради ва шу билан бирга кема йўлининг ўтказиш қобилияти ошади.

Катта гидроузеллар қурилиш муносабати билан кема ўтказувчи иншоот турини танлаш синчиклаб ўрганилади. Бажарилган техник - иқтисодий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қараб чиқилган ҳамма турдаги кема ўтказувчи иншоотлардан капитал қуйилмалар, эксплуатация харажатлари ва юк айланиш бўйича энг тежамлиси қия кема күттаргич хисобланади.

4.3.3. Кема юрадиган каналлар

Кема юрадиган каналлар турлари. Каналлар туркумланиши ва қўндаланг кесимлари. Сув йўллари сифатида фойдаланиладиган каналлар кема юрадиган каналлар дейилади, агарда уларда ёғоч оқизиладиган бўлса ёғоч оқизиладиган каналлар дейилади.

Кема юрадиган каналлар қадимдан қурилган. Эрамиздан 1450 йил олдин Аристотель Мисрда қурилган Нил дарёси ва Қизил денгизни туташтирган канал тўғрисида ёзган. Эрамиздан 1160 йил олдин Хитойда кемаллар қатнови учун каналлар қурилган. 600 км узунликдаги кема юрадиган канал эрамиздан олдинги VI асрда Вавилондан Евфрат дарёсигача қурилган. Россияда кема

юрадиган каналлар қурилиши XVII аср охирига Улуғ Пётр даврига түғри келади. 1697 йилда Волга ва Дон дарёларини тутуштиришга дастлабки қарашлар бўлган. 1703 йилда Петербург шаҳрини ташкил қилиниши билан бир пайтда Волга ва Нева ҳавзаларини туташтириш бўйича ишлар бошланган, Ценой ва Тварцой дарёларини туташтириш йўли билан.

Кема юрадиган каналлар қурилиши хусусан XVIII аср охири ва XIX аср бошларида кенг миқёсда ривожланади. Кейинчалик, темир йўллар қурилиши ривожланиши билан, кема юрадиган каналлар қурилиши озгина сусайди ва XX асрда эса бу пайтда тупроқ қазадиган механизмларнинг пайдо бўлиши уларнинг қурилиши ривожланишига олиб келди.

Кема юрадиган каналлар айланиб ўтувчи, келтирувчи ва туташтирувчи бўлади.

Кеманинг кўндаланг кесими унинг асосий характеристикасидир. Кема юрадиган каналлар учун унинг кўндаланг кесими унда сузадиган кемаларнинг энг максимал ўлчамлари бўйича танланади. Кўп ҳолларда ҳисоб тескари ҳаракатни ҳам эътиборга олиб бажарилади. Кам ҳолларда канал бир томомнлама ҳаракатга ҳисобланади. Бундай ҳолларда канал узунлиги бўйича камалар учрашадиган жойларда канал кенгайтирилиб ўтиш жойи (разъезд) қурилади.

Канал кўндаланг қирқими камайтиргандага кема ҳаракати қаршилиги ошади, шунинг учун ҳам унинг кўндаланг қирқимини кўп камайтирмаслик керак. Одатда қуидаги шарт қўйилади:

$$n = \frac{\Omega}{X} \geq 4 \quad (4.2)$$

бунда Ω - канал жами кесими юзаси;

X – энг максимал кесим атрофи (мидел).

Канал кўндаланг кесимининг энг оддий шакли – трапециясимон. Канал қияликлари нишабликлари гурунт ҳарактерига боғлиқ. Кумоқ ва гил грунтлар учун қияликлар 2:2 дан 1:4 оралиғида қурилади. Каналнинг максимал ҳисобий кема чўкиши сатхидаги кенглиги қуидаги шартни бажариши керак.

$$v > 2B + 3d \quad (4.3)$$

қарама-қарши кемалар орасидаги ва кема ҳамда канал қиялиги орасидаги масофа d 2метрдан 3 метргача қабул қилинади.

1912 йилдаги XII Халқаро кема юриш конгреси қўрсатмалари бўйича $v=2,6B$.


Канал сув сатҳи энг паст бўлгандаги чуқурлиги

$$h = T + \Delta$$

$$h = \alpha T.$$

Кема остидаги Δ захира кема тури ва ўлчовлари ҳаракат тезлиги ва канал туби грунтига қараб белгиланади. $\Delta=0,5\dots1,5\text{м}$, кўп ҳолларда $\Delta=0,5\text{T}$ ёки $\alpha=1,5\text{T}$.

Кема тубида кам захира бўлганда, хусусан канал хўлланган периметри бўйича фильтрацияга қарши гилли экран ўрнатиганда. Кема канал ўртасида ҳаракатлангани туфайли, ювилиш канал туби ўртасида содир бўлади. Шунинг учун ҳам канал туби бир мунча нишабли қилинади.(1:25\dots1:50). Шундай қилиб, канал ўқи бўйича кема туби остида бир мунча захира ҳосил бўлади. (4.6 - расм).



4.6 – Расм. Канал кўндаланг кесими

Канал усти отметкаси (брювка) максимал сув сатидан қазилма каналларда $1,0\dots1,5\text{м}$; кўтариш каналларда $2,0\dots3,0$ метргача ошади. Канал брювкасида эни 3 дан 4 метргача бўлган канал бўйича уни таъмирлаш ва кузатиш учун бермалар ўрнатилади. Агарда кемаларни тортиш қирғоқдан бўладиган бўлса, брювка бўйича электровоз, транспорт учун йўл ўрнатилади., мос равища унинг эни танланади.

Канал қачонки унинг туби табиий гурунт сатҳидан пастда, каналдаги сув сатҳи эса баланд бўлганда дамбалар билан чегараланади. Агарда канал туби табиий гурунт сатҳидан юқори бўлса нафақат дамба туб остидан майдонча ҳам қилинади. бунда кўп ҳолларда каналдан сув йўқолишини камайтириш учун махсус фильтрацияга қарши элементлар ўрнатилади.

Каналларни трассалаганда иложи борича уни тўғри трассалаш керак, бурилиш участкаси тўғри келганда у катта радиусда бўлиши керак. Одатдаги шароитда минимал бурилиш радиуси (ўқ линиясига нисбатан) $R=6L$ бу ерда L -максимал катта кема узунлиги. Айрим ҳолларда истисно тариқасида, $R\geq3L$ қабул қилинади.

4.4 Дарё портлари

4.4.1 Дарё портлари турлари ва элементлари

Портлар хақида умумий маълумотлар ва уларни классификацияси. Портларга қўйиладиган талаблар. Дарё портлари деб кемалардан юкларни ва йўловчиларни тушириш ва аксинча юлаш ва бошқа иш жараёнларини бажариш учун махсус жиҳозланган гидротехника ва қирғоқ иншоотлари мажмуасига айтилади.

Дарё портлари таркибига юк тушириш ва юлаш каби механизмлар ва транспорт воситалари билан жиҳозланган гидротехника ва қирғоқдаги ишлаб-чиқариш иншоотлари киради. Бу иншоотлар юкларни тушириш йўловчиларни қирғоқдаги транспорт воситаларидан кемага ўтқазиш ёки аксинча ишларни бажариш, флотларга техник хизмат кўрсатиш каби вазифаларни бажаришга мўлжалланган. Портларда юкларни бир кемадан иккинчисига юлаш, юкларни қабул қилиш, сақлаш ва кема қатнаш даври оралиғида тарқатиш каби бошқа иш жараёнлари ҳам бажарилади.

Йиллик юк айланмаси унча катта бўлмаган (50 минг тоннадан кам) портлар пристанлар деб аталади. Портлар қатор белгиларга кўра классификацияланади. Бажариладиган иш жараённига кўра портлар ва пристанлар юк туширувчи ва жўнатувчига бўлинади. Кўпгина портлар ва пристанлар бир вақтни ўзида юклар ва йўловчилар билан шуғулланади. Кўпгина юк қабул қилувчи ва жўнатувчи портлар фақат бир хил турдаги юкларни қабул қилиш ва жўнатишга мослашади (кўмир, руда, ёғоч, балиқ ва х.) ва ушбу юклар номи билан аталади.

Ташиладиган юк ва йўловчи миқдорига кўра дарё портлари тўртта тоифага бўлинади.

4.1. жадвал

| порт (пристан) тоифаси | суткадаги ташиладиган миқдори тоннада) | ўртacha юк (шартли) | суткадаги ўртacha йўловчи миқдори (шартли йўловчи) |
|---------------------------|---|---------------------------|---|
| I | 15000 дан кўп | | 2000 дан кўп |
| II | 3501-15000 | | 501-2000 |
| III | 751-3500 | | 201-500 |
| IV | 750-ва ундан кам | | 200 ва ундан кам |


Портлардаги ҳар хил юкларни миқдорини аниқлашда шартли тонна деган тушунча киритилади. Юк ташиш айланмасини шартли тоннага келтириш

учун, ушбу юклар массасини мос равишдаги коэффициентига күпайтирилади, ушбу коэффициент микдори ҳар хил уюмдаги юклар учун 0,6-1,3 ва маҳсус қутиларга жойлаштирилган дона юклар учун 3,1-4,5 оралиғида қабул қилинади.

Йўловчилар учун мўлжалланган порт ва пристанларни лойиҳалашда ҳам худди шундай йўл тутилади. Бунда йўловчи ташиш микдорини шартли микдорга (шартли йўловчи) келтириш учун суткадаги йўловчи микдорини келтириш коэффициентига күпайтирилади. Ушбу коэффициент микдори ҳар хил тоифадаги йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун сарф қилинадиган вақт ва меҳнатга қараб қуидагича қабул қилинади: шахар атрофидаги йўловчилар учун – 0,15 гача; маҳаллий йўловчилар учун – 1,0 гача; транзит йўловчилар учун – 2,5 гача;

Дарё порти жойлашган сув йўлига кўра портлар: табиий сув йўлларидағи – эркин дарёлар ва кўллардаги; сунъий сув йўлларидағи - кема қатновчи каналлардаги, шлюзланган дарёлар ва сув омборларидағи портларга бўлинади. Эркин дарёлардаги ва транспорт мақсадларидағи гидроузел бъефларидағи портларни алоҳида хусусиятлари, дарёни гидрологик режимига боғлиқ бўлган кема қатновчи сув сатҳини ўзгариб туриши ҳисобланади. Ушбу ўзгариш айрим дарёларда 10-12м гача баъзан ундан ҳам кўпроқ микдорга етади, бу эса ўз навбатида портни жойлашиши ва типига сезиларли даражада таъсир қиласи. Кема қатновчи каналлар ва ҳавзалараро боғланган гидроузел бъефларида сув сатҳини ўзгариши кўпинча сезиларсиз, лекин бунда портларни жойлашиши канални кўндаланг кесим юзасига ва гидроузеллар ҳосил қилиган бъефлар ўлчамларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Кўлларда гидрологик режимга боғлиқ бўлган сувни сатҳини ўзгариши унча кўп эмас. Комплекс мақсадларда ҳосил қилинган гидроузеллардаги сунъий сув омборларида дарё оқимини бошкариш туфайли ҳосил бўладиган сув сатҳини ўзгариш микдори катта бўлиши ва у гидроузелдаги босим микдорини 20-30% гача етиши мумкин.

Дарёда жойлашишига кўра портлар ўзандаги - дарё ўзанида қирғоғи бўйлаб жойлашади (4.7,а-расм), ўзандан ташқаридаги – дарё ўзанидан ташқаридаги табиий ёки сунъий ҳавзаларда жойлашади (4.7,б-расм), ва аралаш портларга бўлинади.



4.7 -расм. Дарё портлари:

a-ўзанда жойлашган; б-ўзандан ташқарида жойлашган

Аралаш портларда иншоотларни бир қисми дарё ўзанида қолган қисми эса ўзандан ташқаридаги ҳавзаларда жойлашади. Юқорида айтилғанлардан ташқари ҳеч қандай юк ва йўловчи тушириш ва юклаш ишларини бажармайдиган махсус портлар ҳам мавжуд буларга *аванпортлар* ва *порт-панагоҳлар* киради.

Ўзандаги портларда кема боғлаш қурилмалари (причал чизиклари) бевосита дарё ўзанига уни қирғоғи бўйлаб жойлашади. Ўзандан ташқаридаги портларда кема боғлаш қурилмалари асосий ўзан билан ирмоқ ёки канал орқали боғланган табиий кўрфаз ва қўлтиқларда жойлашади.

Аванпортлар гидроузел (сув омбори) юқори бъефида тўлқин кучи катта бўлган довуллар юз бериши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолларда кемаларни ҳимоя қилиши учун такомиллаштирилади. Бундай аванпортларга кемалар кириб шамол тўлқинлари тугагунга қадар кутиб туради. Худди шундай мақ-

садда йирик сув омборлари қирғоқларида түлқиндан ҳимояланган порт-панағоҳлар қилинади.

Дарё портлариға қуидаги талаблар қўйилади:

- дарё кенглиги кема тўхташ жойида турган ва унга яқинлашиб келаётган кемаларни жойлашиши учун етарли бўлиши керак;
- портга кириш ва кема тўхташ жойларидағи сув чуқурлиги кемани ҳисобий чўкиш чуқурлигига мос келиши керак;
- оқим тезлигини миқдори 1-1,2м/с дан катта бўлмаслиги керак;
- кема боғлаш жойидаги дарё қирғоғи турғун характерга эга бўлиши керак.

Кема боғлаш чизиги бўйлаб сув юзасини кенглиги $7V_c$ га teng бўлиши керак, бунда V_c кемани максимал кенглиги.

Ҳар қандай замонавий порт таркибига ўзининг асосий вазифаси бўлган юклар ёки пассажирларни бир транспорт воситасидан иккинчисига узатиш учун қуидаги элементлар киради:-акватория ва территория. Портларни самарали ишлаши учун уларни асосий элементларини ўлчамлари ва юк қабул қилиш ва жўнатиш қобилияти бир-бирига ўзаро мос келиши керак.

Акватория – бу портга келган кемаларни кириши, тўхтаб туриши ва таркибини қайта шакллантириш учун фойдаланиладиган, керакли ҳолларда шамол тўлқинлари ва оқимлар таъсиридан иншоотлар ёрдамида ҳимоя қилинган сув майдони. Акватория майдонида рейдлар ва причаллар жойлашади.

Рейдлар – бу портларда бир хил операцияларни бажариш жараёнида маълум бир кемалар состави жойлашадиган акватория майдони. Рейдлар кириш, жўнатиш ва юк ортиш рейдлариға бўлинади. Кемалар кириш рейдларида ўзи юрмас кемалар составини қайта шакллантириш ва юкларни тушириш учун кутиш ишлари бажарилади. Жўнатиш рейдида ўзи юрмас кемалардаги юкларни тушириб ёки ортиб бўлгандан сўнг уларни жўнатиш учун қайта шакллантириш ишлари бажарилади. Янгидан юк ортиш рейдларида кемалар ўртасида бевосита бир-бирига юк ортиш ишлари бажарилади.

Кема тўхташ жойи иншоотлари – кема тўхташ жойи фронтини ташкил қиласиди. Ушбу фронт бир ёки бир неча кема тўхташ жойларидан ташкил топган бўлиши мумкин. **Кема тўхташ жойи** деб битта ҳисобий кемани боғлаб қўйиш, уни бўшатиш ёки юклашни таъминлайдиган порт майдонига айтилади. Кема тўхташ жойини акваториядан ажралиб турадиган чизиги ёки кардон чизиги майдонида омбор бинолари, очик майдонлар, маъмурий ва ёрдамчи бинолар, транспорт коммуникациялари ва юк тушириш ва ортиши механизмлари жойлашган. Кемалар тўхташ жойи фронтини хавфли қисмлари тўлқинлар, оқимлар ёки музликлар таъсиридан сақловчи қирғоқни ҳимоя қилиш иншоотлари билан мустаҳкамланган. Зарурият бўлганда дарёларда қишки мавсумда кемалар туриши ва таъминланиши учун муз таъсиридан

ҳимоя қилингган алоҳида акваторий ҳудудлар ажратилади, булар затонлар деб аталади. Мазкур, затонларда ёки бевосита (тўғридан-тўғри) портда кема кўттаргич иншоотларининг турли хил турлари (слиплар, эллинглар, кема кўттаргичлар сузувчи ва қуруқ доклар) бўлган кема таъмирлаш корхоналари жойлаштирилиши мумкин. Улар таъмир пайтида кемалар корпусини сув ости қисмини қуритиш учун мўлжалланган.

Назорат саволлари

1. Сув транспорти деб нимага айтилади?
2. Сув йўлларини турларини айтинг?
3. Ташқи сув йўлларига нималар киради?
4. Ички сув йўллари қандай турлари мавжуд?
5. Портлар деб нимага айтилади?
6. Шлюз деб қандай иншоотга айтилади?
7. Кема юрувчи шлюзларни қандай турларини биласиз?
8. Қандайхолларда кўп камерали шлюзлар қурилади?
9. Кема кўттаргичларни қандай типларини биласиз?
10. Кема юрадиган каналларни қандай турларини биласиз?
11. Дарё портларини қандай типлари мавжуд?
12. Дарё портлари таркибига нималар киради?
13. Дарё портлари нечта тоифага бўлинади?
14. Аванпорт нима ?
15. Порт-панагоҳлар деб нимага айтилади?
16. Дарё портларига кўйиладиган талаблар?
17. Акватория нима?
18. Рейдлар нима?

5-боб. ИНЖЕНЕРЛИК МЕЛИОРАЦИЯСИ

5.1. Мелиорациянинг вазифалари ва турлари

Мелиорация деганда фойдаланилаётган ерларнинг нокулай табиий шароитларини тубдан яхшилашга қаратилган техникавий тадбирлар тизими тушунилади.

Мелиорациянинг уч асосий вазифаси фарқланади:

а) нокулай сув режими шароитидаги, хусусан намлик керагидан ортиқ бўлган ёки у худуддан хўжалик мақсадларида самарали фойдаланиш учун зарур деб ҳисобланган миқдордан кам бўлган шароитлардаги ерларни яхшилаш;

б) тупроғи нокулай физик ва кимёвий хоссаларга эга бўлган (оғир лойли ва балчиқсимон, тупроғининг нордонлик даражаси юқори бўлган) ерларни яхшилаш;

в) заарарли механик таъсир, яъни сув ва шамол эрозияси таъсири остида бўлган ер майдонларини яхшилаш.

Муайян вазифага қараб мелиорациянинг ҳар хил турлари қўлланилади.

Худуддан ортиқча сувни четлатишга қаратилган мелиорация зах қочириши мелиорацияси деб аталади. У қишлоқ хўжалигидан ташқари коммунал, саноат ва йўл қурилишида, ботқоқланган ерларда соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда ва ерларни ўзлаштиришнинг бошқа турларида қўлланилади.

Қишлоқ хўжалик майдонлари тупроғида сув тақчиллигига барҳам беришга қаратилган мелиорация *сугории мелиорацияси* деб аталади.

Сув ва шамол эрозияси таъсири остидаги ерлар мелиорацияси одатда оқувчи юзаки сувлар миқдори ва тезлигини камайтиришга, тупроқнинг ювилиш ва сочилишларга қаршилигини оширишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Бу тадбирлар ўрмон экинлари, агротехника ва гидротехника воситаларининг кенг мажмуидан фойдаланишга асосланади.

Хозирги давр шароитида мелиорация ишлари олиб бориладиган худудларнинг аксариятида одатда юқорида кўриб чиқилган мелиорация турларининг биттаси эмас, балки, табиий ва хўжалик шароитлари ўйғунлигига қараб, бир нечтаси амалга оширилади. Масалан, худудни суғориш билан бир вақтда унда ўрмон минтақалари яратилади, суғориладиган майдонларда экин-тиқин қилинади, ўғитлардан фойдаланилади, шўрланган ер майдонларида шўр ювиш ишлари амалга оширилади.

Мелиорация ишларининг юқорида қайд этилган ҳар хил турларидан уларнинг кўпчилиги гидротехника ваколатлари доирасига кирмаслиги кўринади. Масалан, уларнинг орасида ўрмон мелиорацияси, қишлоқ хўжалик мелиорацияси ва ҳоказолар бор. Шу сабабли қуйида факат сув мелиорацияси турлари: суғориш, зах қочириш ва сув эрозиясига қарши кураш масалаларини кўриб чиқамиз.

5.2. Қишлоқ хўжалик ерларини суғориши

5.2.1. Суғориши турлари ва усуллари

Суғориши – тупроқни сунъий йўл билан намиқтириш. У тупроқнинг ёғин-сочинлар билан табиий намланиши қишлоқ хўжалик экинзорларида муттасил юқори ҳосил олиш учун етарли бўлмаган жойларда қўлланилади. Суғориши тупроқнинг ўсимликлар учун энг қулай сув режимини ва у билан боғлик бўлган озиқланиш, ҳаво, иссиқлик, туз ва микробиологик режимларини таъминлайди.

Суғориладиган ер майдонларида тупроқнинг зарур сув режими суғориши системаси, яъни ерларни суғориши учун мўлжалланган гидротехника иншоотлари ва бошқа қурилмалар мажмуи билан яратилади ва тартибга солинади. Кўйидагилар бу иншоотлар мажмуининг асосий вазифалари ҳисобланади: суғориши манбани ростлаш ва ундан сифат жиҳатидан қониқарли сувни керакли миқдорда олиш; сувни сув олиш жойидан далаларга етказиш, далаларда сувни жамланган сув оқими ҳолатидан тупроқдаги намлик ҳолатига ўтказиш; ортиқча юзаки ва сизот сувларни суғориладиган ҳудуд ташқарисига четлатиш.

Далаларга сув вегетация даври мобайнида узлуксиз ёки бир неча марта узатилса, бундай суғориши мунтазам бўлади. Далаларга сув йилда бир марта – баҳорги ёки ёзги тошқинлар вақтида узатилса, бундай суғориши бир марта суғориб қолиш деб аталади (тошқин сувлар билан суғориши ёки лиманли суғориши). Мамлакатимиз шароитлари учун мунтазам суғориши муҳимроқ аҳамият касб этади.

Мунтазам суғоришида далалардаги тупроқни намиқтириш ва ўсимликларни сув билан таъминлаш ҳар хил усуллар билан амалга оширилади. Бу усулларга қараб ўз оқими билан тупроқ устидан суғориши, ёмғирлатиб суғориши, тупроқ остидан (ичидан) суғориши ва томчилатиб суғориши фарқланади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ўз оқими билан тупроқ устидан суғориши усули айниқса кенг тарқалган (жами экинзорларнинг 80% шу усулда суғорилади). Бироқ ёмғирлатиб суғориши усули мукаммалроқ ва самаралироқ ҳисобланади. Мамлакатимизда ёмғирлатиб суғориладиган майдонлар улуши йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Тупроқ остидан суғориши ва томчилатиб суғориши усуллари камдан-кам ҳолда ва унча катта бўлмаган майдонлардагина қўлланилади.

Суғориладиган деҳқончиликда фойдаланиладиган сув миқдори ўз маҳсус ўлчов бирликлари билан тавсифланади. Булар: мавсумий суғориши меъёри M, суғориши меъёри m ва гидромодуль q.

Берилган ҳосилни олиш учун мазкур экин экилган суғориладиган ер майдонининг ҳар 1 гектарига бутун суғориши даври мобайнида узатилиши лозим бўлган сув миқдори мавсумий суғориши меъёри деб аталади.

Ер майдонини вақти-вақти билан намиқтиришда мавсумий суғориш меъёри суғориш меъёри деб аталувчи алоҳида қисмларга бўлинади. Бинобарин, суғориш меъёри деганда мазкур экин экилган суғориладиган ер майдонининг ҳар 1 гектарига бир суғоришда узатиладиган сув миқдори тушунилади. Суғориш меъёри $m^3/га$ билан ўлчанади.

Суғориш меъёри суғориладиган майдонга бир лаҳзада эмас, балки маълум вақт мобайнида узатилади. Бу вақт суғоришнинг давомийлиги T деб аталади. У маҳаллий шароитларга қараб бир неча суткадан 30 кунгача чўзилиши мумкин.

Суғориш системаларини лойиҳалашда қишлоқ хўжалик экинзорларига узатилувчи секундлик сув сарфларини ҳам билиш лозим. Бу сарфлар гидромодуллар орқали ифодаланади. Масалан, умумий суғориладиган майдон F нинг n_1 қисмига экин A экилган бўлсин ва бу экин учун $m_3/га$ ҳисобида ўлчанадиган мавсумий суғориш меъёри M_A T_A қун мобайнида узлуксиз узатилсин. Бунда бир гектар ер майдонини суғориш учун талаб этилувчи литрларда ўлчанадиган ва гидромодуль деб аталадиган секундлик сув сарфи қуйидагича аниқланади ($л/с\cdotга$):

$$q_A = (M_A \cdot 1000) / (T_A \cdot 24 \cdot 3600) = M_A / 86,4 T_A. \quad (5.1)$$

Умумий суғориладиган майдон F нинг n_2 қисмига экилган B экин учун гидромодулга шу йўл билан қуйидаги ифодани оламиз:

$$q_B = M_B / 86,4 T_B \quad (5.2)$$

ва ҳ.к.

Бир суғориш системаси доирасида турли экинларни суғориш бир вақтда амалга ошириладиган кунларда гидромодулларнинг қийматлари қўшилади. Гидромодуль ёрдамида системанинг сувдан фойдаланишига қиёсий баҳо берини амалга ошириш қулайдир.

Бутун суғориладиган майдон учун жами сув сарфи Q $л/с$ ни барча экинлар учун (5.1) ва (5.2) ифодаларни олдин тегишли суғориш майдонларига кўпайтириб, сўнг эса уларни қўшиб оламиз:


$$Q = (M_A n_1 F) / 86,4 T_A + (M_B n_2 F) / 86,4 T_B + \dots \quad (5.3)$$

Экиннинг суғориш меъёри аксарият ҳолларда ҳатто бир мавсум мобайнида ҳам ўзгармас бўлиб қолмайди, балки суғоришдан-суғоришга ўзгариб боради. Бу q ва Q қийматлар ўзгариши сабабларидан бири ҳисобланади. Жами сув сарфининг минимал ва максимал қийматлари хусусан лойиҳалаш мақсадлари учун диққатга сазовордир; бу катталиклардан каналларни ва суғориш системасининг бошқа гидротехника иншоотларини ҳисоблашда фойдаланилади.

5.2.2. Ўз оқими билан тупроқ устидан суғориш

Тупроқ устидан суғориш системаси (5.1-расм) қуйидаги қисмлардан иборат: а) суғориш манбаи; б) асосий сув олиш жойи; в) суғориш тармоғи

каналлари; г) сув йиғиш-сувни чиқарып юбориш каналлари ва зовурлар тармоғи; д) каналлардаги гидротехника иншоотлари. Бундай системани лойихалаш «Мелиорация системалари иншоотлари. Лойихалаш меъёрлари» ҚМҚ тавсияларига мувофиқ амалга оширилади.



5.1-расм. Тупроқ устидан сугориш схемаси:

1 – сугориши манбаи; 2 – асосий бүгін; 3 – магистрал каналнинг салт қисми; 4 – магистрал каналнинг ишчи қисми; 5 – биринчи тартибли тақсимлагич; 6 – иккинчи тартибли тақсимлагич; 7 – вақтингчалик сугоргич; 8 – ўқ ариқ; 9 – сугориши ариқлари; 10 – ростлагичлар; 11 – ихота дараҳтлари

Сугориш учун фойдаланиладиган сув манбаи бўлиб дарё хизмат қилса (бу ҳол тупроқ устидан сугориша айниқса кўп учрайди), сугориш системасига сув узатиш учун дарёда сув олиш иншоотлари типларидан бири қурилади. Бу ўз оқими билан тўғонсиз ёки тўғонли сув олиш ёки машинали сув олиш, яъни насос станцияси бўлиши мумкин.


Дарё сувини оқиндилярдан тозалаш талаб этилса, сув олиш жойи ортида тиндиригич ўрнатилади. Бу ердан тиндирилган сув сугориш тармоғига узатилади.

Сугориш тармоғи каналлар системасидан ташкил топади. Каналлар доимий ва муваққат бўлади. Доимий каналлар таркибига магистрал канал ва унинг тармоқлари, хўжаликлараро каналлар ва хўжалик доирасидаги биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо (юқорироқ) тартибли тақсимлагичлар киради. Муваққат каналлар системаси сугоргичлар ва ўқ ариқлардан ташкил топади. Бу гидротехника иншоотлари ҳар йили (баъзан йилда бир неча марта) қазилади ва текисланади.

Магистрал канал сугориладиган майдондаги каналлар системасининг биринчи бўгини ҳисобланади. У кўпинча икки қисм – салт ва ишчи қисмлардан ташкил топади (5.1-расмга қаранг). Каналнинг бу қисмлари ўртасида биринчи тақсимлагичнинг қўшилиш нуқтаси чегара бўлиб хизмат қилади. Магистрал каналнинг ишчи қисми бутун сугориладиган майдон бўйлаб ҳукм суриши ва сугориш тармоғининг қолган барча каналларини сув билан таъминлаши лозим.

Суғориладиган хўжаликни яхшироқ ташкил этиш мақсадида суғориладиган майдон суғориладиган участкаларга ажратилади. Бундай участкалар рельефнинг мураккаблик даражаси ва этиштирилаётган экин турига қараб фарқланади. Суғориладиган участкаларга сув хўжаликларо тақсимлагичлар системаси ёрдамида келтирилади, участкалар ҳудудига эса сув вақтингчалик суғориш тармоғи орқали келади.

Суғориладиган участка майдонидаги тупроқ бир текис намиқиши учун суғориш пайтида сув майдон юзаси бўйлаб ўқ ариқлардан (5.2-расм) ёки суғориш тахталаридан (5.3-расм) оқизилади. Тахталарга бўлиб суғоришида сув уватлар орқали бир-биридан ажратилган тахта (пол)ларга оқиб боради. Тахталар устидан бир текисда аста-секин оқиб бораётган сув шу тахта охирига етгунча тупроққа синга боради, ҳар қайси пол ўқ ариқдан ёки бевосита муваққат ариқдан сув олади. Тахталарнинг нишаблиги 0,002-0,02 дан ошмаслиги керак. Ўқ ариқлар ҳам, тахталар ҳам экишдан олдин ёки у билан бир вақтда маҳсус машиналар ёрдамида олинади.



5.2-расм. Ўқ ариқлар:

а –чопиқталаб экинларни суғоришида; б – кўп йиллик экинларни суғоришида; в – тирқии-ўқ ариқлар. (ўлчамлар сантиметрда берилган).


Шоли этиштирилганида суғориладиган участка деярли бутун ўсиш даври мобайнида тахминан 15 см қалинликдаги сув қатлами остига чўқтирилиши лозим, шу сабабли шолипояларда далалар одатда 6-45 гектаргача катталиктаги кўмилиш майдонларига ажратилади.

Суғориш тармоғи доимий каналларининг қўндаланг кесими шакли уларнинг ўлчамлари, замин грунтлари хусусияти ва ишларни бажариш усулига қараб танланади.

Магистрал канал ва қолган барча кичик каналларнинг ишчи қисмини қуришда уларни ярим ўйиқ-ярим кўтармада ёки ҳатто кўтарма устидаги қазиши устун қўйилади, чунки бунда суғориладиган майдонларга сув узатиш сезиларли даражада осонлашади

Асосий ҳисобий сув сарфи – меъёрий сарф. Каналнинг барча гидравлик элементлари унга қараб танланади. Тезлаштирилган сув сарфига кўра дамбалар сиртининг белгилари ва бермаларнинг белгилари топилади,

минимал сув сарфига кўра эса сув дамлаш иншоотларининг ўрни аниқланади.




5.3-расм. Тахталар бўйлаб суғориш схемалари:

а – тахталарнинг жойлашуви; б – тахтанинг кўндаланг кесими; в – тахталарга сув узатиши схемалари; г – сув тақсимловчи ариқнинг кўндаланг кесими; 1 – мувакқат сугоргич; 2 – ўқ ариқ; 3 – тахта; 4 – уват; 5 – ер юзаси; 6 – сув тақсимловчи ариқ; 7 – асосий сув узатиши жойлари; 8 – ёндан сув узатиши жойлари. (Ўлчамлар сантиметрда берилган.)

Каналларнинг кўндаланг кесими ўлчамлари, оқим тезлигини аниқлаш ва каналлардаги сув исрофига қарши кураш принципларида баён этилган. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, оқим тезлигини тўғри танлаш жуда муҳим аҳамият касб этади, зеро унга нафақат канал кесимининг ўлчамлари, бинобарин, уни қуриш қиймати, балки каналнинг лойқаланиш ва ўт босиши ҳолати, бинобарин, канални ишчи ҳолатда сақлаш учун фойдаланиш харажатлари ҳам боғлиқ бўлади.

Суғориш каналларида оқиндилар чўкишини камайтириш мақсадида уларда сув оқимининг минимал тезликларини камида 0,3 м/с катталиқда қабул қилиш тавсия этилади ва сув омборидан тиндирилган сувни олиш пайтидагина улар 0,2 м/с гача пасайтирилиши мумкин.

Каналларни сувга ўч ўсимликлар босишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Оқим тезлиги қуйидагича намоён бўлади: $v < 0,45$ м/с бўлган ҳолда



5.4-расм. ўзани ўқ ариқлар бўйлаб суғориш схемалари
а – бўйлама схема; б – кўндаланг схема

сув ўсимликлари жуда тез, $v=0,45\div0,6$ м/с бўлса – ўртача тезликда ва $v>0,6$ м/с бўлса – жуда секин ривожланади. Сув чуқурлиги 0,8-0,9 м дан ортиқ бўлган ҳолда сув ўсимликларининг аксарияти ривожланмайди. Каналларни ўт босиши сувнинг лойқалик даражаси ρ га ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, Амударё суғориш системаларида $\rho<0,6\div0,7$ кг/м³ бўлган ҳолда жуда кўп, $\rho>1\div1,5$ кг/м³ бўлса, жуда кам ўт босади. Каналларни ўт босиши ўсимликларнинг қалинлиги, баландлиги ва турига қараб каналларнинг сув ўтказиши қобилиятини 2-4 баравар пасайтиради.

Сув йифиш-сувни чиқариб юбориш тармоғи ортиқча юзаки сувларни йифиш ва четлатиш ҳамда суғориш каналларидан сувни чиқариб юбориш учун мўлжалланади. У қуйидаги гидротехника иншоотларидан ташкил топади:


- суғориш каналларидан ортиқча сувни ташлаш, шунингдек суғориш каналларини оқиндишдан ювиш учун эҳтиёт шарт (авария ҳолатида фойдаланиш учун мўлжалланган) чиқармалар ва пойновлардан;
- ҳар хил тартибли сув йифиш каналларидан. Улар чиқарма каналлардан сувни ва суғориладиган ерлардан юзаки сув оқимларини қабул қилиб олади ва бу сувларни сув қабул қилгичларга ташлайди;
- суғориладиган ерларни уларга юқорироқда жойлашган сув йиғгичдан юзаки сувлар келишидан сакловчи тоғ каналларидан.

Пойновлар сув сарфи $Q \geq 0,25$ м³/с бўлган барча доимий суғориш каналларининг этагида қурилади. Ҳар бир суғориш канали ундан охирги кичик суғориш канали чиқувчи нуқтада сув чиқарма каналга ўтади (5.,а – расм).

Эҳтиёт шарт (авария ҳолатида фойдаланиш учун мўлжалланган) чиқармалар ўта муҳим иншоотлар ёки канал участкалари олдида, иншоотларнинг йирик бўғинларида ва имкониятга қараб жойнинг табиий пастликлари яқинида жойлаштирилади. Аксарият ҳолларда биринчи эҳтиёт шарт чиқарма магистрал каналнинг салт қисми этагида қурилади (5.5, б -

расм). Асосий сув йиғувчи каналлар одатда жойнинг табиий пастликлари: тальвеглар, жарликлар, чуқурликлар бўйлаб жойлаштирилади. Кичик тартибли сув йиғувчи каналлар ҳам, қоида тариқасида, пастликлар бўйлаб ўтади, бироқ уларнинг трассасини белгилашда суғориш ва сув чиқариш каналларининг жойлашуви ҳисобга олинади, чунки улар сувни сув чиқариш каналларидан қабул қилиб олади. Агар суғориш каналлари бир томонлама бошқариладиган бўлса, сув йиғиши каналлари суғориш каналлари ёнидан ва улардан юқорироқда ўтади (5.5, а, г -расм).

Тоғ каналлари суғориладиган ҳудуднинг энг юқори белгилари бўйлаб, одатда суғориш каналларидан юқорироқдан ўтади (5.5, д -расм).




5.5-расм. Сув чиқариш ва сув йиғиши каналларининг жойлашуви (а-д):
1 – суғориши канали; 2 – поинов; 3 – сув чиқариши канали; 4 – бош иншиот; 5 – магистрал канал; 6 – эҳтиёт шарт (авария ҳолатида фойдаланиши учун мўлжалланган) чиқарма; 7 – тоғ канали

Зовур тармоқлари суғориш системаси ҳудудидан ортиқча сизот сувларни четлатиш учун хизмат қиласи. Зовур тармоқлари куриш зарурияти қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади. Курғоқчил ҳудудларда тупроқ таркибида эрийдиган сувлар кўп миқдорда мавжуд бўлади. Бундай ҳудудлар суғорилганида тупроқнинг юқори қатламларидан тузлар аввалига суғориш сувлари билан ювилади ва бу сувнинг ўсимликлар фойдаланмаган қисмлари сизот сувларга қўшилиб, уларнинг сатҳи аста-секин кўтарилишига сабаб бўлади. Вақт ўтиши билан минераллашган сизот сувларнинг капилляр минтақаси ер юзасига жуда яқин келиб қолади ва бу ҳол сувнинг фаол буғланишига замин яратади, сув таркибида мавжуд тузлар эса тупроқда йиғилиб, қишлоқ хўжалик экинларига салбий таъсир кўрсатувчи иккиламчи шўрланишини юзга келтиради. Тупроқнинг фаол шўрланиши бошланадиган минераллашган сизот сувлар жойлашган чуқурликни критик чуқурлик деб ҳисоблаш одат тусини олган. У тупроқ ва грунтлар хусусиятига ҳамда сизот сувларнинг минераллашув даражасига боғлиқ бўлади; мамлакатимизнинг суғориш системаларида бу чуқурлик тахминан 1-4 м ни ташкил этади.

Тупроқнинг шўрланишига қарши кураш – суғориладиган дехқончиликнинг асосий муаммоларидан бири. Сизот сувлар сатҳининг кўтарилишини секинлаштириш ва тупроқнинг ўсимликлар илдизи

жойлашган қатламига туз чиқишини камайтириш имконини берувчи бир қанча усуллар мавжуд.

Суғориладиган ерларда дренаж – бу сизот сувлар сатхини пасайтириш ва уларни суғориладиган худуд ташқарисига четлатиш имконини берувчи гидротехника иншоотлари (қувурлар, каналлар, қудуклар, насос станциялари ва б.) мажмуй. Дренажнинг икки асосий тури: горизонтал ва вертикал дренаж мавжуд. Горизонтал дренажнинг очиқ ва ёпиқ шакллари фарқланади. Горизонтал дренаж ариқлар кўринишидаги зовурлар системасидан (очиқ зовурлар) ёки сопол, асбоцемент, пластмасса ва бошқа қувурлардан иборат ер ости қувур йўллари (ёпиқ зовурлар) ҳамда ҳар хил тартибли коллекторлардан ташкил топади. Бу иншоотлар орқали зовур сувлари сув қабул қилгичларга тушади. Вертикал дренаж – бу мустаҳкамланган қудуклар гурухи бўлиб, улардан мунтазам равишда ёки вақти-вақти билан сув насослар ёрдамида тортиб олинади.



5.6-расм. Зовурларнинг кўндаланг кесимлари:

а – очиқ зовурнинг кўндаланг кесими; б – «токча» методи бўйича қазилган ёпиқ зовурнинг кўндаланг кесими; в - қум-шагали фильтрдан иборат ёпиқ зовурнинг кўндаланг кесими; 1 – кавальер; 2 – тупроқнинг унумли қатлами билан кўмиши; 3 – механизмлар ёрдамида кўмиши; 4 – диаметри 100-200 мм бўлган сопол, асбоцемент ёки пластмасса қувур; 5 - қум-шагали фильтр; 6 – зовурни қазиши пайтидаги депрессия эгри чизиги; 7 - қўлда кўмиши; 8 – ҳандақлар; 9 – тоғора; 10 – тешик; 11 – шиша матодан ясалган фильтрли диаметри 80-100 мм бўлган пластмасса қувур; 12 – шиша бўз


Хозирги вақтда горизонтал дренаж айниқса кенг қўлланилади. Очиқ ва ёпиқ зовурларнинг схемалари 5.6-расмда келтирилган. Зовурлар чуқурлиги Нзор ва қўшни зовурлар ўртасидаги масофа В ни шундай шартдан келиб чиқиб тайинлаш лозимки, зовурлар ўртасида жойлашган сизот сувлар сатхи

энг фаол буғланиш даврида критик чуқурликка тенг ёки ундан каттароқ чуқурлиқда бўлсин.

Вертикал дренажда қудуклар ўртасидаги масофани фақат сувни насослар ёрдамида тортиб олиш ва сизот сувлар сатҳининг ўзгаришини қузатиш йўли билан аниқлаш мумкин. Сўнгги йилларда лойиҳаланган ва қурилган айрим системаларга кўра бир қудук билан зах қочириш майдони 24-128 гектарни (депрессион ўрама радиуси 275-640 м), қудуклар чуқурлиги 32-100 м, дебит эса 25-120 л/с ни ташкил этади.

Каналлардаги иншоотлар. Ҳар бир суғориш системаси каналлардан ва юқорида қайд этилган асосий сув олиш иншоотларидан ташқари, асосан суғориш, сув йиғиши-сувни чиқариб юбориш ва зовур тармоқларида жойлашган бошқа кўп сонли гидротехника иншоотларига эга бўлади. Бу иншоотлар сув ўтказувчи иншоотлар (новлар, акведуклар, дюкерлар), туташтирувчи иншоотлар (тезоқарлар, шаршараклар)дир. қуйида суғориш системаси каналларига хос бўлган айрим иншоотлар, хусусан сув бўшаткичлар (ростлагичлар) ва сув дамлаш (тўсиш) иншоотларини кўриб чиқамиз.

Сув бўшаткичлар ўтказгич билан ва ўтказгичсиз қурилади. Каналларнинг трассаларида нишабликлар катта бўлган ҳолда улар кўпинча шаршара ва тезоқарлар билан туташтирилади. Сув бўшаткичлар ясси ёки сегментли ишчи затворлар билан жиҳозланади. қувурсимон сув бўшаткичлар тўғри тўртбурчак ёки доиравий кесимга эга бўлиши мумкин. Сув бўшаткичларнинг схемалари 5.7-расмда кўрсатилган.



5.7-расм. Сув бўшаткичларнинг схемалари:

a – очиқ сув бўшаткич; б – шаршарали очиқ сув бўшаткич; в – тезоқарли очиқ сув бўшаткич; г - қувурсимон сув бўшаткич; д – шаршара билан туташтирилган қувурсимон сув бўшаткич


Оралиqlар сони ва ўлчамлари ёки қувурлар сони сув сарфига ва сатҳлар фарқининг қийматига қараб (у аксарият ҳолларда 0,05-0,5 м ни ташкил этади) гидравлик ва техник-иқтисодий ҳисоб-китобларга мувофиқ танланади.

Сув дамлаш иншоотлари суғориши тармоғининг доимий каналларида уларда зарур сатҳларни сақлаш учун қурилади. Тузилиш жиҳатидан сув дамлаш иншоотлари сув бўшаткичлар билан деярли бир хил кўринишда бажарилади.

5.3. Суғориладиган ерларни суғориши техникаси ва усулларига кўра тақомиллаштириш

5.3.1. Ер устидан сув бериш

Эгилувчан ва қаттиқ қувурлар орқали эгатларга сув тақсимлаш. Сув бериш қувурлари юмшоқ ёки қаттиқ материаллардан тайёрланниб, кўчма бўлади. Уларга сув асосан шоҳариқ вазифасини бажарувчи новлардан олинади.




5.8-расм. Бетонли новдан сифон ва эгилувчан кўчма қувур орқали далани суғориши схемаси:

1 – бетон нов; 2 – сифон; 3 – эгилувчан кўчма қувур; 4 – сув тақсимловчи тешикчалар

А) ТП-120 – сув бериш учун мўлжалланган эгилувчан қувурлар. Кўндаланг кесим юзалари 160, 300 ва 350 мм бўлиб, мелиоратив матодан тайёрланади. Улар ҳар 0,6 ёки 0,9 м масофада бошқариладиган сув тақсимловчи тешиклар билан жиҳозланади. Буларга сувни гидрантлардан ёки маҳсус мосламалар (сифон ёки сув чиқаргич) ёрдамида новлардан олиш назарда тутилади (5.8-расм).

Б) КОП-200 – сув бериш комплекти, яъни кўчма паст босимли полиэтилен эгилувчан қувурлар ва уни ўрайдиган ғалтак ҳамда ўзи ишлайдиган сифонлар йиғиндисидан иборат мослама. Сув эгатларга ундаги тешиклар орқали тақсимланади. Сувни қувурлардан гидрантлар ёрдамида ҳам олса бўлади.

В) ТАП-150 (ТАП-200) – алюминидан ясалган қаттиқ йиғма сув бериши қувурларидан иборат бўлиб, эгатларга сув тақсимловчи маҳсус тешиклари бор. Улар сувни новлардан ёки ёпиқ қувурлардан олиши мумкин (5.9-расм).



5.9-расм. Бетон новдан алюмин күчма құвур орқали далани суғориши схемаси:

1 – бетон нов; 2 – алюмин күчма құвур; 3 - құвурларни олиб юрувчи трактор

5.3.1.2. Автоматлаштирилган новлардан сув бериш

Уларнинг кўринишлари турлича бўлиб, суғориши новлари асосан шоҳариқ вазифасини бажаради. Эгат, полга сув тўғридан-тўғри жиҳозланган шоҳариқдан (суғорувчи новдан) берилади (5.10-расм).

Суғориши нови сувни асосан бир томонлама, маълум узунликда ажралган бўлагидан бир йўла узатади. Бу бўлакнинг узунлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$L_{a.n.}^c = \frac{Q \cdot \alpha_s}{q_s}, \quad (5.5)$$

бу ерда Q – суғориши новига бериладиган сув сарфи, л/с; α_s – эгатлар ўртасидаги масофа, м; q_s - ҳар бир эгатга бериладиган сув микдори, л/с.


Суғориши новининг узунлиги унинг бўлаги узунлигига қолдиқсиз бўлиниши шарт.

Суғориши новидаги сув эгатларга ўзи ишлайдиган сифонлар, нов ёнидан ҳар бир эгат ёки полга тўғри келадиган махсус ўрнатилган кийдирма ёки нов тубидан ўрнатилган махсус тешикчалардан чиқадиган қувурлар ёрдамида узатилади.

5.3.2. Ўз босими билан ишлайдиган ёпиқ системалар

Бу суғориши тармоғидаги босим ҳам табиий босим ҳисобига бўлади. Қувурлари қаттиқ материал (пластмасса, асбестоцемент, бетон)дан ясалган ва сув чиқариш учун махсус тешиклар билан жиҳозланган. Суғориши қувури ёпиқ суғориши тармоғи сингари ҳайдалма қатлам остида бўлади (5.11-расм). Бу суғориши тизими академик И.А.Шаров томонидан тавсия этилган бўлиб, унда суғориши қувури эгатларга кўндаланг жойлаштириллади. Сув ер устига суғориши қувуридаги 3-8 мм ўлчамли тешикчалардан ҳар бир эгатнинг бошида булоқ сувидек чиқади ва нишаблик бўйлаб оқиб, суғоришини амалга оширади. Сув суғориши қувури бўйлаб бир текис тақсимланиши учун суғориши қувурининг узунлиги 150-200 м дан ошмаслиги керак. Сув тарқатувчи қувурлардан суғориши қувурларига бериладиган босим 4-6 м ни

ташкыл этиши лозим. Баъзи ҳолларда суғориш қувурлари махсус тик сув чиқаргичлар билан ҳам жиҳозланади.




5.10-расм. Автоматлаштирилган суғориш новлари:

а – кийдирмали (калта учликли); б – калта қувурли; 1 – сув чиқаргич; 2 – сув сарфини бошқарувчи мослама; 3 – пўйка; 4 – калта полиэтилен қувур

5.3.3. Ёмғирлатиб суғориш

Бу суғориш усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, у иш унумини сезиларли даражада ошириш имконини беради, суғориш механизациялаштирилади ва ер жуда текис бўлиши талаб этилмайди. Тупроқ таркибини бузмай, ҳосилдор устки қатламни сақлаб қолишга имконият яратади (5.12-расм).

Ёмғирлатиб суғориш усулини қўллашнинг асосий шарти: $P_{ur} < V_{sh}$, яъни сунъий ёмғирнинг жадаллиги (P_{ur}) тупроқнинг сув шимувчанлик тезлиги (V_{sh})дан кичкина бўлиши керак.




5.11-расм. Ёпиқ суғориши тармоғидан тешикли құзгалмас қувурлар ёрдамида суғориши схемаси:

a – күп үйлілік экинлар учун; б – бир үйлілік экинлар учун

Ёмғир сифати сунъий ёмғир томчиларининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Ўсимлик ва тупроқ учун энг қулай ёмғир томчисининг катталиги 0,4-0,9 мм ҳисобланишини назарда тутиш лозим.

ДДА-100 МА – икки қанотли ёмғирлатиб суғориши агрегати. Бу суғориши техникаси ДТ-75 М-ХС 4 тракторига соябон тарзида ўрнатилган икки қанотли ферма кўринишида бўлиб, сув фермага тракторга маҳкамланган ва суғориши техникасининг таркибиға киравчи марказдан қочма 8Х-14 насоси орқали очик муваққат ариқлардан ёки 350-420 мм ли юмшоқ эгилувчан




5.12-расм. ДДА-100 агрегатидан сугорадиган очик сув тармоғи

қувурлардан узатилилади. Трапеция шаклидаги очик муваққат тармоқнинг кўндаланг кесим юзаси элементлари $v=0,6 \text{ м}$, $h=0,6 \text{ м}$, $m=1,0 \text{ м}$ бўлиши шарт.

ДДА-100 МА ни суғориш майдони нишабликлари 0,001-0006 бўлган ҳолда қўллаш тавсия этилади. Суғориладиган майдонларнинг ўлчамлари ДДА-100 МА ўлчамлари билан боғланиши шарт.


5.3.4. Тупроқ ичидан суғориш

Бу усул сувни тупроқ остига 0,4...0,6 м чуқурликда, махсус ўрнатилган намлагичлар ёрдамида, тупроқнинг каппилияр кучи ҳисобига унинг фаол қатламига беришга асосланган бўлиб, унинг асосий қисми намлатгич ҳисобланади (5.13, 5.14-расмлар). Ҳозирги кунда намлатгичларнинг турли кўринишлари мавжуд. Шулардан амалда қўлланилаётганлари кротини шаклидаги намлатгичлар ва полиэтилен матодан ясалган қувур шаклидаги намлатгичлардир.



5.13-расм. Тупроқ ичидан суғориш схемаси:
1 – намлатгич; 2 – тупроқнинг тўла нам сиёум зонаси; 3 – тупроқ намлиги чегараси (суғорилгандан сўнг); 4 – тупроқ намлиги чегараси (1-2 суткадан сўнг)

Тупроқнинг фаол қатламига сувнинг сингишига кўра тупроқ ичидан суғориш босимли, босимсиз ва вакуумли бўлиши мумкин. Биринчи усулда сув босими намлатгичлар жойлашган чуқурликдан юқори $H=(0,6\ldots 2)$ м, иккинчи усулда сув босими $H=0,1\ldots 0,4$ м ни ташкил қиласи, учинчи усулда эса, тупроқнинг сув сўриш кучи орқали намланади. Бу усулни қўллашда ер рельефи текис бўлиши лозим.




5.14-расм. Намлатгичлардан сув олиш схемаси:

1 – намлатгич; 2 – сугорувчи құвур

Тупроқ ичидан суғориш ёпиқ тармоқлар ёрдамида амалға оширилғанда сув намлатгичларга суғориш қувири орқали узатилади, унга эса шоҳ қувурдан махсус сув бўлувчи қудуқдан берилади. Суғориш қувурининг нишаблиги 0,001 дан, узунлиги эса 100-150 м дан ошмаслиги керак, акс ҳолда тупроқ фаол қатлами ning намланиш сифатида бузилиши мумкин. Сув тарқатувчи ва сув ўтказувчи қувурлар асбестоцемент ёки полиэтилен қувурлардан лойиҳаланади.

5.3.5. Томчилатиб суғориш


Бу суғориш усулида сув махсус томчилатгичлар ёрдамида кичик суғориш меъёрлари билан ўсимликнинг илдиз қатламига томчи ёки узлуксиз томчи кўринишида узатилади. Томчилатиб суғориш усулида сув билан бирга эритма шаклидаги озуқалар ўсимликка узлуксиз берилиши мумкин (5.15, 5.16, 5.17-расмлар).



5.15-расм. Томчилатгич конструкциялари:


а – бурамали томчилатгич; б – «Диамонд» томчилатгichi; 1 – сугориши наий; 2 – найча; 3 – пўкак; 4 – беркитгич; 5 – томизги

Томчилатиб суғориш усулини сув захиралари кам бўлган худудларда, рельефи ўта ноқулай жойларда (бошқа суғориш усулини қўллаш қийин ёки мумкин бўлмаган ҳолда), шўрланмаган енгил тупроқларда, суғориш сувининг таркибида туз микдори жуда оз бўлганида қўллаш тавсия этилади. Томчилатиб суғориш тармоқларини қуриш қимматга тушади, шу боис улардан кўп йиллик ва серҳосил экинлар (токзор ва боғлар)ни суғориш усун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



5.16-расм. Томчилатиб суғориш схемаси:
1 – суғории найи; 2 – томизгичлар; 3 – намланган зона

Томчилатиб суғориш тармоғининг умумий тузилиши [11]да кўрсатилган бўлиб, ҳозирги лойиҳаларда 5.17-расмда келтирилган модуль майдони кўринишидаги суғориш системалари қўлланилмоқда. Махсус тозалагичлардан ўтган сув шоҳ қувур орқали тарқатувчи қувурларга, улардан дала қувурларига, дала қувурларидан махсус томчилатгичлар билан жиҳозланган суғориш найчаларига, томчилатгичлардан эса ўсимликнинг илдиз қатлами тарқаладиган юзага узатилади. Суғориш найчаларидан ташқари барча қувурларнинг ерга кўмилиши мақсадга мувофиқ саналади. Томчилатиб суғориш тармоқларида асосий бўғин томчилатгич ҳисобланади. Мембранали томчилатгичлар тиник, пўкаклилари эса лойқа сув билан суғориш учун мўлжалланган. Томчилатиб суғориш тармоқлари 0,05...0,3 нишабликларда қўлланилиб, босим табиий бўлганда иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.




5.17-расм. Далаларни томчилатиб суғориш схемаси:

1 – сув олиши манбаи; 2 – насос; 3 – автоматлаштирилган суғориши блоки; 4 – сизгич; 5 – сув ўлчагич; 6 – ўгит билан сувни аралаштирувчи мослама; 7, 8 – ёпиқ құвур системаси; 9 – томизгичлар

5.4. Күчкиларга қарши кураш ва қирғокларни мухофаза қилиш

Тупроқ массалари ўз оғирлиги таъсирида аниқ ифодаланған сирпаниш юзаси бўйлаб кўчиши кўчкилар деб аталади (5.18-расм). Кўчкиларга қарши курашиш зарурияти жойнинг ўта намланған йирик қияликлари мавжуд бўлган ҳолда юзага келади. Кўкига қарши тадбирлар гидротехника иншоотлари, турар жой ва саноат бинолари, транспорт иншоотларининг турғунлигини таъминлаш учун зарур.

Кўчкилар табиий қияликларда ёки чуқурлар ва кўтартмаларнинг сунъий нишабликларида юзага келиши мумкин. Тупроқ массалари мувозанатининг бузилиши кўчкилардан фарқ қиласидиган бошқа шаклларда, хусусан ўпирилиш ва тўкилишларда ҳам кузатилади. Ўпирилишларда жинсларнинг кўчиши анча тез юз беради ва одатда ағдарилиши ва майдаланиши билан бирга кечади. Тўкилиш деб боғланишсиз сочиливчан грунтнинг қиялик бўйлаб ҳаракатланишига айтилади.



5.18-расм. Кўчки схемаси:

а – кесими; б – тархи; 1 – ажралиши қирраси; 2 – ажралиши девори; 3 – кўчки погоналари; 4 – сирпаниши юзаси; 5 – кўпчии тирқишилари; 6 – замин деформациялари

Кўчкilarга қарши курашиш муҳандислик тадбирлари ҳам уларни юзага келтирувчи сабаблар каби ранг-барангдир. Кўчиш хавфи бўлган қияликларни мустаҳкамлаш ва грунт массаларини мувозанат ҳолатида механик йўл билан сақлашга қияликни текислаш, унинг устки қисмини олиш ва кўчки остига бостириш (бу грунт массаларининг сирпанишига қарши тиргак бўлиб хизмат қилади) билан эришилади. Бунда кўчки танасига ўтган сизот сувлар ушланиб қолмаслиги учун тўкилган тиргак массивда ишончли дренаж қуриш мажбурий шарт ҳисобланади. Грунт массаларини мувозанат ҳолатида сақлаш учун тирговуч деворлардан ва қияликларни анкерлашдан ҳам фойдаланилади.

Юзаки сувларни четлатиш кўчиш хавфи бўлган қияликларни бу сувлар уларнинг грунтига ўтишидан сақлаш учун қўлланилади. Юзаки сувлар бу ерда ёмғир ёғиши ва баҳорги қор эриши натижасида пайдо бўлади. Юзаки сувларни четлатиш учун сув чиқариш тармоғи системасидан фойдаланилади: шаҳарларда у ёпиқ, бўш худуд кўп бўлган қишлоқларда эса у очик бўлади. Кўчкilarга қарши курашиш учун сизот сувларни четлатиш дренажлар ёрдамида амалга оширилади. Юзаки сувларни четлатиш учун кичик дренажлардан, ер юзасидан катта чуқурликда жойлашган сизот сувларни четлатиш учун эса чуқур дренажлардан фойдаланилади.

Кўчиш хавфи бўлган қиялик захини чуқурлиги 2,5-3 м бўлган дренаж новлари ўрнатиш йўли билан қочириш мумкин. +ияликка сув чиқса, қиялик дренажлари қурилади. Улар қиялиқда кўндалангига жойлашган ва фильтровчи материал билан тўлдирилган унча чуқур бўлмаган ҳандаклардан ташкил топади. Қиялик дренажлари кўчиш хавфи бўлган юзадан пастроқда ва улар қишида ҳам ишлаши учун музлаш чуқурлигидан пастроқда қурилади.

Дарёларнинг қирғоқларини ювилишдан ва емирилишдан сақлаш учун улар ҳар хил қопламалар ва ростлаш иншоотлари (оқимни йўналтирувчи бўйлама дамбалар ва қирғоқ чизигига нисбатан нормал ёки катта бурчак остида жойлашган кўндаланг иншоотлар) билан мустаҳкамланади.

Назорат саволлари

1. Мелиорациянинг асосий вазифалари ва турларини айтинг.
2. Ерларни суғоришнинг асосий турлари ва усуслари ҳақида гапириб беринг.
3. Суғориш тармоғи қайси элементлардан ташкил топади?
4. Суғориш тармоғи каналларидағи сув сарфи қандай аниқланади?
5. Сув йиғиши-сувни чиқариб юбориш каналарининг вазифаси ва жойлашуви қандай?
6. Зовурлар тармоғининг вазифаси, жойлашуви ва конструкцияси ҳақида гапириб беринг.
7. Ёмғирлатиб суғориш ва бунда қўлланиладиган машиналар ва механизмлар.
8. Тупроқ остидан суғориш, унинг вазифаси, жойлашуви ва конструкциялари.
9. Ерларни томчилатиб суғориш ҳақида гапириб беринг. сув келтириш ва сув четлатиш каналлари

6-боб. ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ

6.1. Қурилишни ташкил этиш

Қурилишни ташкил этишнинг умумий схемаси. Гидротехника қурилиши қуйидаги маҳсус турларга ажратилиши мумкин: гидроэнергетика қурилиши, сув-транспорт қурилиши, гидромелиорация қурилиши, сув таъминоти. Гидротехника объектларини қуришда кўпгина вазирликлар ва идоралар иштирок этади. Бу вазирликларнинг ҳар бири қурилиш бош бошқармалари ёки бирлашмаларига эга бўлади ва уларнинг таркибида гидротехника иншоотлари бўғинлари қуришни бевосита амалга оширувчи умумий ва маҳсус қурилиш трестлари ва бошқармалари иш олиб боради.

Қурилишни муваффақиятли амалга ошириш ва қурилган обьектдан самарали фойдаланиш учун олдиндан, қурилиш бошлангунга қадар, қабул қилинадиган қарорларни асослаш мақсадида изланув ва илмий-тадқиқот ишлари мажмuinи бажариш, лойиха ва смета тузиш лозим. Лойиха тузиш жараёнида икки босқични фарқлаш мумкин: биринчи босқич – лойихалашдан олдинги ишловлар, иккинчи босқич – лойихани тузиш. Биринчи босқичда оқар сувлар ва сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш схемалари, қишлоқ хўжалик майдонларини сугориш ва қуритиш системаларини ривожлантириш схемалари, кичик ГЭСларни ривожлантириш схемалари тузилади. Схемаларни тузиш чоғида энг муҳим обьектлар аниқланади ва сўнгра уларнинг лойихалари тузилади.

Иккинчи босқичда муайян обьектлар лойихаланади. Лойихалаш жараёни икки ёки бир босқичда амалга оширилади. Икки босқичли лойихалашда аввал обьектни қуриш ва ундан фойдаланишнинг барча масалалари бўйича барча асосий жойлаштириш, конструктив ва технологик ечимларни ўз ичига олган лойиха ҳамда смета тузилади. Сўнгра иккинчи босқичда обьектни қуриш иш ҳужжатлари (иш чизмалари) муфассал ишлаб чиқилади.


Бир босқичли лойихалашда (кичик обьектлар учун) лойиха бир марта тузилади ва унда умумий жойлашув, конструктив ва технологик масалалар ҳам, муфассал чизмалар ва сметалар ҳам ишлаб чиқилади.

Лойихалар лойихаловчи ташкилотлар томонидан буюртмачидан олинувчи лойихалаш топшириғига биноан тузилади. Лойихаловчи ташкилот, бундан ташқари, қурилиш жараёнида лойиха талабларига риоя этилишини назорат қилиб бориши шарт, шу сабабли қурилиш даврида у жойларда муаллиф назоратини олиб борувчи ва асосий маълумотларга аниқлик киритилиши муносабати билан тегишли тузатишлар киритувчи ишчи лойихалаш гурухлари ёки бўлимлари ташкил этади.

қурилиши лозим бўлган иншоотлар икки гурухга ажратилади: келажакда обьектнинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган доимий иншоотлар (масалан, тўғон, ГЭС биноси, канал, шлюз) ва фақат мазкур обьектни қуриш учун зарур бўлган муваққат иншоотлар (масалан, бетон

заводи, автобазалар, қурилиш машиналарини таъмираш устахоналари ва ҳ.к.).

Барча доимий ва муваққат иншоотларни жойлаштириш шундай амалга оширилиши лозимки, улар иншоотларни қуриш оптималь технологиясини таъминлаш шартларига кўра бир-бирига мумкин қадар яқинроқ ва қулай жойлашсин. Иншоотларнинг жойлашувины боғлаш учун қурилишининг бош режаси тузилади.



6.1-расм. Гидроэлектростанция қурилишининг бош режаси

Гидроэлектростанция қурилишининг бош режаси схема тарзида 6.1-расмда кўрсатилган. қурилиш майдончасида барча объектларнинг жойлашуви асосий иншоотларни қуриш технологияси талаблари ва жой рельефини ҳисобга олган ҳолда бажарилган. Ишлаб чиқариш базаси объектлари гидротехника иншоотлари бўғинининг створига (1) мумкин қадар яқинлаштирилган. Биринчи (2) ва иккинчи (3) навбат тўғонлар бўғинининг асосий иншоотлари бутун қурилиш даври мобайнида сувсиз шароитларда барпо этилишини таъминлайди.

Режада кўриниб турганидек, бетон ва бойитиш хўжалиги (4), ёғоч заводи (5), йиғма темир-бетон полигони (6), ихтисослашган ташкилотлар базалари (7-13), автохўжалик (14), таъмираш-механика хўжалиги (15), саноат қурилиши базалари (16), моддий-техника омборлари (17), кўмир омбори (18) қурилиш майдончаси марказида жойлашган. қурувчилар шаҳарчаси (19) мавжуд шаҳарча (20) яқинида жойлашган. Жой рельефи туфайли шаҳарчанинг бир қисми бошқа майдончада жойлаштирилган. Участка хўжалиги (21) асосий

иншоотлар котловани олдида, причал (22) яқинида жойлашган. Карьерлар (23) ўрни яроқли қурилиш материаллари мавжудлиги билан белгиланган.

6.2. Инженерлик изланувлари

Гидротехника иншоотларини лойиҳалашдан олдин қурилиш ҳудуди ва майдони инженерлик изланувлари ўтказиш йўли билан синчиклаб ва ҳар томонлама текширилади ва ўрганилади. Инженерлик изланувлари вазифасига бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш асосий масалаларининг техник жиҳатдан тўғри ва иқтисодий жиҳатдан самарали ечимларини танлаш учун зарур қурилишнинг маҳаллий табиий шароитларини тавсифловчи маълумотлар олиш киради. Изланувларнинг материалларидан лойиҳалаш жараёнида унинг барча босқичларида фойдаланилади.

Инженерлик изланувлари ўз хусусиятига кўра уч хил: инженерлик-техникавий, техник-иктисодий ва экологик бўлади. Инженерлик -техникавий изланувлар предметини қурилиш ҳудудининг табиий шароитларини комплекс ўрганиш ташкил этади. Бундан лойиҳани тузиш чоғида уларни тўғри ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш мақсади кўзланади. Улар гидротехника иншоотлари бўғини створи, қурилиш майдони, иншоотлар ўрнини танлаш, шунингдек қурилишни ташкил этиш жараёнини лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бу ечимлар асосан техник-иктисодий асослантириш босқичида қабул қилинади, шу боис мазкур босқичда изланувлар тўла ҳажмда ўтказилиши лозим. Муҳандислик-техникавий изланувлар таркибига қуйидаги турлар киради: топографик, иқлим, геологик, гидрологик, тупроқ ва санитария-гигиена изланувлари.

Техник-иктисодий изланувлар предметини қурилиш ҳудудининг иқтисодий шароитларини, унинг ривожланиш истиқболларини комплекс ўрганиш, қурилишни хом ашё, қурилиш материаллари, электр энергия, ёнилғи, сув ва бошқа моддий ресурслар ҳамда меҳнат ресурслари билан таъминлаш имкониятларини аниқлаш ташкил этади.

Экологик изланувлар ва тадқиқотлар сув оқимининг қурилиш ҳудуди экологик тизими билан ўзаро алоқасини ўрганиш, юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олувчи зарур табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини аниқлашни назарда тутади. Изланувларнинг барча турлари гидротехника иншоотлари бўғини параметрларини белгилаш, қурилиш майдони, автомобиль йўллари ва электр узатиш тармоқлари трассаларини танлашда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Изланув ишларини одатда етакчи лойиҳалаш ташкилоти бажаради. Изланув ишларини бажариш учун тегишли бўлинмалар – экспедициялар, партиялар, отрядлар ва бригадалар тузилади. Изланув экспедициялари ва партиялари ўз хусусиятига кўра ихтисослашган ва комплекс бўлиши мумкин: ихтисослашган экспедициялар ва партиялар изланувларнинг муайян бир турини, комплекс экспедициялар ва партиялар эса – бир неча турини бажаради. Изланув ишларининг бутун ҳажмига дастур тузилади. Дастурда

дала ишларини бошлаш ва тугаллаш, оралиқ ва якунловчи ҳисобот материаллари тақдим этиш муддатлари ҳам кўрсатилади.

Изланув ишларини бажаришга киришишдан олдин ва уларни амалга ошириш жараёнида у ёки бу қарорларни тегишли ташкилотлар билан мувофиқлаштиришга тўғри келади. Масалан, водопровод ва канализация иншоотлари учун изланувлар бўйича – Давлат санитария назорати органлари билан, гидрологик ва метеорологик изланувлар бўйича – Гидрометеорология хизмати бошқармасининг маҳаллий органлари билан ва ш.к.

Мувофиқлаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш чоғида изланувларнинг материалларидан фойдаланишда қулайлик яратиш учун ўтказилган муҳандислик изланувларига мувофиқ олинган айrim техник ва юридик ҳужжатлар ҳамда буюртмачининг маълумотларидан иборат қурилиш участкаси паспортини тузиш тавсия этилади.

6.3. Гидротехника иншоотлари бўғинларини қуриш даврида дарё сув сарфларини ўтказишни ташкил этиш схемалари


Жойлашув ечими замирида кўпинча қурилиш даврида дарё сув сарфларини ўтказиш ётади.

Гидротехника амалиётида қурилишнинг икки асосий схемаси мавжуд: дарё ўзанидан сувни четлатмасдан ва унинг қурилиш майдони жойлашган қисмидан сувни четлатган ҳолда.

6.3.1. Ўзандан сувни четлатмасдан иншоотлар барпо этиш

Бу схемани амалга оширишда қурилишнинг икки методи – тўсиқсиз метод ва секцион тўсиқлар методи қўлланилиши мумкин.


Тўсиқсиз метод. Бундай метод схемаларидан бири 6.2-расмда келтирилган. Махсус понтон-кемадан (1) дарё тубига тарҳда тўғон устуни шаклидаги тепаси ва пасти очиқ ингичка деворли қобиқ (5) (пастлашувчи қудук) туширилади. қобиқнинг қуий қисми учли қилиб бажарилган ва темир «кескич» (6) билан жиҳозланган. Заминга у грунт қазиб олиниши ва ички бўшлиқдан чиқарилишига қараб ўз оғирлиги остида киради; бунда қобиқ юқоридан қўшимча секциялар (2) билан ўстирилади. Пастлашувчи қудук лойиҳада белгиланган ҳолатда ўрнатилганидан сўнг унинг ички бўшлиғи бетон билан тўлдирилади (3) ва шу тариқа тўғоннинг тайёр устуни олинади. қўшни устунларнинг пазларига тўсиқлар (4) киритилгач, уларнинг оралиғидаги жойдан сув тортиб олинади ва сув ташлагич тўғон ёки бошқа иншоот танаси бетонланади. Бу даврда дарё сувининг сарфлари бошқа устунлар оралиғидаги тўсилмаган жойлардан ўтади. Тўсиқлар ортидаги оралиқларда босим фронтини тўлиқ беркитиш учун затворлар (9) билан жиҳозланган туб тешиклари (8) ўрнатилади ва улардан дарёнинг сув сарфлари ўтказилади. Бу тешиклардан эксплуатация даврида фойдаланиш ёки уларни асосий сув ўтказиш иншоотлари ишга туширилганидан сўнг бетонлаб ташлаш мумкин.



6.2-расм. Бетон түғон устунлари (а) ва сув тушувчи оралиқлари (б)ни устунсиз метод билан барпо этиш схемаси:

1 – монтаж понтоны; 2 - құшиимча секцияларни монтаж қилиши; 3 – бетон билан түлдіриши; 4 – устунларнинг пазларидаги түсіктер; 5 – пастлашуви құдуқ; 6 - құдуқнинг кескіч қисми; 7 – устунлар; 8 – туб тешиклари; 9 – туб тешикларининг затворлари

Босим фронтининг бошқа схемаси ҳам мавжуд бўлиб, у 6.3-расмда келтирилган. Биринчи босқичда турли оралиқларга түсік-затворлар (6) олдинма-кетин ўрнатилиб, бетон иншоотларнинг бутун узунлиги бўйлаб пойдевор плитаси бетонланади. Иккинчи босқичда ҳар иккинчи (ёки учинчи ва х.к.) оралиқ пазларига затворлар ўрнатилиб, уларнинг ҳимояси остида тарнов останаси оралиқ В белгигача кенгайтирилади, бунда қурилиш сарфлари пойдевор плитаси устидаги А белги сатҳидаги ёндош оралиқлар орқали ўтказилади. Учинчи босқичда баландроқ затворлар ҳимояси остида сув ташлагич танаси 2, 4 оралиқларда бетонланиб, дарё сувининг сарфлари бўсағаси В белгига жойлашган 1, 3 оралиқлар орқали ўтказилади. Бу босқич якунлангач, затворлар 1, 3 оралиқларга қайта жойлаштирилади ва ишлар то қурилиш ниҳоясига етгунга қадар шу тартибда давом эттирилади. Түғонни барпо этишнинг бу усули тароқ усули деб аталади ва у юқорида тавсифланган туб тешиклари усули билан бир қаторда гидротехника қурилиши амалиётida кенг қўлланилади.




6.3-расм. Сув ташлагич оралиқларни тароқ усули билан барпо этиш схемаси:
I...III - қурилиши босқичлари; 1...4 – түғон оралиқлари; 5 – устун; 6 – затвор; 7 – сув ташлагичнинг лойиҳадаги кесими

Пастлашувчи кудукдан фойдаланишга асосланган тўсиқсиз метод қурилишни тезлаштириш имконини беради, бироқ у паст босимли иншоотларни барпо этишдагина қўлланилиши мумкин.

Секцион тўсиқлар методи. Бу метод схемаси 6.4-расмда келтирилган. Бетон иншоотлар икки ёки ундан ортиқ навбатда барпо этилади. Аввал дарёning сув сарфлари торайтирилган ўзан орқали ўтказилиб, биринчи навбат қурилиш майдони бўйлама (1) ва (5, 8) кўндаланг тўсиқлар билан тўсилади. Тўсиқлар оралиғидан сув тортиб олиниб, гидротехника иншоотлари бўғинининг биринчи навбати қуруқ шароитларда барпо этилади (6.4-расмда бу ГЭС биноси ва сув ташлагич тўғоннинг бир оралиғи), тўғонда туб тешиклари ёки пасайтирилган остона ўрнатилади. қурилишнинг навбатдаги босқичида котловандада иккинчи навбат бўйлама тўсиғи (4, 7) қурилади, у бетон конструкциялар, масалан тўғон (В) ва ГЭС (Г) ўртасидаги ажратувчи девор (6) билан туташтирилиб, кўндаланг тўсиқлар (5, 8) олиб ташланади, котлован сув билан кўмилиб, устки кўндаланг тўсиқ (2) сувга туширилади ва бўйлама тўсиқ билан бириттирилади. 2 тўсиқ ўсиб боришига қараб иншоот қаршисидаги сув сатҳи кўтарилади ва қурилиш сарфлари биринчи навбат иншоотларидаги тешиклардан ўтказилади. Сўнгра пастки тўсиқ (3) сувга туширилади, котлован қуритилади ва қуруқ шароитларда иккинчи навбат иншоотлари гидротехника иншоотлари бўғини қаршисидаги сув сатҳидан ортиқ белгиларгача барпо этилади. Навбатдаги босқичда иккинчи навбат устуллари ажратиб олиниб, тўғон ва ГЭС қурилиши тароқ ёки туб тешиклари усулида ниҳоясига етказилади.

Секцион түсікілар методи серсув дарёларда ўртача ва юқори босимли гидротехника иншоотлари бўғинларини куришда қўлланилади.



6.4-расм. Гидротехника иншоотлари бўғинини секцион түсікілар усулида барпо этиш схемаси:


I, II - қурилиши навбатлари; B – тўғон; Г – ГЭС биноси; П – понур; Р – рисберма; К – чўмич; 1, 5, 8 –I навбат түсікілари; 6 – ажратувчи девор; 2, 3, 4, 7 –II навбат түсікілари

6.3.2. Ўзандан сувни четлатиш йўли билан иншоотлар барпо этиш

Бу схема секцион түсікілар методидан фойдаланиш мумкин бўлмаган тор створларда, шунингдек кенг қайирли серсув дарёларда ҳар қандай босимли гидротехника иншоотлари бўғинларини барпо этишда кенг қўлланилади. Биринчи ҳолда ўзандан сув туннеллар (1) (6.5-расм), галерея (кувур) (9) орқали, қирғоқ массивида тўғон остидан ўтказилган нов ёки айланма канал ёрдамида, иккинчи ҳолда - қайирдан ўтказилган канал орқали четлатилади. Сувни туннель ёки галерея орқали четлатиш йўли билан иншоотлар барпо этиш схемаси 6.5-расмда келтирилган. Дарёнинг сув сарфларини четлатиш учун қирғоқлардан бирининг (баъзан иккаласининг) қоятош массивида порталлари қурилиш котловани чегарасидан ташқарида жойлашган туннель

(1), кириш (3) ва чиқиш (4) туннеллари ўтказилади. Галерея (9) (кўпинча қоямас заминларда) ўзандан ташқарида, ҳандақда қурилиб, унга сув канал (2) орқали келтирилади.


Дарёнинг сув сарфлари туннель ёки қувурга камсувлик даврида, ўзанга унинг бутун эни бўйлаб (кўприкдан ёки сузуви воситалардан) ёки қирғоқлардан туриб 6, 8 тўсиқлардан бирининг створида тошлардан банкет тўкиш йўли билан ўтказилади. Банкет ўсишига қараб унинг қархисидаги сув сатҳи кўтарилиб боради ва сув сарфлари қурилишнинг муваққат сув ташлагичи (туннель, галерея)га тушади. Тўсиқ банкет чўққиси сувдан чиққанидан кейин, деярли бутун сув сарфи (банкет танаси орқали фильтрация сарфидан ташқари) ўзандан ташқарида ўтувчи жойда якунланади. Сўнгра тиниб оқаётган сувга иккинчи тўсиқ тўкилади ва уларнинг баландлиги аста-секин оширилиб, қурилиш сув ташлагичи орқали хисобий тошқин сувлар сарфини ўтказиш учун етарли босим яратилади.



6.5-расм. Ўзандан сувни четлатиш йўли билан гидротехника иншоотлари бўғинини барпо этиш схемаси:

1 – туннель; 2, 5 – сув келтириши ва сув четлатиш каналлари; 3, 4 – устки ва пастки порталлар; 6, 8 – устки ва пастки тўсиқлар; 7 – тўғон контури; 9 – галерея

қайирда қурилиш қилиш методи ўзандан сувни четлатиш йўли билан иншоотлар барпо этиш сехмасининг бир тури ҳисобланади (6.6-расм). Гидротехника иншоотлари бўғинининг бетон иншоотлари дарёнинг паст ва кенг қайирида жойлаштирилади. Тошқин пайтида қайир сув билан қўмилган ҳолда қурилиш дамбалар билан тўсилган котлованда олиб борилади. Бетон тўғон (6) ва ГЭС биноси (5) қисман ёки бор бўйи қурилади, бунда қурилишнинг иккинчи навбатида сув сарфларини ўтказиш учун туб тешиклари ёки қуриб битказилмаган сув ташлагич оралиқлар қолдирилади. Бетон усти ҳисобий белгилар даражасига кўтарилигач, сув келтириш ва сув четлатиш каналларининг дарё билан туташувчи қисмлари муваққат сув ташлагич тешикларга сув йўлини очган ҳолда қазилади. Ўзан 2, 4 тўсиқлар билан тўсилгач, дарё сувининг сарфлари каналга ўтказилади, қуриган ўзанда эса тупроқ тўғон барпо этилади. Унинг ўсишига қараб бетон иншоотлар қурилиши тароқ ёки туб тешиклари усулида ниҳоясига етказилади.



6.6-расм. Гидротехника иншоотлари бўғинини қайирда қуриш схемаси:
 X, XX - қурилиши навбатлари; 1 – бетон тўғон; 2, 4 – устки ва пастки тўсиқлар; 3 – тупроқ тўғон; 5 – ГЭС биноси; 6 – тўғон «тароги»

қайирда қурилиш қилиш методи текислик бўйлаб ўтувчи дарёларда ўртacha босимли гидротехника иншоотлари бўғинларини қуришда кенг тарқалган.

6.4. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш усуллари

Бирон-бир иншоот ёки иншоотлар мажмуини барпо этиш ишларини икки турга - қурилиш ишлари ва монтаж ишларига ажратиш одат тусини олган; монтаж ишларига асосан технологик қурилмаларни йиғиши ва ўрнатиш киради. қолган ишлар: тупроқ, бетон, тош ишлари ва ҳоказолар қурилиш

ишлари қаторига киради. Объектда бажарилиши лозим бўлган барча ишлар қурилиш-монтаж ишлари (ҚМИ) деб аталади


Бирон-бир объектни қуриш учун маълум технологик кетма-кетлик билан ўзаро боғланган ишлар мажмuinи бажариш талаб этилади. қурилишни бошлашдан олдин объектни қуриш режаси тузилиши лозим. Бундай режани тузиш чоғида қурилиш муддати қандай, айрим ишлар қайси календарь муддатларда бажарилади, қурилиш учун қанча моддий, меҳнат ва пул ресурслари талаб этилади, деган ва бошқа шунга ўхшаш кўп сонли саволларга жавоб бериш даркор. Улар қурилишни ташкил этишини белгиловчи асосий хужжатлардан бири саналган календарь режа тузиш йўли билан ечилади.

Ҳозирги вақтда календарь режалар тузишда тармоқ графиклари ва тасмасимон диаграммалар айниқса кенг қўлланилади.

Тасмасимон диаграммалар тармоқ графикларидан олдинроқ пайдо бўлган ва узок вақтгача календарь режалар тузишнинг бирдан-бир воситаси ҳисобланган. 6.7-расмда қурилишнинг 11 ишлар туридан иборат календарь режаси ифодаланган. Ҳар бир иш тасма қўринишида тасвиirlанган («тасмасимон диаграмма» номи шундан келиб чиқсан). Бундай диаграммани тузиб, юқорида санаb ўтилган саволларнинг деярли барчасига жавоб бериш мумкин. Диаграмманинг афзаллиги унинг соддалигида. Бироқ ҳозирги қурилиш объектлари ўнлаб эмас, балки юзлаб иш турларини ўз ичига олади ва уларнинг ўртасидаги барча алоқаларни фақат тасмасимон диаграмма ёрдамида ҳисобга олиш мумкин эмас, шу сабабли режалашда хатоларга йўл қўйилиши муқаррардир. Бундан ташқари, календарь режа айни вақтда қурилишни оператив бошқариш воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласди, бундай бошқариш учун эса қурилишнинг давомийлиги қайси ишлар бажарилишига боғлиқ бўлиши ва қайси ишлар бу давомийликка таъсир қўрсатмаслиги ҳақида қўшимча ахборотга эга бўлиш лозим. Бу билим раҳбариятга мавжуд ресурсларни самарали бошқариш ва объектларни фойдаланишга топширишнинг белгиланган муддатларига риоя этилишини таъминлашга ёрдам беради. Тасмасимон диаграмма (6.7-расм, а) бу саволларга жавоб бермайди.

Шу сабабли айни шу қурилишнинг 6.7-расм (б)да тасвиirlанган тармоқ графигида кўпроқ ахборот ифодаланади. Бу ерда иш мил қўринишида тасвиirlанган, воқеа – бир ишнинг якунланиши ва бошқа ишнинг бошланиши доира билан қўрсатилган. Тармоқ графиги барча ишларнинг ўзаро алоқаси ҳақида аниқ тасаввур беради. Хусусан, К иш бошланиши учун Е ва F ишлар якунланиши талаб этилади, улар эса, ўз навбатида, тегишли равишда А ва В ишлар якунланмагунича бошланиши мумкин эмас. қурилишнинг давомийлиги В, G ва L ишларни бажариш муддати билан белгиланади. Бу ишлардан ҳар бирининг давомийлиги, айтайлик, Δt га кўпайиши бутун қурилишни айни шу муддатга узайтиради. Уларни критик ишлар деб номлаш одат тусини олган. F ишнинг давомийлиги Δt га кўпайиши эса, аксинча, қурилиш муддатида акс этмайди, бироқ K иш кечроқ бошланишига сабаб бўлади. Бундай ахборотга эга бўлган раҳбар G критик ишда бирон-бир

узилиш юз берган холда ресурсларнинг бир қисмини (одамлар ва техникани) F ишдан критиш ишга ташлаши ва шу тариқа бу ишда юз берган узилиш оқибатларини бартараф этиши мумкин.



6.7-расм. қурилишнинг чизиқли ва тармоқ графиклари схемалари

Тармоқ графиги мавжуд бўлган ҳолда тасмасимон диаграммага қайтиш (6.7-расм, в) ва унга қўшимча ахборот киритиш: киритик ишларни алоҳида штрихлаш йўли билан ажратиш ва календарь режада критик йўлни ифодалаш мумкин – бу йўл раҳбарнинг доимий назорати остида бўлиши лозим; киритик йўлда ётмаган ишлар учун улар эга бўлган вақт захиралари, яъни қурилиш муддатини кўпайтирмасдан ишларни бажариш муддатларини узайтириш мумкин бўлган вақт кўрсатилиши даркор (захиралар штрихланмаган тасма билан белгиланган).

Тармок графиги ва тасмасимон диаграмма бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдиради; режалаштиришнинг айрим масалаларини тасмасимон

диаграмма ёрдамида, айрим масалаларини эса – тармоқ графиги ёрдамида ечиш қулайдыр.

Тармоқ графиги қурилишни ташкил этишнинг тармоқ модели ҳисобланади ва ҳар қандай модель билан бўлганидек, у билан ҳам экспериментлар ўтказилиши мумкин. Бундай экспериментлар натижасида айрим ишларнинг давомийлиги бутун қурилиш муддатига қандай таъсир кўрсатишига баҳо берилади, қурилишнинг минимал муддатини таъминловчи ишларнинг давомийлиги ҳисоблаб топилади ва ҳ.к. Бундай экспериментлар замонавий ЭҲМда бажарилади.

6.5. Иншоотларни барпо этиш технологияси


6.5.1. Грунтли иншоотлар барпо этиш

Гидротехника иншоотлари қурилишида уни арzonлаштириш мақсадида маҳаллий қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади. Барча турдаги грунтлар шундай материаллар жумласидан. Грунтлардан тўғонлар, дамбалар, йўл кўтармалари ва ҳоказолар барпо этилади.

Грунтли иншоотлар нафақат грунт тўкиш, балки грунтни ўйиш йўли билан ҳам қурилади. Бундай иншоотлар қаторига бетон иншоотларнинг котлованлари, каналлар, ҳандақлар, карьерлар, туннеллар ва ҳоказолар киради. . Грунтли иншоотлар қуриш ҳар хил грунтларнинг катта-катта оқимларидан ташкил топади, уларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш кўп энергия сарфини талаб қиласиди. Масалан, йирик тупроқ тўғонлар қурилишида грунт оқимлари соатига бир неча минг куб метрга етади, бундай тўғонларнинг ҳажмлари эса ўнлаб миллион куб метрлар билан ўлчанади. Тупроқ тўғонларнинг баландлиги ҳам анча катта бўлади. Энг баланд . грунтли тўғонлар қаторига Нурек (300 м) ва Чорвоқ (168 м) тўғонлари киради. Бундай тўғонлар ўз қархисида улкан сув массаларини ушлаб туради ва шу сабабли ўта муҳим иншоотлар ҳисобланади.

Залворли грунтли иншоот қуриш учун аввало грунт табиий массивдан ажратилиши, сўнгра қурилиш жойига транспортда ташилиши ва ниҳоят, кўтартмага, иншоотга ётқизилиши лозим. Бунинг учун ҳар хил, баъзан анча мураккаб технологиялар яратилган.

Грунтли иншоотлар барпо этишнинг соддалаштирилган умумий схемаси 6.8-расмда келтирилган. Мазкур технологияга мувофиқ кўтарма учун грунт карьерлардан қазиб чиқарилади ёки фойдали ўйиклар (котлованлар)дан кудратли ер қазиш машиналари – экскаваторлар ёрдамида олинади. Айни ҳолда экскаватор чўмич билан жиҳозланади. Грунт шу чўмич ёрдамида қатламдан ажратилади (қирқиб олинади), қирқилган грунт чўмичда жамланади ва сўнгра автоағдаргичлар кузовига бевосита туширилади.



6.8-расм. Грунтли түғонни ер қазиши машиналари билан барпо этиш схемаси:
 а – план; б – грунтни күттармага ётқизиш технологиясы; в – карьерни қазиши; 1 - қурилиши сүв ташлагачи; 2 – түғон; 3 – автомобиль йүли; 4 – карьер; 5 – автоагдаргич; 6 – бульдозер; 7 - галтак машина; 8 – экскаватор

Түғри куракли экскаваторлар чўмичларининг геометрик сифими 30 м³ га этиши мумкин, бироқ гидротехника қурилишида чўмичининг сифими 4,6 м³ бўлган ЭКГ-4,6 русумли экскаваторлар айниқса кенг тарқалган. Турли шароитларда грунт қазиши учун ҳар хил мосламалар билан жиҳозланган экскаваторлар, шу жумладан одимловчи юриш қурилмасига ўрнатилган кудратли драглайн-экскаваторлар (одимловчи экскаваторлар) қўлланилади. Бундай экскаваторлар чўмичларининг геометрик сифими 160 м³ га, хартумининг узунлиги эса – 125 м га етади. Драглайнлардан, одатда, йирик узун иншоотлар, масалан, каналлардан грунт қазишида фойдаланилади. қазиб олинган грунт канал ёқалаб уюмларга тўкилади. Умумий ҳолда эса қазиб олинган грунт автотранспортга юкланиб, ётқизиш жойига ташилади. Бунда автоағдаргичлар сифими экскаватор чўмичининг сифимига мос бўлиши лозим.

Тўкиш жойига етказилган грунт туширилади, бульдозерлар ёрдамида муайян қалинликдаги горизонтал қатламлар билан текисланади ва турли машиналар ёрдамида шиббаланади. қатламлар қалинлиги турли грунтларнинг юмшалувчанлик ва зичланувчанлик кўрсаткичларига қараб белгиланади.

Табиий шароитларда грунтлар массивда, одатда, узок давр мобайнида ҳар хил ташки табиий омиллар, хусусан ўз оғирлиги таъсирида шаклланган зич ҳолатда бўлади. қазиши натижасида грунтлар зарралар ўртасидаги боғланишни қисман йўқотади ва юмшаб, ҳажман катталашади. Ётқизиш жойида бу грунтни берилган вақт мобайнида сунъий йўл билан, иншоотнинг вазифасига қараб зарур даражада зичлаш талаб этилади. Турли (қум, шағал каби боғланишсиз ва лой каби боғланишли) грунтларнинг юмшалувчанлик даражаси ва зичланиш қобилияти ҳар хил бўлади. Шу сабабли турли грунтларни зичлаш учун текислашда пайтида қатламларнинг ҳар хил қалинликлари тайинланади ва ҳар хил зичловчи механизмлар, хусусан ғалтак машиналар қўлланилади. Ҳозирги вақтда грунтларни зичлаш учун


мўлжалланган ғалтак машиналарнинг турлари жуда кўп: силлиқ ва кулачокли, тишли ва қовурғали, қаттиқ ва эгилувчан, монолит ва тўрсимон, титрама ва гравитацион, юмалоқ ва квадрат, айланувчи ва сакровчи, грунтни шиббаловчи ва ҳ.к.

Босимли иншоотлар – тўғонларга тўкиладиган грунтлар айниқса астойдил зичланади. Сув яхши зичланмаган грунтлар орасига кириб, тўғон танасидаги зичлашнинг ҳар қандай қусурларини топади, уларни ювади ва кенгайтирадики, бу тўғоннинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бироқ ғалтак машина билан яхши зичланмайдиган грунтлар, масалан яхши намланмаган қумоқсимон лойлар ёки бошқа грунтлар мавжуд бўлиб, уларнинг зичлигини сезиларли даражада ошириш талаб этилади. Бундай ҳолларда зичлашнинг зарбдор усули қўлланилади. Бунда кран оғирлиги 50 т гача бўлган бетон плитани кўтариб, грунт сиртига 25 м гача баландликдан ташлайди. Айни ҳолда тупроқ иншоот сирти 1-2 м га пасаяди, лойли грунт эса қарийб тошнинг зичлик даражасигача прессланади.

Грунтли иншоотлар барпо этишда гидромеханизация воситалари билан ишлаш технологиясининг схемаси 6.9-расмда ифодаланган. Бу технология кўпинча грунтларни сув остидан қазиб олишда қўлланилади. Сув остидан тупроқ қурилиш материалларини карьерлардаги каби чўмич ёрдамида олиш мумкин. Бунга тупроқни ботириб олгич снарядлар хизмат қиласи. Бироқ сув остидан грунтни олишнинг самаралироқ усули яратилган бўлиб, у грунтни маҳсус насослар ёрдамида сув билан бирга сўриш принципига асосланади. Бунда сузувчи лойқа сургич дарё ёки бошқа сув ҳавзаси тубига насоснинг сўрувчи қувурини туширади, сув аралаш грунтни сўради, уни қувурлар бўйлаб (бир неча километрга) тортади ва тўғон бўйлаб тақсимлайди; тўғон қуришнинг бундай усули ювиш деб аталади. Сув аралаш грунт қуйилганида оқаётган сувда йириклик даражаси ҳар хил бўлган грунт зарраларининг ажралиши юз беради. қумли ва қум-шағалли грунтларни қазиб олиш ва ювиш учун гидромеханизациядан фойдаланиш айниқса яхши самара беради.

Гидромеханизация сувдан ташқарида грунтларни қазиб олиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бунинг учун катта брандспойтларга ўхшаш қурилмалар – гидромониторлардан фойдаланилади. Уларнинг стволидан кучли босим остида отилиб чиқувчи сув грунтни юмшатиб ювади ва уни сув чиқариш қудукларига қадар элтади, бу қудуклардан сув аралаш грунт маҳсус насослар билан тортиб олинади ва қувурлар орқали иншоотга узатилади. Грунтни юмшатиш учун гидромониторлардан сув остида ҳам фойдаланилади. Замонавий гидромониторлар ҳатто қоятош грунтларни ҳам бузиш имконини беради. Гидромониторлардан нафақат грунтларни бузиш, балки уларни зичлаш учун ҳам фойдаланилади. Масалан, тош тўқмадан барпо этилувчи тўғон кўтармалари гидромониторлар ёрдамида зичланади.

Гидромеханизация воситаларидан фойдаланишга асосланган технологияларнинг афзаллиги шундаки, улар иш унумдорлигини ошириш имконини беради. Камчилиги – кўп электр энергия ва қувур йўлларига темир сарфини талаб қиласи.



6.9-расм. Гидромеханизация воситалари билан грунтли түғон барпо этиш схемасы:
 а – план; б – грунтни түкмек атасынан технологиясы; в – карьерда грунтни сув остидан қазиб олиши; 1 – тақсиловчи қуйқа ўтказгич; 2 – сув чиқарии құдуқлари; 3 – магистрал қуйқа ўтказгич; 4 – электр узатии тармоқлари; 5 – сузувлы қуйқа ўтказгич; 6 – лойқа сургич; 7 – ховуз; 8 – күттармалар; 9 – сув чиқарии құвури; 10 – сұргич-юмшатгич

Юқорида күрсатилған технологиялар грунтларни қазиб олиш, бир жойдан бошқа жойга күчириш ва ётқизишнинг оддий физик усуллариға асосланади. Гидротехника қурилиши амалиётида иншоотлар барпо этишнинг мураккаброқ усуллари ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига аввало портлатиш усули киради. Бу методнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у узок тайёргарлик - қудуқлар қазиш, портловчи моддаларни ўрнатишдан кейин яхши самара беради. Йўналтирилган портлаш ёрдамида тўғон кўтариш, дарёни тўсиш, канал қазиш мумкин. Портлаш мустаҳкам қоялардан туннеллар ўтказиш, гидроэлектростанцияларнинг ер ости заллари учун ўйиқлар очиш имконини беради. Бундан ташқари, портлаш муайян шароитда ер остидаги боғланишсиз грунтни ҳам, сув остидаги боғланишсиз грунтни ҳам зичлаши мүмкин.

6.5.2. Бетон иншоотлар барпо этиш


Деярли барча гидротехника иншоотлари бўғинларида тўлиқ ёки қисман бетон ва темир-бетондан қуриладиган иншоотлар мавжуд. Йирик қурилишларда ётқизиладиган бетон ҳажми бир неча миллион куб метрга етади.

Гидротехника иншоотлари бетони ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Унга муттасил ёки вақти-вақти билан сув, температура ўзгаришлари таъсир кўрсатади. Шу сабабли унга, одатдаги мустаҳкамлик талабларидан ташқари, сув ўтказмаслик, совуқбардошлиқ, оқиндилар таъсирида едирилишга ва оқимнинг катта тезликлари таъсирига чидамлилик, ёрилишга чидамлилик каби маҳсус талаబлар ҳам қўйилади.

Бу талабларга риоя этиш бетон учун материаллар, уларнинг миқдори ва сифатини маҳсус танлаш ҳамда бетонни тайёрлаш ва уни иншоотга ётқизишнинг муайян технологияси билан таъминланади.

Бетонлар қуйидаги асосий элементлардан таркиб топади: цемент, йирик тўлдиргич (гравий ёки шағал), майда тўлдиргич (кум) ва сув. Бетоннинг эластиклиги ва ётқизиш учун қулайлик даражасини ошириш, сув ва цемент сарфини камайтириш учун бетонга ҳар хил юмшатувчи қўшилмалар қўшилади. Цемент ва қўшилмалар каби материаллар заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобланади ва қурилишга сиртдан келтирилади. Шағал, гравий, кум каби материаллар эса маҳаллий қурилиш материаллари қаторига киради ва одатда қурилиш яқинида ёки яқинроқда жойлашган конларда тайёрланади.

Бетон сифати, унинг зичлиги ва бир жинслилигини таъминлаш, цемент сарфини камайтириш учун тўлдиргичлар йирик даражаси ҳар хил бўлган фракцияларга сараланади ва шағал саралаш ёки майдалаш-саралаш заводларида ювилади. Сўнгра материаллар омборларга ва бу ердан эҳтиёжга қараб бетон заводига тушади (6.10-расм). Бетон қоришимасини тайёрлаш (материалларнинг барча элементларини қоришитириш) бетон заводида бетон қоргичларда амалга оширилади. Барча материаллар, шу жумладан цемент ва сув, улар аралаштирилгунга қадар, бетоннинг лойиҳавий таркибиға мувофиқ аниқ дозаланади (тарозида ўлчанади).




6.10-расм. Бетон хўжалиги схемаси:

a – план; б – вертикал бетон қориши қурилмасининг схемаси; 1 – тўлдиргичларни қабул қилиши бункери; 2 – шағал саралаш қурилмаси; 3 – тўлдиргичлар омборлари; 4 – транспортёрлар; 5 – бетон заводи; 6 – цемент омборлари; 7 – тўлдиргичлар ва цемент бункерлари; 8 – дозаторлар; 9 – ийгма воронка; 10 - қоргич; 11 – тайёр қоришима бункери; 12 – транспорт воситаси; 13 – иўллар

Бетон қоргичлар одатда деворларига парраклар ўрнатилган айланувчи барабан ёки ичидаги парраклар айланувчи жом кўринишида бўлади. Барабан ёки парракларнинг айланиши ҳисобига қориshmанинг барча таркибий қисмлари бир жинсли масса олингунга қадар аралаштирилиши юз беради.

Тайёрланган бетон қоришима иншоотларга горизонтал транспортнинг ҳар хил турлари (автоағдаргичлар, бетон ташгичлар, бетон қоргичлар, транспортёрлар) ёрдамида етказилади. Бетон қориши масини баланд жойларга узатиш учун ҳар хил кранлар – автокранлар, занжир ғилдиракли кранлар, минорали ва бошқа кранлар қўлланилади (6.11-расм). Бу ҳолда қоришима аввал автоағдаргичлардан қовғаларга ўтказилади, сўнгра бетонли қовғалар ётқизиши жойига узатилади. Йирик қурилишларда КБГС-450, КБГС-1000 бетон ётқизувчи маҳсус минорали кранлари, юк кўтариш қобилияти 10-25 т бўлган кабель-кранлар қўлланилади.




6.11-расм. Бетонни блокка узатиш схемалари:

а – занжир ғилдиракли кранлар ва автокранлар билан; б – минорали кранлар билан; в – минорали кранлар билан эстакададан; г – кабель-кранлар билан; д – автоағдаргичлар билан; е - автоағдаргичлар билан эстакададан; 1 – бетонланувчи иншоот; 2 – бетон ётқизувчи механизм; 3 – транспорт воситаси; 4 – эстакада

Бетон қоришима иншоотга ётқизилгач, у текисланади, сўнгра титраткичлар ёрдамида зичланади. Ётқизилган бетон ҳажми унча катта бўлмаган ҳолда зичлаш қўл титраткичлари билан, бетон ҳажми қўп бўлган тақдирда эса ҳар хил машиналар билан титраткичлар пакетлари ёрдамида амалга оширилади. Бетон қориши мани титратиш ундан кириб қолган ҳаво пуфакчаларини чиқариш ва шу тариқа бетоннинг зичлигини ошириш мақсадида амалга оширилади. Бетон қориши мани ётқизиши яқунлангач, бетон берилган даражада қотунга қадар ёзда у қуёш нурлари таъсиридан сақланади ва устидан сув қуйилади, қишида эса музлашдан сақланади.

Гидротехника иншоотлари одатда катта ўлчамларга эга бўлади ва уларни бир мартада узлуксиз барпо этиш мумкин эмас. Шу сабабли узунлик жиҳатидан катта иншоотлар секцияларга ажратилади, ҳар бир секция эса қисмларга бўлиб, уни бетонлаш блокларига ажратиш йўли билан барпо этилади.



6.12-расм. Түғонни бетонлаш блокларига ажратиш схемалари:

а – чокларни боғлаши ўйли билан; б – устунсимон; в – узун блоклар; 1 – бетонлаш блоклари; 2 – блоклар ўртасидаги чоклар; 3 – устунлар; 4 – узун блоклар

Баландлиги 50 м гача бўлган иншоотларда «чокларни боғлаш» усулида ажратиш ғиши териш принципига кўра қўлланилади (6.12-расм, а). Баландлиги 50 м дан ортиқ тўғонларда блокларга устунсимон ажратиш қўлланилади (6.12-расм, б) ёки секциялар узун блоклар билан бетонланади (6.12-расм, в), баъзан эса тўғон бутун кенглик ва узунликда қатламма-қатлам бетонланади.

Бетонлаш блоклари системаси ва блокларнинг ўлчамлари шундай танланиши лозимки, мазкур иқлим ва қурилиш шароитларида блокларда дарзлар пайдо бўлмасин. Дастребки даврда бетоннинг қотиши ва мустаҳкамланиши иссиқлик ажралиши (экзотермик қизиш) билан бирга юз беради ва агар чоралар кўрилмаса, блокдаги бетон баланд температураларгача ($50\text{-}60^{\circ}\text{C}$) қизиб кетиши мумкин. Сўнгра иншоотнинг ташқи қисмларидаги бетон сиртдаги ҳаво температураси таъсирида фойдаланиш температурасигача совийди. қотган бетон температурасининг бундай пасайиши чўзувчи зўрикишларга сабаб бўлиши, улар эса дарзлар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Дарзлар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун бетон заводида бетон қоришимаси температурасини ростлаш (тўлдиригичлар, сувни иситиш ёки совитиш) ва блокдаги бетон температурасини ростлаш (қувур орқали сув юбориб совитиш, йилнинг иссиқ даврида сув билан юзаки совитиш ва қишида иситиш) қўлланилади.

Тўғонни бетонлаш блокларига устунсимон ажратишда устунлар қиздирилганидан ва улар совиганидан кейин устунлар оралиғидаги чоклар очилади ва босим остида цемент қоришимаси билан тўлдирилиб, шу тариқа конструкциянинг яхлитлиги таъминланади. Бошқа ажратиш системаларида цементлаш талаб этилмайди.

Иншоотни бетонлашда бетон маҳсус шакл - қолипга ётқизилади. қолип деворлари тўсиқлардан ясалади. қолип ажраладиган ва ажралмас бўлиши мумкин. Ажраладиган қолип бетон ташқи мустаҳкамлик даражасига етгач ажратиб олинади, ажралмас қолип эса бетон сиртида қолади ва иншоот қурилмасининг бир қисми ҳисобланади. Шу сабабли ажраладиган қолип

одатда ёғоч ва металлдан (ёғоч, ёғоч-металл, металл қолиплар), ажралмас қолип эса – темир-бетондан ясалади.

қолип маҳсус корхоналарда ёки қурилиш ишлаб чиқариш базасининг цехларида (ёғоч заводлари, темир-бетон маҳсулотлар заводларида) алоҳида тўсиқлар кўринишида ясалади. Блок қолипи одатда бетон узатувчи кранлар билан ўрнатилади. Баъзан алоҳида механизмлар қўлланилади.

Блокка темир-бетон қурилмаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун зарур арматура ҳам ўрнатилади. Арматура ҳажми унча катта бўлмаган ҳолда у донабай тайёрланади ва блокка қўлда ўрнатилади, катта ҳажмларда эса тўрлар ёки арматурали қурилмалар қурилишнинг ёрдамчи хўжаликларида олдиндан тайёрланади, сўнгра улар блокда ўрнатилади ва пайвандланади.

6.5.3. Гидротехника ишларининг бошқа турлари

Гидротехника иншоотлари қурилишида кўп учрайдиган тупроқ ва бетон ишларидан ташқари, мазкур шароитлар ёки иншоот типига хос бўлган бошқа ишлар ҳам бажарилади. Масалан, гидроэлектростанциялар қуришда турбиналар, генераторлар ва бошқа ускуналарни, шунингдек затворлар ва юк кўтариш кранларини монтаж қилиш ишларнинг каттагина ҳажмини ташкил этади. Масалан, Саян-Шуша ГЭСи қурилишида бажарилган монтаж ишлари ҳажми 120 минг т ни ташкил қиласди. Турбина ишчи ғилдирагининг оғирлиги 156 т ни ташкил этади, ускунанинг энг катта элементи – генератор роторининг оғирлиги эса 935 т га этади. Уни монтаж қилиш учун ҳар бирининг юк кўтариш қобилияти 500 т бўлган иккита кран назарда тутилган. Ер ости иншоотлари (туннеллар, ер ости ГЭСлари, шахталар) қуришда ер остидаги қазиш ва қоплаш ишлари анча катта ҳажмни ташкил этади. Туннелларни қазиш кон ёки қалқон усулида бажарилади ва зарур ҳолда деворлар бетон ёки темир-бетон билан қопланади.

Кон усулларида қазишда қояда портлашлар, қалқон усулида қазишда эса - қазишни ҳам, жинсларни мустаҳкамлашни ҳам таъминловчи маҳсус қалқонлар қўлланилади.

Иншоотлар заминларининг бўш грунтларини мустаҳкамлаш ва уларнинг сув ўтказувчанлигини камайтириш учун маҳсус ишлар, масалан, цементлаш ишлари бажарилади. Грунтда қудуқлар қазилиб, улардан босим остида цемент қоришимаси пуркалади. Бу қоришка грунтда мавжуд ғоваклар ва ёриқларни тўлдириб, уни мустаҳкамлайди ва грунтнинг сув ўтказувчанлигини камайтиради.

Шаҳарчалар ва бошқа ноҳарбий иншоотлар қуришда йиғма темир-бетон элементлар ва металл қурилмаларни монтаж қилиш катта ўрин эгаллайди.

Назорат саволлари

1. Гидротехника қурилишини ташкил этишнинг умумий схемаси хақида гапириб беринг.
2. қурилиш бош плани нима? Унинг асосий вазифасини айтинг.

3. қурилиш-монтаж ишлари олиб боришнинг қандай асосий усулларини биласиз?
4. Календарь режа қандай тузилади?
5. Тармоқ графиги қандай тузилади? Унинг қўлланилиши ҳақида гапириб беринг.
6. қурилиш даврида дарё сув сарфларини ўтказишни ташкил этиш схемаси қандай амалга оширилади?
7. Тупроқ гидротехника иншоотлари барпо этиш технологияси қандай амалга оширилиши ҳақида гапириб беринг.
8. Бетон гидротехника иншоотлари барпо этиш технологияси қандай амалга оширилади?
9. Гидротехника ишларининг бошқа турлари ҳақида гапириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Можевитинов А.Л. и др. Введение в гидротехнику, М., 1984 г.
- 2.Рассказов Л.Н. и др. Гидротехнические сооружения, в 2частях М. : Стройиздат, 1996.
- 3.Субботин А.С. Основы гидротехники и гидрометрических сооружений.Л. Гидрометеоиздат, 1991.
4. Bakiyev M., Nosirov B., Xo'jaqulov R. Gidrotexnxa inshootlari. T., "Talqin", 2007.
- 5.Baiyev M., Majidov X., Nosirov B., Xo'jaqulov R., Rahmatov M. Gidrotexnika inshootlari. T., "Vangi asr avlodi", 2008.
- 6.Файзиев Х. Гидротехника иншоотлари . Ўқув қўлланма, 3-қисм. ТАҚИ 2003й
- 7.Файзиев Х., Хусанхўжаев Ў.И. Гидротехника иншоотлари.Ўқув қўлланма, 1-қисм. ТАҚИ 2007й.

Мундарижа

| | | |
|--------|---|-----|
| | Сўз боши..... | 3 |
| 1-боб | Гидротехника йўналиши тўғрисида умумий маълумотлар | 4 |
| 1.1. | Гидротехника қурилиши йўналишини характеристикаси..... | 4 |
| 1.2 | Бакалаврнинг касбий малакавий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар..... | 5 |
| 1.3 | Олий таълимнинг давлат таълим стандарти..... | 5 |
| 1.4 | Сув ресурслари. Ўзбекистондаги сув ресурслари муаммоси ва уни келажакда бартараф этиш чора –тадбирлари..... | 7 |
| 1.5. | Сув хўжалиги ва унинг тармоқлари..... | 13 |
| 2-боб | Гидротехника иншоотлари..... | 15 |
| 2.1. | Гидротехника иншоотлари тўғрисида умумий маълумотлар..... | 15 |
| 2.2 | Гидротехника иншоотларини таснифи..... | 15 |
| 2.3 | Тўғонлар..... | 17 |
| 2.4. | Бетон ва темир бетон тўғонлар..... | 29 |
| 2.5. | Сув ўтказувчи иншоотлар..... | 38 |
| 2.6. | Сув чиқарувчи иншоотлар..... | 54 |
| 2.7. | Гидротехника иншоотлари затворлари..... | 60 |
| 2.8. | Гидротехника туннеллари..... | 63 |
| 2.9. | Каналлар ва улардаги гидротехника иншоотлари..... | 68 |
| 2.10. | Дарёдан сув олиш иншоотлари..... | 76 |
| 3-боб | Гидроэлектростанциялар..... | 87 |
| 3.1. | Сув энергияси ва ундан фойдаланиш схемалари..... | 87 |
| 3.2. | Гидроэлектростанциялар | 91 |
| 3.3. | Турбиналар ва уларни ГЭС биноларида ўрнатиш..... | 96 |
| 4-боб | Сув йўллари ва портлари..... | 104 |
| 4.1. | Сув йўллари тўғрисида умумий маълумотлар..... | 104 |
| 4.2. | Сув йўллари ва портларининг асосий турлари..... | 105 |
| 4.3. | Сунъий сув йўллари..... | 105 |
| 4.4. | Дарё портлари | 115 |
| 5-боб. | Инженерлик мелиорацияси..... | 120 |
| 5.1. | Мелиорациянинг вазифалари ва турлари..... | 120 |
| 5.2. | Қишлоқ хўжалик ерларини сугориш..... | 121 |
| 5.3. | Сугориладиган ерларни сугориш техникаси ва усулларига кўра такомиллаштириш..... | 130 |
| 5.4. | Кўчкilarга қарши кураш ва кирғокларни муҳофаза қилиш..... | 137 |
| 6-боб | Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва уни технологияси..... | 139 |
| 6.1. | Қурилишни ташкил этиш..... | 139 |
| 6.2. | Инженерлик изланувлари..... | 141 |
| 6.3. | Гидротехника иншоотлари бўғинларини куриш даврида дарё сув сарфлар ини ўтказишни ташкил этиш схемалари..... | 142 |
| 6.4. | Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш усуллари..... | 147 |
| 6.5. | Иншоотларни барпо этиш технологияси..... | 150 |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 159 |